

34  
014

342:004.

# ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР. ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ. ЎЗБЕКИСТОНДА  
ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

2032255



Тошкент 2005

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.** Умумий тушунчалар. Жаҳон тажрибаси. Ўзбекистонда жорий этиш истиқболлари.

Copyright © 2005 UNDP Digital Development Initiative Programme

Мазкур китоб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қўшма «Рақамли ривожланиш ташаббуси» Дастури томонидан Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда тайёрланган.

Китоб давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш бўйича қўлланма ҳисобланади ҳамда нафақат ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассисларга, балки китобхонларнинг кенг доирасига – илмий ходимлар, ўқитувчилар, талабалар ва мактаб ўқувчилари, журналистлар, менежерлар ва ҳоказоларга, бир сўз билан айтганда, замонавий цивилизациянинг ушбу янгилиги асосланадиган асосий тушунчалар ва ғоялар ва уларнинг Ўзбекистонда жорий этилиши истиқболлари билан танишиш истагидаги барча-барчага мўлжалланган.

**Муаллифлар жамоаси**

Арипов А.Н.  
Мирзахидов Х.М.  
Шерматов Ш.Х.  
Аъламов У.Б.  
Ельшов М.Л.  
Ходиметов А.И.  
Пулатов Л.  
Жамалидинова И.

**Лойиҳа координатори**

Аъламов У.Б.  
**Экспертлар гуруҳи**  
Ельшов М.Л.  
Ходиметов А.И.  
Пулатов Л.  
Жамалидинова И.

**Таржимон**

Бегимкулов Д.

**Мурожаат учун:**

«Рақамли ривожланиш ташаббуси» дастури  
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 700084  
Амир Темур кўчаси, 108, 1-кават  
Тел.: (+998 71) 134-10-37/51/52, Факс: (+998 71) 134-10-63,  
Mail: [info@undp.ddi.uz](mailto:info@undp.ddi.uz), Web: [www.ddi.uz](http://www.ddi.uz)

*Мазкур нашрни тайёрлашда ахборот билан қўмақлаганлиги учун Cisco Systems компаниясининг Тошкент офиси ходимларига ҳамда узибу лоиҳани амалга оширишда яқиндан ёрдам берган БМТТД ваколатхонаси ходимларига самимий миннатдорчилик билдирамыз*

## МУНДАРИЖА

СУЗ БОШИ .....	7
КИРИШ УРНИДА .....	8
<i>I бўлим. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР</i> .....	10
1-бўб. Масаланинг тарихи .....	11
1-§. Ахборот тизимлари ва хусусий бизнес – бизнесни самарали юритиш учун АКТдан фойдаланиш тажрибаси... 11	
2-§. Самарали менежмент тажрибасини давлат бошқаруви соҳасида қўллаш..... 14	
2-бўб. Давлат бошқарувида АКТнинг аҳамияти .....	18
1-§. Кўп учрайдиган адашишлар..... 18	
2-§. Ахборот технологиялари нуқтаи назаридан «классик» давлат бошқаруви .....	21
§ 3. АКТ ва давлат бошқарувиининг самарадорлиги .....	24
3-бўб. Давлат бошқарувида АКТ жорий этилишидан олинadиган самара .....	30
1-§. Фуқарога қандай фойда беради..... 30	
2-§. Хусусий бизнесга қандай фойда беради..... 32	
3-§. Давлат бошқарув тизимида қандай фойда беради..... 34	
4-§. Ахборот-коммуникация инфратузилмаси ва ахборот хавфсизлиги..... 36	
<i>II бўлим. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА АКТНИ ТАТБИҚ ЭТИЛИШИНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА МИЛЛИЙ МОДЕЛАР</i> .....	40
4-бўб. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси..... 42	
1-§. Асосий вазифа .....	44
2-§. Давлат бошқарувида АКТ тизимиининг уч элементи: базавий модел .....	46
3-§. Ташкилий самарадорликни такомиллаштириш .....	48

4-§. Курсатилаётган хизматларни такомиллаштириш – биринчи босқич.....	49
5-§. Курсатилаётган хизматларни такомиллаштириш – иккинчи босқич дастури .....	51
6-§. Қапта узгартириш устуворликлари.....	54
7-§. Фўқароларнинг давлат бошқарувида иштирокини кенгайтириш .....	65
8-§. Миллий моделлар ва сценарийларнинг хусусиятлари ..	68
9-§. Навбатдаги қадамлар шималардан иборат бўлади? «Тармоқли виртуал ҳукумат»? .....	73
5-боб. Утиш иктисодиётига эга бўлган мамлакатларда давлат бошқарувида АКТ.....	79
1-§. Асосий хусусиятлари.....	80
2-§. Муаммолар.....	81
3-§. Давлат бошқарувида АКТни жорий этишни ривожлантириш ташаббусларининг ҳолатини тадқиқ этиш натижалари .....	84
4-§. Шарқий Европа мамлакатларида давлат бошқарувида АКТни жорий этиш .....	85
5-§. МДХ мамлакатларида давлат бошқарувида АКТ .....	92
III-бўлим. УЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА АКТ: ТАЖРИБА, ТЕНДЕНЦИЯЛАР, МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙУЛЛАРИ.....	99
6-боб. Давлат бошқарувида АКТни жорий этишнинг ташкилий, ҳуқуқий ва моддий-техник шарт-шароитлари .....	99
1-§. Маъмурий ислохотлар ва давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ошириш .....	99
2-§. Ўзбекистонда давлат бошқарувида АКТ тизимларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишини норматив- ҳуқуқий асосларини шакллантириш .....	102

3-§. Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг асосий устуворликлари .....	103
7-боб. Давлат бошқарувида АКТни жорий этишга Ўзбекистоннинг тайёргарлиги .....	105
1-§. Ўзбекистонда давлат бошқарувида АКТнинг асосий элементларини жорий этишнинг ҳозирги ҳолати.....	105
2-§. Ўзбекистонда давлат бошқарувида АКТни қўллаш моделини ишлаб чиқишга асосий ёндашувлар .....	108
8-боб. Биринчи навбатдаги вазифалар.....	111
1-§. «Давлат – Давлат» (G2G) .....	111
2-§. «Давлат – Бизнес» (G2B) .....	115
3-§. «Давлат – Фуқаролар» (G2C).....	119
4-§. Рақамли демократия .....	121
9-боб. Яқиний боб. Ёхуд яна бир бор давлат бошқарувида АКТ жорий этилиши нималар бериши ҳақида .....	124
Яқун ўрнида .....	126
ИЛОВАЛАР .....	127
Ўзбекистон Республикаси Президентишнинг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармони .....	127
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 30 июндаги 200-сон Қарори.....	131
Ўзбекистон Республикаси «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» 2002 йил 12 декабрдаги 439-II-сон Қонуни .....	135
Ўзбекистон Республикаси «Ахборотлаштириш тўғрисида» 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни.....	141

Ўзбекистон Республикаси «Электрон рақамли имзо тўғрисида» 2003 йил 11 декабрдаги 562-П-сон Қонуни .....	149
Ўзбекистон Республикаси «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» 2004 йил 29 апрелдаги 611-П-сон Қонуни .....	156
Ўзбекистон Республикаси «Электрон тижорат тўғрисида» 2004 йил 29 апрелдаги 613-П-сон Қонуни .....	160
Ишлатилган терминлар изоҳли луғати.....	164
Адабиётлар руйхати ва манбалар .....	202

## СУЗ БОШИ

Хурматли китобхон!

Сизга маълумки, ахборот-коммуникация технологиялари салоҳияти узаро муомала қилиш ва ахборот айирбошлашнинг принципиал жиҳатдан янги шакллари ва имкониятларини очади, фуқаролик жамияти барпо этилиши ва мустақамланишига кумакланади, иқтисодий ислохотлар ва мамлакатнинг демократик ривожланиши жараёналарини жадаллаштириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси шаклланаётган глобал ахборот жамиятида муносиб ўринни эгаллашга интилоқда. Ушбу мақсадларга эришиш учун мамлакат Ҳукумати томонидан Ўзбекистонда ахборотлаштириш жараёналарини фаоллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тез суръатларда ривожлантириш, уларни иқтисодий ва жамиятнинг барча соҳаларида жорий этиш ҳамда фойдаланишнинг стратегик устворликлари белгилади.

Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш жамиятни ахборот жиҳатидан кенг қуллаш қайта ўзгартиришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу давлат бошқаруви самарадорлигини жиддий равишда ошириш, давлатнинг умуман жамият билан ҳамда унинг айрим институтлари ва фуқаролар билан узаро муносабатларини оптималлаштириш имконини беради.

Шу муносабат билан ушбу китоб нафақат мутахассисларга, балки мамлакатимизнинг барча фуқароларига фойдали бўлади деб уйлаймиз. Барча учун тушунарли бўлган ўзбек тилида ёзилган мазкур китоб ўқувчиларни давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тугрисидаги асосий тушунчалар ва ғоялар доирасига олиб киради, уларни тадқиқ этишнинг мақсадга мувофиқлиги ва истиқболларини тушунишни енгиллаштиради.

Мазкур наشرни тайёрлашда бундай лойиҳаларни амалга оширишнинг жаҳон тажрибаси урганиб чиқилди, давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш соҳасида етакчи компанияларнинг таклифлари ва жаҳондаги ташиқли мутахассисларнинг эксперт фикрлари ҳисобга олинди.

*Муаллифлар жамоаси*

## КИРИШ ҲУРНИДА

Демак, биз – иқтисодчилар ва сиёсатшунослар, журналистлар ва муҳандислар, АКТ-менежерлар ва АКТ-технологлар китобхонлар кенг оммасига ижтимоий, иқтисодий ва техник фанларнинг бир қанча замонавий оқимлари туташган жойда пайдо бўлган ҳамда ривожланган фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бирини гашкил этувчи давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларининг қўллаш ҳақида ҳикоя қилиш учун тупландик. Ва нафақатгина ҳикоя қилиш, балки бизнинг ҳаётимизга яшаш тезликда кириб келаётган оммавий глобаллашув даврининг инсоният тараққиёти янгилигига эътибор бериш, унга қизиқтириш ва у билан бўладиган илк муомалаларга ургатиш учун йиғилдик.

Ҳар қандай муаллифлик жамоаси олдида, булғуси китобнинг мазмунини қизгин муҳокамаси тамом бўлганидан ва унинг бўлажак қиёфаси анча аниқлашганидан сунг, ўзига ҳос иккита муаммо пайдо бўлади. Бу китобхонлар билан суҳбатни нимадан бошлаш ва уларни зериктириб қўймасдан, аксинча бошқа янгиликларни билиб олишга интилашаётган энг қизиқарли жойда суҳбатни тухтатиб ва китобхонларни китобнинг келгуси сонларини интизорлик билан кутишга ундашдир.

Биз ўзимизнинг қўлаб дўстларимиз ва яқин кишиларимизга «Сизнингча давлат бошқарувини электронлаштириш нима?» деган савол бериб кичик психологик эксперимент утказишдан бошланга қарор қилдик. Саволга берилган ҳар хил жавоблар у ёки бу даражада бизнинг бўлажак китобимиз мавзусига яқин бўлиб биз муносабатда бўлган жамият соҳаларига анча аниқ ижтимоий-психологик тавсиф берди.

«Давлат бошқарувини электронлаштириш? – деди суҳбатдошларимиздан бири – Бунга тушуниш осон-ку. Бу тахминан телефонлаштиришга ухшаш нарса, фақат замонавий техник даражада амалга оширилади».

«Воёбуи! – деб хитоб қилди Интернет-кафенинг кунда-шунда-ларидан, компьютер стратегиялари, «квестлар» ва «шутерлар»нинг фанатларидан бири бўлган ёш йиғит. – Демак «Терминатор» ва «Матрица» – алақачон фантастика эмас экан-да?».

Катта авлод вакиллари, биринчи космик парвозларнинг замондошлари ва ҳайратомуз Айзек Азимов ва Артур Кларк, ал-Фаробий ва Аббас Кабо, Рей Бредбери ва Карел Чапек муҳлислари ушбу вазиятда машҳур «робототехника қўнулари»ни эслашди ҳамда «Биз инсоният жамиятини бошқаришдек нозик соҳа ваколатларини инсонлардан

машиналарга бериб қўймаймизми?» деган ташвишланишни билдиришди.

«Сизлар содда экансизлар, – деди ҳар нарсага шубҳа билан қаровчилардан бири, наҳотки амалдорларга компьютерларни бириктириб қўйиш давлат аппарати иши самарадорлигини ошириш муаммосини абадий ҳал этса. Қолган бутун дунёга узининг «Мени»ни исбот қилиш учун «электрон бюрократ» вирусини ёзадиган ва у билан Сизнинг гўзал уйланган тизимингизни фалаж қиладиган хакер эртами ёки кеч албатта топилади».

Қанча одам бўлса, шунча фикр. Бизнинг биринчи саволимизга берилган жавоблардан каттагина китоб юзага келиши мумкин эди ва биз бундай китобнинг уз ўқувчиси бўлишига аминмиз.

Бироқ биз ханузгача воқеа арафасида турибмиз. Келинг, кириш сузларини тугаллаб, муаллифларнинг, кўпчилигимизга ҳали номаълум бўлган ахборот жамиятнинг бир қисми билан, танишиш таклифига дастлабки қадамимизни қўяйлик.

## I-бўлим. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Китобнинг мазкур бўлимида ҳал этиладиган вазифалардан бири - ҳам мутахассисларнинг кенг тоифасига, ҳам кенг жамоатчиликка айрим умумий тасаввурларни тақдим этиш ва ўқувчиларни муайян тушунчалар билан таништиришдир.

Табиийки, агар биз фақат «давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари» ёки АКТ-мутахассислар доирасида *e-Governance*<sup>1</sup> деб аташ одат бўлиб қолган тушунчани аниқлаш билан чекланганимизда эди, ушбу бўлимда бирор нарса ҳақида амалда сўз юритиш мумкин бўлмас эди.

Энг аввало, ахборотлаштириш ва ялпи глобаллашув даврида *e-Governance* тизими давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ва давлат билан фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ажойиб воситаси эканлигини тушуниш муҳим ҳисобланади.

Инсоният ҳамжамияти томонидан тупланган, хусусий бизнесдан менежментнинг самарали тизимларини трансформация қилиш тажрибаси, давлат бошқаруви соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қулланилишнинг дастлабки қадамига олиб келганлиги бизнинг тадқиқотимиз учун жиддий амалий аҳамиятга эгадир.

Бунда биз ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)<sup>2</sup>ни давлат бошқарувида жорий этиш фуқаро учун, хусусий бизнес учун ва давлат хизматчилари учун нимани аниқлашни ишончли курсатиб беришни ҳам муҳим деб ҳисоблаймиз. Башарти китобнинг дастлабки бўлимларини ўқиганидан кейин китобхонларда АКТни давлат бошқарувида жорий этиш нима учун зарур ва у нимаси билан фойдали эканлиги ҳақида барқарор тасаввур пайдо бўлса, биз ушбу масалаларда уз мақсадимизга эришдик, деб ҳисоблаймиз.

<sup>1</sup> *e-Governance* – electronic governance, «электрон бошқарув» термини учун инглиз тилида умумий қабул қилинган қисқарттиришлардан бири.

<sup>2</sup> АКТ – «ахборот-коммуникация технологиялари» термини учун умумий қабул қилинган аббревиатура. Қаранг, масалан: *Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati*. 2004. UNDP DDI Programme.

## 1-боб. Масаланинг тарихи

Идеал бошқарув масаласи инсониятни қадим-қадимдан тўлқин-лангириб келади. Платоннинг «Республика»си, ал-Фаробийнинг «Фозил шаҳарлар аҳолисининг маслағи», Томас Морнинг «Утопия»си – ушбу масалага бағишланган, асрлар қаъридан келаётган инсон тафаккури жавахирларининг айримларигина холос.

Бошқарув тўғрисидаги, ну жумладан инсоният жамиятини бошқариш ҳақидаги, фан дастлаб сиёсий ва ҳуқуқий назариялар сифатида ривожланиб, утган XX асрнинг уртасида купилмаганда математикларнинг мулкига айланди. Бунга кун жиҳатдан бошқарув – бу, энг аввало, ахборот жараёни эканлигини тушуниш сабаб булди.

Боз устига, бошқарув, алоқа ва ахборотни қайта ишлаш тўғрисидаги бизга замондош фан, яъни *кибернетика* биришчи ҳисоблаш машиналари пайдо бўлиши муносабати билан келиб чиққанлиги ҳам эътиборлидир. ЭХМнинг дастлабки босқичда кибернетикада тадқиқотларнинг асосий предметларидан бири бўлгани холда жуда тезликда инсоният жамиятининг турли соҳаларида *бошқарув* вазифаларини ҳал этиш учун асосий инструментал базага айланганлиги характерлидир.

Одатда буладиганидек, янги гоаялар ва техник воситалар улардан кенг фойдаланиш йулини очиб берадиган дастлабки амалга оширувчиларга эҳтиёж сезади. Хусусий бизнес вакиллари «электрон бошқарув» гоаялари учун мана шуцай урица булдилар. Улар XX асрнинг технологик инқилоблари ва улар билан бирга кечган рақобат кучайиши даврида самарали менежментни таъминлашга қодир булган воситаларга кучли эҳтиёж сезди. Замонавий ахборот технологиялари мана шуцай воситаларга айланди.

### 1-§. Ахборот гизимлари ва хусусий бизнес – бизнесни самарали юритиш учун АКТдан фойдаланиш тажрибаси

Фаолият курсатини самарадорлиги бизнес учун ута муҳим омил ҳисобланади. Қаттиқ рақобат муҳити мавжуд булган бир шароитда энг самарали компаниялар янаб қолиши ва фойда келтириши мумкин. Бошқалар сингари натижаларга эриша олмайдиганлари банкрот бўлишга маҳкум этилгандир.

Шу сабабли ҳамма даврларда бизнес самарали бўлиши, фойда келтириши ҳамда миқозлар ва маҳсулот етказиб берувчилар билан алоқани таъминлаши керак. Барча даврларда муваффақиятли фаолият юритган корпорациялар коммуникация ва бошқарувнинг ҳар хил техноло-

тияларини ривожлантиришга фақат уз бизнесини янада самаралироқ қилиш учун анча салмоқли инвестициялар қўйиб келишган.

Масалан, уз вақтида телеграфини каниф этилиши ҳам бизнес, ҳам ҳукумат учун қўлаб вазибаларни бажариш самарадорлигини тўбдан оширди. Пул жунагмалари, масофадан туриб биттипувлар тузиш, ахборот олиш ва гарқатиш каби жараёнлар жиддий равишда соддаланди ва тезланди.

*Доимо муваффақиятли  
фаолият курсатган корпорациялар  
коммуникациялар ва бошқарувнинг  
ҳар хил технологияларини  
ривожлантиришга ўз бизнесини  
янада самаралироқ қилиш учунгина  
салмоқли инвестициялар қўйишган*

Электрон бизнес (*e-Commerce*<sup>1</sup>) шу маънода - корпорацияларга менежментини принципал жиҳатдан янги сифатини таъминлаган технологик ечимлардан биридир. Ушнинг ёрдамида етказиб беришлар халқаси ва мижозлар билан муомала халқаси жиддий равишда яқинланади. Тўловларини электрон тизимига утиш банк чиқимларини камайтиради. Шу сабабли бизнесни юритишнинг электрон шакллари жуда самарали технологик ишланмалар ҳисобланади. Ушбу соҳага бугунги кунда анча салмоқли инвестициялар йўналтиришмоқда. Бу маблағлар «янги расм бўлган» абстракт-назарий иланишларни қўлаб-қувватлайдиган «мененатлик» дан келиб чиқиб эмас, балки корпорацияларнинг фойдасини оширишдек соф прагматик мулохазалардан келиб чиқиб йўналтиришмоқда.

Муваффақиятли фаолият юритаётган қўлаб компаниялар ушбу янги технологик имкониятларнинг муҳимлигини англаб етдилар. Булар орасида куч ишлик тарихга эга бўлган агънаввий компаниялар ҳам, муваффақиятли ахборот технологияларининг янги имкониятларига тугридан-тугри боғлиқ бўлган компаниялар ҳам бор.

Жумладан, бугунги кунда ривожланган мамлакатларда Интернет орқали йироқдаги мижозларнинг ҳисоб рақамларига кириб боришни таъминламайдиган замонавий банкларни тасаввур қилиш қийин. Бунинг ёрдамида мижозлар уйдан ёки офисдан чиқмасдан пул жунагмаларини жунатиш, ҳисоб рақамининг ҳолати тугрисида ахборот олиш имкониятига эгадирлар. Бу уларни банк филиалига боришдан,

<sup>1</sup> *e-Commerce* - electronic commerce, «электрон шижора» термини учун шундан шунда умумий қабул қилинган қисқарттиришлардан бири

навбатида кутуб туршилардан халос қилади ва вақт, асаб ва пулни тежайдди. Банк эса, уз навбатида, уз вазифаларини анча кам сонли ходимлар билан ҳақ эгани мумкинлигидан фойдаланади. Чунки Интернет востасида пул жупатида гуловни миждозларнинг узлари расмилаштиришлар, бу банкни гулов тоширикларини банк ходимлари қўлда бажаришлари заруриятидан халос қилади.

Бундан ҳамма ютади. Банк уз ишни тезкорлигини оширади, боз устига анча маблағларни тежайдди. Миждозлар эса юқорирак сифатли

*Электрон бизнес (e-Commerce) хизматлардан фойдаланганикларидан, боз устига анъанавий банк схемаларига қараганда анча тез хизматлардан фойдаланганикларидан ҳурсанд.*

Рақобат шароити амалда банкларга танилаш имкониятини бермайдди: улар самарали ишлаш учун ахборот технологияларини жорини этишлари керак экин булмасам бозордан сиқиб чиқарилишлари керак ва фойда куриб ишлаш олмайдилар, чунки уз миждозларининг анча қисмидан априладилар.

Қушича «яши иқтисодиёт» деб аталадиган бизнес субъектлари пачо булангани эътиборлидир. Уларининг фаолияти гулик ахборот технологиялари имкониятларига асосланади.

Amazon (интернет орқали китоб ва турли товарлар сонини) eBay (аукционлар учун Интернет платформа) каби компаниялар узларининг мисал курилмаган муваффақиятлари учун энг аввало Интернет технологиялардан мишнагдор булишга мажбурдилар. Улар миждозларга жуда қўлай булиши учун бизнесини анъанавий юритиш учун ҳаёли синайдиган согув ҳажмига, паст юклама харажатларга ва амалда чекланмаган жүгрофий камраб олишга чиқдилар. Масалан, Amazon омбори бир жойда булагини гуфайли китоб дуқонларининг қўлидан келмадиган ишни қилиши, узиде китобларининг жуда қўп номдаги нуҳсаларини энг кам харажатлар билан сақлаш имкониятига эга. Электрон банк утказмаси ва унга етказиб бериш орқали харидор узини мутлақо қийнамасдан жуда қисқа муддатларда амалда хар қандай китобни олиши мумкин. Бу замонавий ахборот технологияларидан оқилона фойдаланилган тақдирда бизнесини бошқариш самарадорлиги қўп мартааб ошишининг ёрқин ва ишончли мисолидир.

Айнан бизнес рақобат шароитида яшаб қолиш учун доимий равишда тақомиллаштириш иштилинги учун ушбу яши технологияларни

ривожлантириши ва фаол жорий этишининг асосий моторига айланди. Бир вақтинчи ўзида бизнес уз буюртмалари орқали АКТ ривожланишининг молиялантиришининг асосий манбаи бўлди. Ниҳоят, бизнеснинг ҳар хил субъектлари АКТ учун табиий синов майдонига айланди. Модомики компаниялар кун экан ва уларини барчаси муаммоли ҳал этишга турлича ёндашар эканлар уларининг натижалари ҳам ҳар хил бўлади. Бинобарин, мана шу натижаларга асосланиб у ёки бу ечимлар ва методларнинг фойдаланиши ҳақида ҳукм чиқариши мумкин.

Биз компьютерлар, Интернет ва замонавий ахборот технологияларининг бошқа ютуқлари бизнесни муваффақиятли юритиши учун барно

эгаллан кен имкониятларининг аниқ жиҳатлари ҳақидагина сўз юридик ҳолос. Ушбу китоб бағиниланган мавзу нуқтан назардан, агар ҳусуси компаниялар ушбу технологияларни қўллаган ҳолда менежментининг самарадорлигини жиддий равишда оширишига муваффақ бўлган экан, ҳукумат уз мақсадларига самаралироқ эришиши учун замонавий АКТ-ечимларидан фойдаланган ҳолда давлат бошқарувида қўлланиши мумкин бўлган соҳалар кун эканлигини тушуниши муҳимдир.

*Бизнес рақобат шароитида яшаб қолиши учун доимий равишда такомиллашишига интилиши учун ахборот-коммуникация технологияларни ривожлантириши ва фаол жорий этишининг асосий моторига айланди*

## 2-8. Самара ни менежмент тажрибасини давлат бошқаруви соҳасида қўллани

Бошқарув жараёнларининг устун даражада ахборот тусида эканлиги корпорацияларда ва давлат органиларида менежмент учун умумини ҳисобланади. Шунга мувофиқ равишда корпорациялар томонидан электрон бизнесни ташкил этишини тажрибаси уз фаолиятини мақбуллаштиришига ва харажатларини камайтиришига интиляётган давлат бошқаруви органилари учун яхши мисол бўла олади. Боз устунга, сўз шаҳар, вилоят ёки мамлакат даражасида ишлаб чиқилаётган ахборот-бошқарув норталлари ҳақидаги ёки шжорага таъминот тизимини автоматлаштириши ҳақида бораётганинидан кагнини назар ҳар иккала ҳолатда одатдагидек иш қилиши тарзини

улартириш учун амалда деярли бир хил стандарт компонентлардан ва ганёр дастурий махсулотлардан фойдаланилади.

Жумладан, Буюк Британия Бош вазирини Тошн Бленпер модернизация қилинган, самарали ҳукумат электрон бизнес соҳасининг эн сунни юзуклари ва шиланмаларига таянинни керак деб ҳисоблашнн божив эмас<sup>1</sup>. Стратегик принциплар ушбу ниятларни ҳукумат бошқаруви жараёларини таркибий қайта қуриш ва уларга янги технологияларни жорий этиш орқали амалга оширишга учун ириланиш зарур.

Бизнес иши қондаларининг давлат иши қондаларидан жиддий фарқи уларини мақсадли йуналишида ифодаланади – бизнесини самарали субъектларни буюртмачиларининг эҳтиёжларига иуналтирилаган бўлади, аини вақтда давлат муассасаларида ички идоравини иуналиш күпинича устунилик қилади.

Тегинли равинида белгилаган жараёнлар ҳам жиддий фарқ қилади. Жумладан, бизнес билан узаро муносабатла буюртмачи

*АКТ тизимларини давлат бошқарувида самарали жорий этиш учун давлат бошқарувининг ички идоравий иуналтирилганлигидан фуқароларини эҳтиёжларига иуналтирилганликка утиши зарурдир*

күпинича алоқанинг ягона нуқтасига эга бўлади, ушга хизмат курсатини билан боғлиқ барча ички муаммолар ички тартиб-қондаларга мувофиқ бизнесини ичида ҳал этилади. Фуқароларини (ёки бизнесини) давлат билан узаро муносабатларининг “классик” схемасида одатда барчаси аксинча юз беради – кушлаб алоқа нуқталари мавжуд бўлади, давлат томонидан белгилаган тегинли тартиб-қондаларни бажарини эса күпинича “буюртмачи”нинг мажбурияги ҳисобланади. Умуман олганда оддий транзакцияларни – мулкчилик ҳуқуқини расмийлаштириш, у ёки буш руйхатдан утказини ва ҳоказоларни бажарини учун қанча маълумотнома ва ҳужжатлар тузилаш ва уларни бир ганкилотдан бошқасига олиб бордини зарурлигини барча билади. Бунда күпинича транзакционлик принципни бузилади, натижада ҳар хил идоралардаги маълумотларини яхлиглини ва бир-бирига зид эмаслигига ҳеч қачон ишонч хосил қилиш мүмкини эмас.

<sup>1</sup> Қараш, масалан, [www.e-govcompetence.ru](http://www.e-govcompetence.ru) саҳида “Буюк Британия он-лайнда” лонгхаси бунинча шиллик маълумотлар

Бундан қўшидаги тезис келиб чиқади – АКТ тизимларини давлат бошқарувида самарали жорий этиш учун давлат бошқарувиининг ички идоравий йуналтирилганидан фуқароларининг эҳтиёжларига йуналтирилганига уқини зарур.

Мавжуд самарасиз тартиб-қоидаларини автоматлаштиришга уқинини ниҳоятда хавфлидир. Электрон корпорация билан давлат бошқарувида АКТни жорий этиш уқтасидан уқинашликка монанд қилиб айтадиган бўлсак корпоратив ақборот тизимлари бўқинча барча мутахассисларга маълум бўлган бир фактин

қилинса бўлади: ақборот технологияларини жорий этилишида умуман

*АКТ тизимларини жорий этишида давлат бошқаруви жараёнларини оптималлаштириш зарур*

корпорацияини фаолияти самарадорлиқини оширишга фақат бир қастинини уқида автоматлаштирилаётган корхонаини бизнес-жараёнлари реқизиришинини амалга ошириш билангина эқинилади. Ақборотлаштириш бизнес-жараёнларини ташқил этиш ва бошқарини масли бўқинча корхонаини сифат жиҳатидан яқин ҳолатига олиб келади.

Бу давлатини автоматлаштириш (ва самарадорлиқини ошириш) учун ҳам зарурдир. Бунини ҳозирининг уқидаёқ қўлаб давлатларда англаб етишмоқда. АКТ тизимларини жорий этишда давлат бошқарув жараёнларини оптималлаштирилшини зарур бўлади.

Бу нима учун зарур эканлиқини энг олдин мисол курсатади. Янаш жонин узарган тақдирда белгиланган тартибда руқхатдан уқини учун хар иккала (олдинини ва яқини) янаш жоқидаги паспорт столига икки марта бориш зарур бўлади. Яқини ноқулан иш вақтида хар хил идораларга турт марта бориш, навбатда турини керак бўлади. Ҳагго Интернет орқали уқинибу идораларга кириш имкоқияти таъминланса ҳам барибир уқинибу турт операцияини бажаришга турт келади.

Теқинини ақборот технологиялари жорий этилгандан кейин фуқаро уз манзилни узарганини руқхатдан уқказини учун фақат «бир дарча»га муқрожаат қилиш етарлики

*Ҳуқумат даражасида ақборот технологиялари жорий этилишини технологияни, психологияни ва давлат билан бошқарув субъектлари уқтасидаги узаро муносабатларни қуп даражада узгартиради*

гина эришиши унбу масалада оғинмаллангитиришишиг натижаси бўлиши керак.

Яъни бутун ахборот анирбоиланишии фуқаронинг инттирокисиз автоматлангитирилган тарзда бажарилишии, янада яхшииси, бутун ахборотининг умумий маълумотлар базасида бирлангитирилишии имкопийати таъминланишии керак. Сунгити ҳолат фуқаролар ҳисобини олиб бо-рини самарадорлигини анча оширувчи анча асосли қарордек туюлади, чунки зарур бўлмаган ва бир-бирини гакрорловчи идораларини тутатини ҳисобига қушлаб маблаларини тежаб қолини имкопийини беради. Шу билан бирга, иқтисодий жараёндан чалитилмайдиган фуқароларининг вақтини тежаш ҳисобига ҳам билвосита фоида қурилади. Боз устига, гарчи жуда муҳим бўлса-да бунига Интернет орқали кирини асосий жиҳат эмаслигига алоҳида эътиборни қаратини зарур. Бунига энг муҳими – мақсадга самарали ва тежамли эришиши учун бошқарув жараёнарини соддалангитириши, трансформация қилиндир.

Ахборот технологияларини қуллаш қуламлари улар туфайли эришилениши мумкин бўлган натижаларга тулик мувофиқ келади.

Бизнесда АКТ-тизимларининг қулланилишии, яъни бизнес субъектининг етказиб берувчилар, компаниялар, истеъмолчилар, миждозлар, шилаб чиқарувчилар билан узаро алоқаси жараёинининг автоматлангитирилишии узаро муносабатларини жиддий равишда узгартиришига, бунига муносабатларининг глобалланувишии ва олдин мумкин бўлмаган юқори даражада мосланувчанлигини таъминлашга олиб келади. Мана шунга ухшани ҳукумат даражасида ахборот технологияларни жорий этилишии технологияни ҳам, психологияни ҳам, давлат билан бошқарув субъектлари уртасидаги узаро муносабатларини ҳам кун даражада узгартиради. Боз устига ҳал этилаётган бошқарув вазифаларни ва ахборот жараёнарини ухшанилиги туфайли корпоратив лониҳаларда қуллашилдиған асосий принципилардан давлат бошқаруви органлари фаолиятини ахборотлангитириши учун самарали фоидаланиши мумкин.



## 2-боб. Давлат бошқарувида АКТнинг аҳамияти

Шундай қилиб, Сиз давлат бошқарувида АКТни жорий этиш нима эканлигини билиб олмакчисиз.

Бирок АКТ-мутахассиси булмаган Сизни давлат муассасаларидаги амалдорларнинг компьютерлар билан жиҳозланганлиги тугрисидаги толиқтирадиган тафсилотларда адашиб қолини ташвишлантирмоқда. Боз устига, маълумотлар узатишнинг у ёки бу идоралараро тармонининг тузилмаси ва функциялари тугрисидаги билимлар Сизга қачондир амалда яраб қолини эҳтимолдан йироқ эканлигига Сиз қагын ишонасиз.

Биз Сизни тунунамиз. Муаллифларга ҳам бу тафсилотлар унча ҳам қизиқарли эмас. Сизни тинглатирмоқчимиз: биз ҳозир сўз юритган масала бизнинг китобимизнинг соҳасига тегишли, бирок асосий ва белгиловчи белги эмас.

Сиз бу ўзи нима деб сурамоқчисиз. Бу саволга тегишли дугай тунунамалари билан жавоб беришдан олдин давлат бошқарувида АКТ нима эмас эканлигини тунуниб олишга интиламиз.

### 1-§. Кун учрайдиган аданишлар

*E-Governance* мавзуси кейинги вақтларда жуда оммаланиб кетди. Бирок сунги пайтларда эълои қилинаётган материалларда мазкур мавзуга ёндашишда тизимлилик ва коинтегуал қагынлилик нуқлини куришиб турибди. Давлат бошқарувида АКТ ҳақида гапирилганда, одатда, платформалар, порталлар, ҳужжатлар айланиши, у ёки бу фирмаларнинг технологиясидан фойдаланиш тугрисида сўз юригишади, у ёки бу даражада *e-Governance* деб аталини ҳуқуқига талаботорлик қилаётган, аслида эса бундан булмаган ахборот-коммуникация тизимларининг амалга оширилганлиги ва муаффақиятли жорий этилганлиги ҳақида мисоллар келтирилади.

Ахборот технологияларининг ижтимоий ҳаёга жорий этилишининг кучкисимон жараёнидан сохта кутаришқиллик ҳолатига тушини бизнинг давримизининг характерли белгиси ҳисобланади. Тегишли давлат дастурлари қабул қилишини билан мустаҳкамланган унбу жараён давлат бошқаруви органларининг ялши ахборотланирилинни даражасига чиққандан кейини кунлар АКТини давлат бошқарувида жорий этилини мана шундан бошланади деб ҳисобланга мойилдирлар.

Аслида шундайми?

Дастлаб *e-Governance* масаласида жамоатчилик фикрида мавжуд бўлган тирик афсоналар ва адашмишларни тушуниб олишга ҳаракат қиламиз.

*Биринчи адашмиш.* Давлат бошқарувида АКТ – бу қандайдир янги суперкомпьютер ва у давлат аппарати ва барча амалдорларининг тулик ёки қисман аламиниралиши ва одамлар учун давлат бошқаруви функцияларини вазифасини бажарди деган адашмиш.

Оптимистик пажимони ушунчалар нуқтаи назаридан идеал давлат ҳокимиятига «электрон амалдорлар» чарчатиш нималигини билмагани,

*АКТнинг жорий этилиши давлат бошқаруви тизими фаолиятининг жамият учун кунроқ очиқлигини таъминлади*

уларга унқу ҳам, тушунтирилган ҳам зарур эмас. Бишобарини, кеча-кундуз уз ишига садоқат билан хизмат қилишнинг намунасини курсагадилар.

Цивилизация ривожланишининг технокрафик моделлари дунёқарашлари бўлган ушунчалар инсониятни бошқа бир абсурд экстраполяция – машиналар ҳукмронлигининг уриятилиши, замоннинг АКТ востасида одамлар устидан янги электрон назорат қилиши билан курқатадилар

Ҳар иккала томон ҳам бир хилда адашади – «Терминатор» ва «Матрица» ҳеч бўлмаганда яқин келажакда фантастика бўлиб қолишига маҳкум этилган. Жамиятнинг янгилишига электрон бошқаруви тизимини жорий этиши (яқини шунда ёки таъри-инсонини мақсадда жорий этилишининг аҳамияти нуқ) техник жиҳатдан мумкин эмаслигиндан ташқари, ҳатто жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари учун ҳам иккинчидини жиҳатдан имкониш нуқдир. Аксинча, *e-Governance*нинг жорий этилиши жамият учун давлат бошқаруви тизималарини фаолиятининг кунроқ очиқлигини таъминлади.

*Давлат бошқаруви органларининг компьютерлаштирилиши ва уларнинг "онлайн" иштерфеис билан жиҳозланиши муҳим қадам ҳисобланади, бироқ АКТни жорий этиши билан боглиқ вазифаларини бутун комплексини бу билан тамом бўлмади*

кунроқ очиқлигини таъминлади.

*Иккинчи адашмиш.* Юқорида сўз юриганимиздек, жамиятда давлат бошқарувида АКТнинг жорий этилиши – бу давлат амалдорларининг барчасининг компьютер техникаси билан «онгама-онга» жиҳоз-

лашанини.

Бу — хато тасавурдир ва *e-Governance* билан электрон интерфенс (*governance on line, GOI*) билан жиҳозланган давлат бошқаруви уртасида тенлик аломати куниш ҳам хатодир. Гарчи *e-Governance* фуқаролар билан онлаин интерфенс орқали боғланган бўлса ҳам у фаолиятини сифат жиҳатидан бошқа принциплари ва фаолият шаклларига курилади.

*Учинчи айданиш.* Аиримлар давлат бошқарувида АКТ — бу давлат билан жамият уртасидан қандандир электрон «воситачи» деб ҳисобландилар, бошқача сулар билан аниқда, замонави АКТ ёрдамида танкил этиладиган алоқа канали деб ҳисобландилар.

Сузиш, *Интернет* ва *Интернет*, ресурсларига таяндинан замонави ахборот-коммуникация технологиялари ҳар хил ижтимои шестинулар ва фуқароларини узиниш давлат муассасалари билан алоқаси гарчиб-қондасини анча соддалаштиради, бу алоқани самаралироқ алоқата аниқаштиради.

Бирок бу «аъшавиш» телефон алоқасига қараганда фақат сифатлироқ ва тежамлироқ алоқа нули, *e-Governance* тизимасини зарур техник воситаларидан бири, бирок асло давлат бошқарувида АКТнинг жорин этилишини бугун комплекс эмас

Шундан қилиб, биз АКТ давлат бошқарувида шима эмас эканлини ҳақиқат анча аниқ тасавурга эла экашмиш, 1990-йил бошида пандо бу нан унибу ходи-сага тенгили тариф тоиниша уришиб курашмиш.

Биз учун жаҳонини куниаб ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосландиган АКТнинг давлат бошқарувида амалда жорин этилишиниш натижаси кенг қўламда давлат бошқарувиниш принциплал жиҳатдан янги сифатга утганилиги ҳисобланади. Бу янги сифатга утиши аслида *e-Governance* ҳисобланади.

*АКТ тизими давлат билан жамият уртасидаги алоқалар тартиботини анча соддалаштиради, бироқ бу — уларнинг яккаю ягона ва асосий афзаллиги эмас*

*АКТнинг давлат бошқарувида амалда жорий этилишининг асосий мақсади ва кутилаётган натижаси кенг қўламда давлат бошқарувининг принциплал жиҳатдан янги сифатга утганилиги ҳисобланади. Бу янги сифатга утиши аслида e-Governance ҳисобланади.*

тушунини ушбу қадам учун асос ҳисобланади. Бу янги сифатга ўтиш аслида e-Governance<sup>5</sup> ҳисобланади.

## 2-§. Ахборот технологиялари нуқтани назардан «классик» давлат бошқаруви

Бироқ бизни қизиқтирадиган тушунчани ифодалашдан олдин «классик» маънода тушунилган давлат бошқаруви ўзида шимани ифодалашнинг биз етарлича тасаввур қила оламизми деган савол ҳақида ўйлаб кўрайлик.

Бироқ, бундан олдин оммавий адабиётларда кенг ёйилган бир тушунчага тўхталиб ўтамиз. Бу «электрон ҳукумат»<sup>6</sup> тушунчасидир. Давлат бошқарувида жорий этиладиган ахборот-коммуникация технологияларини умумий комплексини аниқлаш учун ушбу атама кенг қўлланилиши биз олдинги параграфда сўз юритган афсоналар ва адабиётларини озиқлантирадиган негиз ҳисобланади.

Бироқ давлат бошқарувидаги АКТни «электрон ҳукумат» сифатида таърифлаш тўғрими? Ушбу саволга жавоб бериш учун «ҳукумат» тушунчасига қандай норматив-ҳуқуқий ва сиёсий таъриф берилганинига мурожаат қиламиз.

Жумладан, Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг тегишли Қонуни ва Ҳукуматини (Вазирлар Маҳкамасини) Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви органини тизимига бошчилик қиладиган ва улар воситасида иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳа самарали фаолият кўрсатишини, мамлакат қонуни, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижро этилишини таъминлайдиган ижро этувчи давлат ҳокимияти органи сифатида таърифлайди<sup>7</sup>.

Сиёсатшуносликда кенг қабул қилинган «ҳукумат» атамасини тегишли энциклопедик дугатлардан топиш мумкин. Масалан, Encyclopædia Britannica<sup>8</sup> ҳукуматини унинг воситасида давлат ва жамиятни бошқариш ва уларга раҳбарлик қилиш амалга ошириладиган сиёсий тизим сифатида таърифлайди. Худди шунга

<sup>5</sup> Қўшилган нашр материаллари бўйича: «The e-Government Handbook for Developing Countries. A Project of InfoDev and The Center for Democracy & Technology», 2002, [www.cdt.org/egov](http://www.cdt.org/egov).

<sup>6</sup> Қаранг, масалан: Голубуцкий А.П., Шевчук О.Б. Электронное правительство. – Киев: UMC-Атлант, 2002, [www.auditorium.ru/books/6178/](http://www.auditorium.ru/books/6178/)

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 2004,

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун (Янги таҳрири)», 2003 йил 19-сонли «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами».

<sup>8</sup> Encyclopædia Britannica 2004 Deluxe Edition CD, 2004, Encyclopædia Britannica Inc.

Ўхшаш Microsoft компаниясининг машқур мультимедия энциклопедияси – Encarta Encyclopedia<sup>9</sup> – ҳуқуқатни, оммавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва давлат ишларини юритиш учун ҳокимият берилган ва тегишли ҳудудий чегаралар доирасида одамлар ўртасидаги, одамларнинг умуман жамият билан ва жамиятнинг сиёсатнинг бошқа субъектлари билан муносабатларини қуриш ва тартибга солиш ваколатлари берилган шахслар ва муассасалардан иборат сиёсий ташкилот сифатида таърифлайди.

*Ҳуқуқат – бу ваколат берилган шахслар ва муассасалар орқали жамиятни бошқаришни ва давлат ишларини юритишни амалга оширадиган мамлакатдаги ижро этувчи давлат ҳокимиятининг олий органи*

Шундай қилиб, энг умумий тарзда ҳуқуқат – бу тегишли ваколатлар берилган шахслар ва муассасалар орқали жамиятни бошқарадиган ва давлат ишларини юритадиган мамлакатдаги ижро этувчи давлат ҳокимиятининг олий органи.

Яъни, ҳуқуқат – бу, энг аввало, сиёсий тизим. Давлат бошқарувидаги АҚТ эса - ахборот-техник тизим ва у ҳеч бир сифатда давлат бошқаруви органиларининг жами бўла олмаслиги гундунарлидир.

---

<sup>9</sup> Microsoft Encarta Encyclopedia Standard 2005, 1993-2004, Microsoft Corporation

Бошқача сўзлар билан айтганда, АКТ-мутахассислар томонидан қўлланилаётган «электрон ҳукумат» атамаси АКТдан фондаланган ҳолда давлат ҳокимияти органлари ва жамиятнинг узаро ахборот орқали муомаласини билдирадиган метафорадан бошқа нарса эмас<sup>10</sup>.

Бу ахборот орқали узаро муомала қилиш ҳукумат фаолиятининг – у ёки бу давлат қарорлари шаклида – қонуилар, қарорлар, фармоғинчилар, йўриқномалар ва ҳоказолар шаклида оммавий сиёсатни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ижро этилишини таъкил этиш ва назорат қилишининг узлуксиз жараёни бўлган давлат бошқарувиининг асосий мазмунини таъкил этади.

Ушбу жараёнда амалда унинг барча қадамлари – турли-туман бошқарув ахборотини йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари орқали қайта ишланади ва моделлантирилади. Давлат бошқарувиининг машиналарга берилмайдиган ва принцип жиҳатидан машиналарга берилиши мумкин бўлмаган ягона босқичи – бу бунга ваколат берилган ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан бошқарув қарори бевосита қабул қилинишидир.

#### **Давлат бошқаруви ахборотлаштириш предмети сифатида**

Ҳукумат фаолиятини, яъни у томонидан давлат бошқаруви функцияларини амалга оширилиши ахборотлаштириш нуқтаи назардан куздан кечтирилар экан ҳатто «классик қўриқинида», яъни ахборот-ҳисоблаш воситалари ва коммуникация гармоқларисиз ҳам уни қайта алоқага эга бўлган ахборот тизими сифатида тавсифлаш мумкин.

Боз устига ушбу тизимнинг амал қилиши даврнинг улумиши операторининг яхши маълум бўлган алгоритми шаклида муқобил равишда тасаввур қилинади:

#### **Бирламчи параметрларни аниқлаш:**

- бирламчи ахборотни туғлаш ва умумлаштириш.

**1-қадам – оммавий сиёсатни ишлаб чиқиш ёки унга тизимчилар қиритиш:**

- умумлаштирилган ахборотни таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг мақбул йўлларини белгилаш;

(давоми келинги бетда)

<sup>10</sup> Қаранг, масалан, *Глоссарий по информационному обществу*, Совместный проект Британского Совета в России и Института развития информационного общества, www.iis.ru

### § 3. АКТ ва давлат бошқарувининг самарадорлиги

Шундай қилиб, «классик» ҳукумат фаолиятини умумлаштирилган функционал таҳлил қилиш бизни ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш жараёнида давлат бошқарувининг қайси элементлари ялпи ахборотлаштиришнинг объектига айланиши мумкинлиги ва шундай бўлиши кераклигини тушунишга олиб келди.

Ахборотлаштиришнинг афзалликлари аён қуришиб турибти – у давлат аппарати ходимларининг ижодий салоҳиятини бошқарувнинг асосий функцияси – тегишли бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қараган имкониятини бериб бошқарув аппаратиини туплаш, жамлаш ва унга дастлабки ишлов бериш бўйича қўлаб эскирган функциялар бажарилишидан бевосита озода қилишга олиб келади.

Бу давлат бошқарувининг принципиал жиҳатдан янги сифатга ўтишининг узидир. Ушбу соҳада АКТ жорий этилишининг бош мақсади сифатида бу ҳақда ушбу бобнинг биринчи параграфидан суз юритган эдик

Бироқ биргина шу билан «Давлат бошқарувида АКТ» тушунчасининг таърифи тамом бўлиб қолмайди.

(давом)

- тегишли давлат қарорини қабул қилиш.

2-қадам – ишлаб чиқилган оммавий сиёсатни амалга ошириш:

- ижрочиларни аниқлаш (тайинлаш) ва қабул қилинган давлат қарорларини уларнинг эътиборига етказиш;

- ижрочиларнинг, шу жумладан идоралараро ижрочиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

3-қадам – ижрочилар томонидан қўнидаги сиёсатнинг амалга оширилишини назорат қилиш:

- қабул қилинган давлат қарорларининг тегишли ижрочилар томонидан бажарилиши туғрисида ахборот тўплаш ва уларни умумлаштириш.

Сунгра, 3-қадамнинг натижаларига боғлиқ равишда тегишли давлат қарорлари:

- бажарилган (давр тугалланган);
- тузатишлар киритиш ёки бекор қилиш талаб этилиши (даврнинг 1-қадамга қаитиш) эътироф этилиши мумкин.

Муаллифлар АКТни ахборот технологиялари ёрдамида бошқарув жараёнларининг оддий «электронлаштириши» сифатида қараш керак эмаслигини яна бир бор таъкидлашни зарур деб ҳисоблайдилар. Узимизнинг тажрибамиз ҳам, хорижий тажриба ҳам яқин тарихдан маълум бўлган уз умрини тугатган маъмурий-буйруқбозлик функцияларини давлат (ДАБТ), минтақавий (МАБТ), тармоқ (ТАБТ) ва шунга ухшаш «автоматлаштирилган бошқарув тизимлари» деб аталган тотал ҳисобга олиш тизимларини барпо этишга уриниш орқали яхши маълум бўлган автоматлаштиришга уринишларнинг амалда ҳеч бир самарасиз эканлигини яққол исбот қилади.

Ахборот технологияларининг замонавий имкониятлари бошқарувнинг «анъанавий инсон бажарадиган» схемаларида тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган операциялар бажарилишига йўл қўйиб қарор қабул қилиш тартиб-қоидасини тубдан узгартириш имконини беради. Масалан, аниқ бир бошқарув қарорларини қабул қилишнинг туғридан-туғри ва анча кейинги оқибатларини аниқлаш учун математик моделлаштириш методларининг қулланилиши.

Давлат муассасаларининг оддий «электронлаштирилиши» давлат бошқарувида АКТнинг комплекс тизимларини жорий этиш билан бирга кечадиган бошқарув фаолиятининг самарадорлигини улкан даражада ошишини таъминламаслиги аён.

Бошқача сўзлар билан айтганда, самарадорликни оширишга замонавий ахборот технологияларининг имкониятларига ва улар томонидан бошқарув фаолиятининг функционал ташкил этилишига қўйиладиган шарт-шароитларга мувофиқ бошқарувнинг мавжуд схемалари ва жараёнларини тубдан қайта ташкил этиш орқали эришилади.

Шу нуқтаи назардан авж олдирилаётган маъмурий ислохотлар<sup>11</sup> Ўзбекистонда давлат бошқарувида АКТ тизимини амалда жорий этиш учун яхши шарт-шароитлар ярагади. Бу ҳақда ушбу китобнинг учинчи бўлимида батафсил сўз юритилади.

Айрим нимтизимларнинг жорий этилиши эса амалдаги қонунчиликка тегишли тузатишлар киритилишини тақозо этади. Масалан, Интернет орқали паспортнинг муддатини узайтириш тартиб-қоидасини жорий этиш учун муқобил техник ечимгина эмас, балки ушбу тартиб-қоидаларни паспорт эгасининг шахсан ҳозир бўлмаслиги

<sup>11</sup> Қаранг: Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантири буйича Иккинчи миллий саммитда тақдим этилган «Рақамли ривожланиш ташаббуси дастури» ва Иқтисодий тадқиқотлар марказининг «Электрон ҳукуматни жорий этиш ва Ўзбекистонда маъмурий ислохотлар – узаро алоқа ва узаро таъсир» деб номланган қўшма маърузаси: 2004 йил: сентябрь, DDI, CER

имкониятини назарда тутадиган паспорт тизими тугрисидаги қонунчиликка узгартиришлар киритилиши ҳам талаб этилади.

Шундай қилиб, «Давлат бошқарувида АКТ» – бу нафақат давлат бошқарувининг тегишли сифат даражасида ахборот-техник ташкил этилишидир. Бу шунингдек исталган мамлакатнинг жамиятида мавжуд бўлган муносабатлар ва алоқани сифат жиҳатидан бошқача ташкил этиш ва бошқариш ҳамдир.

Соддалаштирилган шаклда ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий ҳаётини уч муҳим субъектнинг (булар – *давлат, мамлакат фуқаролари ва бизнес субъектлари* – ҳар хил тижорат ташкилотлари) муносабатлари динамик тенглиги шаклида тасаввур қилиш мумкин. Фуқаролар жам бўлиб фуқаролик жамиятини ифодалайди, бизнес субъектларининг жами эса – мамлакат иқтисодиётини ифодалайди, давлат эса интеграцияловчи тизим ҳисобланади.

Давлатнинг интеграцияловчи роли бунда учта нимтизимли муносабатларда намоён бўлади:

- Ҳукумат муассасаларининг узаро ва маҳаллий давлат бошқарув органлари билан узаро ҳамкорлик қилиши (*government to government*, ёки жаҳонда умумий қабул қилинган аббревиатура – G2G);

- Ҳукумат муассасалари билан мамлакат фуқаролари ўртасидаги узаро алоқа (*government to citizens* – G2C);

- Ҳукумат муассасалари билан бизнес субъектлари ўртасидаги узаро алоқа (*government to business* – G2B).

Мулкчилик, мансублик муносабатлари ва ҳоказолар эмас, балки фуқаролик-ҳуқуқий, ижтимоий муносабатлар тегишли узаро ҳамкорликнинг устувор мазмунини ташкил этади.

Схематик жиҳатдан ушбу узаро ҳамкорлик 1-расмда ифодаланган (қаранг: қуйида).

Яъни, АКТни жорий этиш жараёнида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш вазифаси қуйидаги муаммоларни ҳал этишга йўналтирилади:

- *умумий вазифаларни ҳал этиш мақсадида ҳар хил ҳукумат тузилмаларининг самаралироқ узаро ҳамкорлигини қан қандай тарзда ташкил этиш мумкин (G2G);*



1-расм. Давлат бошқарувида АКТнинг нимнатиэмлари

- фуқароларнинг манфаатларини қандай қилиб энг юқари даражада ҳисобга олиши ва тегишли давлат муассасаларида уларга хизмат курсатиши сифатини қандай қилиб ошириши мумкин (G2C);
- давлатнинг бизнес субъектлари билан узаро фойдали муносабатларини қандай қилиб ташкил этиши мумкин (G2B).

Юқорида тақдим қилинган ҳукумат унда интеграциялашган функцияни бажарадиган ижтимоий ҳаётнинг турли субъектлари

*Давлат интеграцияловчи функцияни бажарадиган жамиятнинг ҳар хил субъектлари (G2G, G2C, G2B) ўртасидаги узаро муносабатлар схемаси ийрик бизнесда, айниқса замонавий горизонтал-интеграциялашган корпорацияда узаро ҳамкорлик ташкил этилиши схемасида принципиал жиҳатдан ҳеч бир фарқ қилмайди.*

уларнинг бўлинмалари ходимларининг, давлат эса – компания раҳбарияти-

нинг ўрнини босади. «Корпорация субъектлари» билан «жамият субъектлари» уртасидаги узаро муносабатларда принципиал тафовут йук.

Бироқ, гарчи *e-Corporation*<sup>12</sup> ва *e-Governance* – жуда яқин тушунчалар бўлса ҳам ва катта корпорацияларда автоматлаштириш жараёни билан давлатда автоматлаштириш жараёнлари уртасида принципиал фарқ мавжуд бўлмаса ҳам, уларнинг мақсад ва методлари албатта фарқ қилади. Энг аввало, давлат бошқаруви ва корпоратив бошқарувнинг аъёналари ва маданияти жиҳатидан фарқ қилади.

Бироқ шунга қарамай, айтиб утилганлардан жуда муҳим бир принцип келиб чиқади: ҳар қандай мамлакатда амалга ошириладиган *e-Governance* исталган лойиҳасининг моҳияти – бу ҳамма вақт миллий қуламда корпоратив ахборот тизимини жорий этишдир.

Ушбу механизм умуман олганда самарали ишлаши учун (корпорацияда ёки мамлакатда эканлиги муҳим эмас) бошқарувнинг оддий, тушунарли ва зиддиятли бўлмаган қоидалари зарурдир. Улар одатда корпорацияларда у ёки бу даражада мавжуд булади, чунки бизнес учун фаолият курсатиш самарадорлиги ниҳоятда муҳим омил ҳисобланади. Бироқ давлат иши соҳасида бундай қоидалар кам бўлмаган аҳамиятга эгадир. Бу омилларга ағинқса G2C ва G2B нимтизимларида жамият учун фойдалилик ва адолат мезонлари қушилади. Давлат даражасида ушбу шартлар ҳар хил мамлакатларда турлича амалга оширилади, аънавий демократик мамлакатларда куп даражада ва ривожланаётган мамлакатларда ҳамда Ўзбекистон ҳам тегишли бўлган ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда камроқ даражада амалга оширилади. Ўзбекистонда қуламли маъмурий ислохотларни амалга оширишга доир амалий қадамлар мана шунинг учун ҳам жуда муҳимдир.

Ушбу вазифалар жаҳоннинг турли мамлакатларида қандай ҳал этилаётганигини ва улар Ўзбекистонда қан қарзда ҳал этилишини кейинги икки бўлимда қуриб чиқишимизга тугри келади.

Ҳозир эса давлат бошқарувида қандай вазифалар ҳал этилаётганигини ва муносабатларнинг қандай нимтизимлари шаклланаётганигини ўзимиз учун умумлаштирилган қарзда аниқлаб олиб бизни қизиқтираётган тушунчага муқобил таъриф беришга тула гайёрмиз. Ағинан айтганда: *«Давлат бошқарувида АКТ – бу давлат бошқарув органларида ички ва ташқи алоқаларнинг бутун жамини тегишли ахборот-коммуникация технологиялари билан қуллаб-қувватлаш ва таъминлаш тизимидир. У жумладан қушидагиларни ҳам уз ичига олади:*

<sup>12</sup> *e-Corporation* – electronic corporation, электрон корпорация

- коммуникация тармоқлари орқали ахборотни қайта ишлаш, узатиш ва ёйишнинг электрон воситалари (шу жумладан Интернет) асосида давлат бошқарувида ахборот-коммуникация таъминоти;

- давлат ҳокимияти барча тармоқлари органларининг фуқароларнинг барча тоифаларига электрон воситалар орқали хизмат курсатиши;

- давлат органларининг иши тўғрисида фуқароларга электрон воситалар орқали хабар бериш».

Ёки, дунда қилиб ифодалаганда: «тегишли ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат бошқаруви органлари, жамият ва фуқароларнинг узаро ахборот орқали муомала қилиш тизими»<sup>13</sup>.

Биз учун асосий булган ушбу тушунчани аниқлаб олиб, қисқача тарихий саёҳат қиламиз. Дастлаб электрон бошқарувни жорий этиш қандай вазиятларда пайдо булганиги, сунгра эса уни жорий этишнинг аниқ схемалари келиб чиққаниги, фан ва технологияларнинг бир неча энг замонавий соҳалари кесиншадиган нуқталарда пайдо булган ушбу нуқталарнинг қарор топиши қандай босқичларни босиб ўтганигини куриб чиқамиз.

---

<sup>13</sup> Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI Programme. [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz)  
Wikipedia, the Free Encyclopedia, <http://en.wikipedia.org>

### 3-боб. Давлат бошқарувиغا АКТ жорий этилишидан олинадиган самара

#### 1-§. Фуқарога қандай фойда беради

Муаллифлар давлат бошқаруви мавзусини ҳаммадан илгари «ўзлаштиришни» бошлаган фантастлар ва утопистларнинг бир принципиал масалада ҳақлигига тан берадилар. Бу давлат бошқарувиغا АКТ жорий этилишининг барча фуқароларга дахл қилиши ва жамиятдаги электрон қайта ўзгартиришларни уларнинг ҳар бири ҳис этишлари масаласидир.

Албатта, фойда беради, дейсиз Сиз муҳтарам китобхон. Чунки буларнинг барчаси – биз бюджетга тўлайдиган солиқларнинг каттагина қисмини ташкил этадиган «қимматли ҳузур-дир». Бирок биз асло

буни назарда тутганимиз йўқ. Бунинг устига бутун жамиятнинг давлат бошқарувиغا АКТ жорий этилиши муносабати билан сарфланадиган

капитал харажатлари бизнинг асабимиз, вақтимиз ва давлат аппаратининг ҳар хил тузилмалари билан бевосита муомалада бўлиш муносабати билан сарфланадиган бошқа чиқимларимиз тежаб қолиниши эвазига тезда узини қоплайди.

Буни тасдиқлаш учун аниқ мисоллар келтиришга ҳожат йўқ. Бизларнинг ҳар биримизнинг ҳаётимизда коммунал хизматларга ҳақ тўлаш ва паспорт столдан маълумотнома олиш учун толиқтирадиган навбатда туришлар, пенсия ишларини расмийлаштириш билан боғлиқ жонга тегадиган тартиб-қоидалар, солиқ декларациясини тўлдириш учун туман марказига мунтазам равишда қатнаш (бу анчагина транспорт харажатларига ҳам олиб келади) билан боғлиқ вазият узлуксиз такрорланиб туради. Инсоннинг давлат бошқарувининг «классик» тузилмалари билан муомаласида юзага келадиган бу кундалик ташвишларнинг охири йўқ оқими бизларнинг ҳар биримиздан жисмоний ҳозир бўлишни, хонама-хона юришни ва айни бир масала юзасидан куп сонли амалдорлар билан бевосита мулоқотда бўлишни талаб этади. Бунинг устига ҳар хил тузилмаларнинг турли қоғозбозлик қилиқларига тоқат қилиш зарурлигини айтмайсизми?!

*G2C: асосий мақсад – суровлар-га хизмат курсатиш тезлигини ошириш ва кутиш вақтини қисқартириш ҳисобига фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланишини енгиллаштириш*

Давлат бошқарувиغا, айниқса G2C нимтизимига АКТ тизими жорий этилишининг биринчи ва асосий ютуғи ушбу барча харажатлардан халос бўлишдадир. Бунда юқорида санаб утилган хизматларни ким курсатиши – марказий ёки маҳаллий давлат органларими, ёки, уларнинг топишириғига кура ҳар хил муассасалар ва хусусий тижорат тузилмалари курсатишими (масалан, банклар, нотариал идоралар ва ҳоказолар) – бунинг фарқи йуқ. Асосийси ушбу ҳолатларнинг ҳар бирида фуқароларнинг идорама-идора сарсон бўлишларини ҳеч бўлмаганда қисқартиришдан иборат. Фуқароларга уларнинг кундалик зарур давлат ахборотидан электрон фойдаланишлари имконини бериш ва онлайн электрон хизматлар курсатишига доир ишларни ташкил этиш йули билан ушбу муаммони самарали ҳал этиш мумкин.

Мисол учун, бугунги кунда Эстонияда ушбу «электронлаштирилган» мамлакат фуқароларига ва меҳмонларига шаҳар пуловчилар ташиниш транспортда йулқира тулашдан бошлаб тиббни сугуртагача онлайн давлат хизматларининг 250 дан ортиқ тури курсатилмоқда. Германия ҳукумати тармоқли ресурслар – Интернет ва Интранет орқали рақамлаш ва гақдим этиш мумкин булган 450 дан ортиқ хизматлар ва сервисларни белгилади. Бу ҳам чегара эмас – 2005 йида ушбу мамлакатда онлайн хизматлари руйхатини 1,2 мингдан ортиқ номгача кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Давлат бошқарувининг ахборот-коммуникация тизимлари бугунги кунда кўчилаб мамлакатлар ахлисининг кундалик ҳаётига тобора кенроқ жорий этилмоқда. Бугунги кунда куплаб мамлакатларда реал курсатилаётган ушбу тизим хизматларидан айримлари қуйидагилардан иборат:

- солиқ декларацияларини гақдим этиш ва шахсий туловларни: даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва ҳоказоларни амалга ошириш;
- ижтмоий таъминот хизматларидан фойдаланиш, грантлар ва қарзлар олиш;
- суров ва етказиб бериш функциялари билан биргалиқда фуқаролик ҳолатининг куплаб далолатномаларини расмийлаштириш (масалан, бола тутилишини);
- шахсий ҳужжатларни – паспортлар, ҳайдовчилик ҳуқуқини ва ҳоказоларни расмийлаштириш;
- фуқароларни доимий ёки вақтинча яшаш жойи буйича руйхатдан утказиш, манзил ўзгарганлиги туғрисида билдиришнома;

- шикоят ва аризаларни қабул қилиш, юридик масалаҳат бериш хизматлари;
- иш излаш ва мутахассисларнинг касб даражасини электрон тест синовидан утказиш бўйича меҳнат биржалари хизматлари;
- соғлиқни сақлаш тизими хизматлари (интерактив маслаҳатлар, қабулга ёзиш ва ҳоказолар);
- олий уқув юртларига кириш тест синовлари, ҳайдовчилик ҳуқуқини олишга имтиҳонлар топшириш, масофадан туриб ўқитиш усули билан давлат таълим муассасаларида малака ошириш ва бошқалар;
- даромадлар, дивидендлар тўғрисида ахборот ва маслаҳатлар олиш;
- кредитлар, имтиёзлар ва лицензияларни онлайн расмийлаштириш;
- ҳар хил бадалларни, коммунал хизматлар ҳақини тулаш ва қўлаб бошқа нарсалар.

Тармоқ ресурслари орқали курсатилаётган қўлаб давлат хизматларининг узига хос молиявий асосини ташкил этувчи электрон нуллар аҳолига курсатилаётган тез суръатларда ривожланаётган замонавий онлайн хизматларидан биридир.

Шундай қилиб, АКТ тизимларининг давлат бошқарувиغا кенг жорий этилиши у ёки бу формуляр, гувоҳнома, маълумотнома ва ҳоказолар учун кишиларнинг шахсан давлат муассасаларига келишлари заруриятини анча қисқартиради, истиқболда эса – бундан бутунлай халос қилади. Қўлаб мамлакатлар тажрибаси жорий этишнинг дастлабки босқичидаёқ қўрилган мақсадга – суровларга хизмат курсатиш тезлигини ошириш ва кутиш вақтини камайтириш ҳисобига фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланишини енгилаштиришга эришилади.

## 2-8. Хусусий бизнесга қандай фойда берали

Юқорида биз айнан бизнес рақобат шароитида яшаб қолиш учун ўзининг доимий равишда такомиллашувга интилиши туфайли замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва фаол жорий этишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида майдонга чиққанлигини қайд этган эдик. АКТ тизимларининг давлат бошқарувиغا жорий этилиши ҳам соғлом тадбиркорликни ва хусусий ташаббусни ривожлантириш ва бизнес тузилмаларнинг самарали

инновация бошланмалари учун қулай мухит яратиш эҳтиёжларига жавоб бериши жиҳатидан истисно эмас.

Умумий мулжалда гап G2C нимтизимида муносабатларнинг ўзига

**G2B:** давлат ва бизнес тузилмалари муносабатлари реинжиниринги, уларни давлатнинг директив-назорат қилувчи патронажидан бозор талабларига жавоб берадиган цивилизацияли шерикка айлантириш

хос "реинжиниринги"ни амалга ошириш ҳақида бормокда, яъни G2C нимтизими биринчи навбатда иқтисодиёт соҳасидаги давлат бошқарувининг амалдаги тизимини давлат ва бизнес тузилмаларининг умумий иши йўлида – бизнес субъект-

ларидан ҳар бирининг раванқ топиши, бинобарин, бутун мамлакатнинг раванқ топиши учун уларнинг тадрижий ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмига айлантириш.

Муносабатларнинг ушбу нимтизимида қуйидагилар реинжинирингнинг асосий субъектлари ҳисобланади: бюджет ва солиқларни тартибга солиш, давлат органлари ва тижорат тузилмаларининг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги, кредитлар, инвестициялар ва бошқа молиявий ресурсларни бошқариш, тижорат фаолиятини лицензиялаш ва бошқалар. Бунда ушбу ва бошқа масалалар буйича давлатнинг бизнес сектор билан мавжуд директив ва назорат қилувчи муносабатларини маданиятлироқ ўзаро шериклик муносабалари оқимларига кучириш. Бу қуйидагиларни таъминлаши зарур:

- бизнес тузилмалари олдида турган қоғозбозлик ва маъмурий тўсиқларни бартараф этиш;
- давлат бошқарувининг ортиқча бўғинларини қисқартириш, тартибга солиш юкини камайтириш ва ҳужжатлар айланишининг рақамли технологияларини кенг жорий этиш йўли билан бизнес жараёнларини ва транзакцияларни тезлаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш;
- қонунлардан ва бозор талабларидан келиб чиқиб ресурсларни мақсадга йуналтирилган ва эркин бошқариш;
- ривожланиш дастурларини рағбатлантирувчи қўллаб-қуватлаш.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш куйидаги масалалар буйича бизнес субъектларига электрон давлат хизматлари курсатиш тизимини дадиллик билан ривожлантириш йўли билан эришилади:

- компанияларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш;
- ваколатли ташкилотлардан лойиҳа ҳужжатларига ружсатномалар олиш ва улар билан келишиш (экология, қурилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш),
- лицензиялар олиш ва уларни узайтириш;
- юридик маслаҳатлар, қонун ҳужжатларига узгартиришлар тўғрисида ўз вақтида ва тўлиқ ахборот олиш;
- бюджетга (даромад, фойда, қўшилган қиймат, йўл, ер солиқлари ва бошқалар) ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий корпоратив туловларни амалга ошириш;
- экспорт-импорт операциялар буйича товарга илова қилинадиган ҳужжатларни ва божхона туловларини расмийлаштириш;
- бухгалтерия, солиқ ва статистика ҳисоботини расмийлаштириш ва бошқалар.

Бунда электрон тижоратни ривожлантириш (*e-Commerce*) G2C нимтизими хизматларининг муҳим сектори ҳисобланади.

Ушбу йўналишнинг долзарблиги аён.

Биринчидан, айнан *e-Commerce* воситалари билан давлат харидлари ва буюртмалари буйича тендерларни ташкил этиш, давлат инвестиция ва инновация лойиҳаларини, ижтимоий дастурларни амалга ошириш соҳасида давлат ва бизнеснинг узаро иқтисодий ҳамкорлиги энг самарали амалга оширилиши мумкин.

Иккинчидан, *e-Commerce* ривожланишини рағбатлантириб давлат бу билан ҳам бизнес субъектларига, ҳам аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бизнес муҳити яратилишига кўмаклашади. Яъни G2B ва G2C нимтизимлари электрон ҳукумат тизимида фуқаролик-ҳуқуқий ва ҳужалик-ҳуқуқий муносабатларининг зарур инфратузилмасини ташкил этувчи B2B (business to business) ва B2C (business to citizens) муносабатлари билан табиий равишда тўлдирилади.

### 3-§. Давлат бошқарув тизимига қандай фойда берали

Нихоят, жамиятта қуринмайдиган, бироқ АКТ тизимларини жорий этиш самарадорлиги уларга куп жиҳатдан боғлиқ бўлган, уз

навбатида умуман давлат бошқаруви самарали фаолият кўрсатишини таъминлайдиган масалаларни кўриб чиқиш зарур. Суз давлат апаратининг ичида – G2G нимтизимида сифат жиҳатидан янги муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш ҳақида бормоқда.

Айнан мана шу бунин бутун тизим учун зарур булган асос ҳисобланади, унингсиз давлат бошқарувида АКТни жорий этиш принцип жиҳатидан мумкин эмас. Давлат бошқаруви органларининг корпоратив тармоғи унинг моддий-техник ва ахборот-коммуникацион асоси сифатида иш кўради (қаранг: 2-расм).

Мазкур схемада келтирилганлардан кўриниб турибдики, ушбу корпоратив тармоқ узида ҳукумат тармоғи ичида давлат муассасалари ўртасида ахборот айирбошланишини ҳам, давлатнинг фуқаролар, бизнес сектори ва Интернетнинг глобал ресурслари орқали бошқа ташқи фойдаланувчилар билан алоқаларини ҳам таъминлайдиган комплекс техник, технологик ва ташкилий воситаларни ифодалайди.



2-расм. Давлат бошқаруви органларининг корпоратив тармоғи

Муносабатлар ва алоқаларнинг ушбу нимтизимида ҳал этиладиган асосий вазифалар:

- давлат бошқаруви органлари ва давлат муассасаларининг ахборот массивлари, банклари ва маълумотлар базасини ягона тизимга интеграциялаш;

- ҳужжатлар айланишини оптималлаштириш;

- давлат қарорларини ишлаб чиқишни, келишини, қабул қилишни ва ижросини назорат қилишни оптималлаштириш.

Ушбу вазифалар фуқаролар ва бизнес субъектларининг давлат хизматларига бўлган кундалик эҳтиёжларидан нисбатан ажралиб қолгандек бўлиб туюлишига қарамай, давлат бошқарувида АКТ жорий этилишининг бутун жамият учун асосий афзаллиги айнан мана шу бўғинда таъминланади:

- ҳукумат ресурсларидан фойдаланиш тезлиги: тегишли порталлар орқали у ёки бу муассасага электрон кириш амалда бир зумда амалга оширилади ва навбатда туришларни талаб қилмайди;

- шахсан ҳозир бўлиш ва «идорама-идора» юришнинг ҳолати бўлмайди: давлат органларига ҳужжатлар бериш ва тегишли давлат хизматларидан фойдаланиш фуқаролар ва бизнес субъектларига Интернет ресурсларга кириш мумкин бўлган ҳар қандай жойдан (шу жумладан мамлакат ташқарисида туриб) масофадан туриб таъминланади;

- «бир дарча» принципи: давлат бошқаруви корпоратив тармоғининг исталган бўғинига киритилган ахборот электрон почта воситалари ва тарқатмалар орқали барча манфаатдор давлат органларига юборилади ва уларнинг жавоблари ва резолюциялари биринчи марта мурожаат қилинган нуқтада жамланади;

- айти бир хил маълумотномалар, гувоҳномалар ва ҳоказоларни давлат органларига куп марталаб тақдим этиш заруриятининг йўқлиги: ахборот давлат бошқарувининг корпоратив тармоғига бир марта киритилади ва куп марталаб фойдаланилади.

#### 4-§. Ахборот-коммуникация инфратузилмаси ва ахборот хавфсизлиги

Давлат бошқарувида АКТни жорий этиш ва ундан фойдаланиш аҳолининг имкони борича кенг қатламлари тегишли технологиялардан фойдаланишларига бевосита боғлиқ бўлади. Чунки компьютер технологияси ва инфратузилма нисбатан қиммат туриши туфайли аҳоли асосий қисмининг даромади даражаси паст эканлиги ахборот технологиялари оммавий ёйилишига жиддий тўсиқ ҳисобланади.

Яъни, давлат бошқарувида АКТни жорий этишнинг муайян даражасида давлат ва фуқаролар ахборот нотенглигининг фундаментал муаммосига дуч келиши мумкин. Бундай шароитларда Интернетдан

*Аҳолининг имкони борича кенг қатламлари тегишли технологиялардан фойдаланишини таъминлаш давлат бошқарувида АКТ тизимини жорий этишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади*

ялпи фойдаланилишини таъминлаш инфратузилмасини ташкил этишга мақсадли инвестициялар қўйиш (ҳам давлат инвестициялари, ҳам давлат томонидан рағбатлантириладиган донорларнинг қўйилмалари) принципи-

ал аҳамият касб этади.

Турли мамлакатларда ривожланишнинг ҳар хил даражаларида ушбу вазифалар ҳар хил ҳал этилади. Бироқ шунга қарамай, бир қанча умумий ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мактаблар, кутубхоналар, бошқа оммавий муассасаларни Интернетга улаш (Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг маҳалла сингари ажойиб институти мавжудлигини ҳисобга олиб давлат бошқарувининг тегишли тармоқ ресурсларидан фойдаланишнинг бирламчи пунктларини айнан мана шу даражада ташкил этиш мақсадга мувофиқдир);

- Интернетдан фойдаланишнинг оммабоп муассасалари ва пунктларини ташкил этиш (*one-stop shops*, Интернет киоска ва ҳоказолар);


- аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари учун давлат бошқарувининг корпоратив тармоқлари ресурслари ва Интернетга киришнинг давлат томонидан кафолатланиши – бепул ёки имтиёзли тарифлар бўйича.

Юқорида айтиб утилганлардан ташқари фуқароларни ва бизнес субъектларини давлатнинг электрон хизматлари мавжудлигидан хабардор қилиш зарур. Мана шу мақсадларда узининг қундалик вазифаларини амалга ошириш учун Интернетдан фойдаланишнинг фойдали эканлигини жамиятда мақсадга йуналтирилган тарзда тартиб қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлат бошқарувида АКТ инфратузилмасига қўйиладиган махсус талаблар ахборот оқимининг очиқ-ошкоралиги ва махфийлиги принциплари балансини таъминлаш заруриятидан келиб чиқади.

Бошқача сўзлар билан айтганда ушбу тизимларнинг, биринчи навбатда, давлат бошқаруви корпоратив тармоғи фаолият курсатишининг биринчи даражали талаби унинг ахборот хавфсизлиги ҳисобланади.

Модомики интерактив муҳитлар ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан ночор бўлиб қолар экан, ахборот алоқаларининг глобаллашуви, бир томондан, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларнинг янги шакллари ва усулларини, иккинчи томондан – маълумотларнинг етарлича хавфсизлигини таъминлашнинг янги усулларини келтириб чиқаради. Бошқача сўзлар билан айтганда, барча бугинларда – ахборотни сақлаш, уни қайта ишлаш ва кириш муҳофазаланган алоқа каналлари орқали узатишда, очиқ расмий ахборот ресурсларини шакллантиришда, шунингдек ахборот инфратузилмасининг алоҳида муҳим сегментларида ахборот ресурсларининг хавфсизлиги, уларнинг яхлитлиги, уларга кириш мумкинлиги ва уларнинг махфийлиги ҳамда электрон ҳужжатлар муаллифларини бир хилда аниқлаш мумкинлиги ишончли таъминланиши зарурдир.



3-расм. Тармоқлараро экранда ахборотни ҳимоя қилиши

Ушбу мақсадларда анъанавий равишда фойдаланиладиган тармоқлараро экранлар (қаранг: 3-расм) ҳамма вақт ҳам самарали бўлавермайди. Давлат бошқарувида АКТ хавфсизлигини таъминлаш зарурияти ахборотни алоқанинг очиқ тармоқларига, шу жумладан Интернетга киришда ёки бошқа каналлар буйича киришда рухсат берилмаган киришлардан ёки узгартиришлардан, шунингдек

компьютер хуружлари ва вируслар таъсиридан ҳимоя қилишнинг ягона талабларини қўллаш асосида комплекс ёндашишни талаб этади.

Шу муносабат билан, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни курсатадики, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг концепциясини ишлаб чиқиш ҳамма вақт тегишли лойиҳаларнинг таркибий қисми ҳисобланади. У қуйидагиларни уз ичига олади:

- электрон ҳужжатлар айланиши хавфсизлигини таъминлаш;
- махфий маълумотлар ва ахборот жараёнларини ҳам ходимларнинг қасддан содир этилган, ҳам малакасиз хатти-ҳаракатларидан, шунингдек табиий ёки техноген тусдаги ҳалокатлар ҳолатларидан ҳимоя қилиш бўйича комплекс олдини олиш чоратадбирларни амалга ошириш;
- идентификатор калитлар, электрон рақамли имзолар, криптография, нутқни, бармоқ изларини аниқлаш дастурлари ва ҳоказо ҳар хил техник, дастурий ёки жисмоний ҳимоя воситалари ва бошқалар ишлатиш йули билан фойдаланишни бошқариш ва махфий ахборотга кириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни ишончли идентификациялашни таъминлаш;
- ахборотни ҳимоя қилиш воситаларини такомиллаштириш, умумий аҳамиятли қайта ишлашнинг ҳимояланган воситаларини қўллаш;
- ходимлар, менежерлар ва техник хизматлар учун аниқ лавозим йуриқномалари яратиш.

Давлат ахборот тизимлари ва ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш ва уларнинг давлат хизматчилари томонидан суистеъмол қилинишидан ҳимоя қилиш давлат ахборот тизимлари, ресурслари ва технологиялари билан ишлашда улар иши мониторингини олиб бориш ва операцияларни ҳисобга олишнинг комплекс тизимини ташкил этиш асосида таъминланади.

Ахборот хавфсизлиги харажатлари анчагинани ташкил этади ва узатилаётган, сақланаётган ёки қайта ишланаётган ахборотнинг муҳимлиги ва махфийлиги билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли ҳимоянинг ишончли тизимини қуриш учун ахборотнинг махфийлиги даражасини, унинг ҳимояланганлиги даражасини ва ахборот тизими ресурсларига кириш ҳуқуқини туғри белгилаш зарурдир.

## II бўлим. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА АКТИН ТАТБИҚ ЭТИЛИШИНING ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА МИЛЛИЙ МОДЕЛЛАР

Китобнинг мазкур бўлими давлат бошқарувида АКТ ривожланишининг жаҳон тажрибасига ва ҳар хил миллий моделларга бағишланади. Ривожланган мамлакатларнинг диққатга сазовор тажрибасини ёритиш билан биргаликда утиш жамиятлари деб аталадиган жамиятларда бундай лойиҳаларни амалга ошириш хусусиятларига эътиборни қаратишни лозим деб топдик. Маълумки, Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари мана шундай жамиятларга мансубдир.

Китобнинг ушбу бўлимида турли моделларни урганиб чиқиш натижасида тегишли лойиҳаларнинг қуйидаги жиҳатлари умумлаштириш предмети ҳисобланади:

- давлат даражасида ва давлатлараро даражада ахборот-коммуникация орқали ўзаро муомала самарадорлигини ошириш;
- интеграциялашган ҳамда давлат ва фуқароларнинг реал эҳтиёжларига йўналтирилган ўзаро муомалани таъминлаш;
- фуқароларга курсатиладиган давлат хизматлари сифатини ошириш;
- фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш.

Бунда Чехия, Венгрия, Эстония, Россия, Украина, Қозоғистон ва бир қанча бошқа мамлакатлар мисолида утиш жамиятлари тажрибасига татбиқан китобнинг ушбу бўлимида, бизнинг фикримизча, муҳим бўлган трансформация шароитларида давлат бошқарувида АКТ лойиҳаларига қўйиладиган талаблар ҳамда уларни жорий этишга кўмаклашадиган ва тўсқинлик қиладиган омиллар каби жиҳатлар қараб чиқилади.

Биз бу билан ушбу соҳада жаҳон ҳамжамиятида тупланган тажрибанинг кўп хиллигини курсатишга ва ушбу тажрибанинг Ўзбекистон шароитларида қўлланилиши мақбуллигини баҳолашга интилдик.

Шарҳимизни бизга машҳур Cisco Systems компаниясининг Internet Business Solutions Group бўлими томонидан лутфан тақдим этилган ва бутун жаҳон бўйлаб давлат секторида компаниянинг кенг амалий фаолиятини акс эттирадиган материаллар асосида давлат бошқарувида

АКТ жорий этилишининг хусусиятларини таништиришдан бошлаймиз<sup>14</sup>.

---

<sup>14</sup> Қапан: The Connected Republic. Changing the Way We Govern. 2004, Cisco Systems, Inc., Internet Business Solutions Group

#### 4-боб. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳақида сўз юритар эканмиз биз давлат бошқарувида АКТ қўлланилишининг олдинги булимдагига қараганда кенгрок тушунилишига ўтамиз. Ғарбий Европа, Осиёнинг кўпчиликл мамлакатларида ва АҚШда икки тушунча фарқланади. Бу тушунчалар бошқарувнинг электронлаштирилишини – электрон маъмуриятни ва электрон демократияни тавсифлайди. Электрон маъмурият деганда ахборот ва коммуникация технологиялари асосида фуқароларга ҳар хил ижтимоий хизматлар кўрсатилиши тушунилан ҳолда кўпчилик ривожланган мамлакатларда шунингдек электрон демократия тушунчасини ҳам фарқлайдилар. Етарлича кенг бўлган ушбу таъриф билан сиёсий таъсир кўрсатилишини ва рақамли ахборотдан фойдаланиш мумкинлигини ва унинг очиқ-ошкоралигини, Интернет тўфайли давлат ва жамоатчилик институтларининг иштироки билан фуқаролар ва ташкилотларнинг жамоатчилик фикрини шакллантириш жараёнларида демократик иштирок этишини белгилайдилар. Бунда электрон демократия аввал бошданок электрон маъмурият билан биргаликда давлат бошқарувида АКТнинг марказий элементи сифатида қаралиши керак деб ҳисобланади. Башарти дастлаб фуқароларга фақат электрон хизматлар кўрсатилишига эътибор жамланадиган бўлса, демократик иштирок этиш воситаларининг кейинчалик жорий этилиши анча қийин кечади<sup>15</sup>.

Австралия ва Янги Зеландияда барча даражалардаги ҳокимият органлари ишида Интернетдан, ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳозирнинг ўзидаёқ салмоқли натижаларига олиб келди. Кейинги беш йил биринчи босқичда давлат бошқарувида АКТ тизими қандай ривожланиши мумкинлигини яққол кўрсатди. Бунда асосий эътибор ҳукумат ахборотини тарқатиш ва хизматлар кўрсатишнинг самаралироқ ва тежамли усулларига қаратилди. Ушбу вазифа икки жиҳати билан тавсифланади. Биринчи,

*Ривожланган мамлакатлар тажрибаси давлат бошқаруви органларининг фаолияти самардорлигини ошириш учун янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг шакл-шубҳасизлиги туғрисидаги хулосани мустаҳкамлайди*

<sup>15</sup> Қаранг: Бертельсманн жамғармаси материаллари (Bertelsmann Foundation)

асосий жиҳат ҳукуматдан истеъмолчилар ва фуқароларга ахборотнинг самаралироқ оқимини ташкил этиш билан боғлиқдир. Иккинчи жиҳат Интернет ёки телефон орқали ҳукумат билан узаро ҳамкорликнинг хилма-хил турлари учун имкониятларни аста-секин барпо этишдан иборатдир.

Австралиянинг федерал ҳукумати 1997 йилда уз зиммасига олган «2001 йилда барча зарур ҳукумат хизматлари онлайн режимида курсатилиши» тўғрисидаги мажбурият муваффақиятли бажарилганини эълон қилди. Бош вазир Говард (2002 йил февралда) 1600 дан ортиқ хизматлар ҳозирнинг узидаёқ турли ҳукумат муассасалари томонидан онлайн режимида курсатилаётганини маълум қилди. Асосий соҳаларда ахборот ва хизматлар курсатиш даражасини янада ошириш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш учун янги портал ([www.australia.gov.au](http://www.australia.gov.au)) ишга туширилди.

Янги Зеландияда давлат бошқарувида АКТни жорий этиш стратегияси 2000 йилда ишлаб чиқила бошланди. Ушбу стратегия бир нечта устувор йўналишларда, шу жумладан ҳукумат хизматларига киришнинг ягона нуқтасини яратишга жамланди ([www.govt.nz](http://www.govt.nz)). Олдинга қўйилган вазифалар орасида қуйидаги вазифалар бор: хизматлар сифатини ошириш, пул маблағларидан самарали фойдаланиш, Янги Зеландиянинг нуфузини кутариш ва фуқароларнинг давлатни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш. Стратегия қуйидаги уч асосий принципга асосланган эди: қулайлик ва қониқлиш ҳосил қилиш, интеграция ва самарадорлик, иштирок этиш. Биринчи босқичда тегишли ҳимояланган муҳитни таъминлаш, метамаълумотларнинг келишилган тузимасини ташкил этиш ҳамда ҳукумат web-порталини ривожлантириш стратегияси ва йўналишларини ишлаб чиқиш. 2001 йил декабр ойида стратегия амалга оширилган ташаббуслар ҳисобга олинган ҳолда қайта куриб чиқилди, июль ойида ҳукуматнинг янги портали уз ишини бошлади.

Европада давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг охириги тадқиқотлари илк тадқиқотлар (2001 йил октябрь) маълумотларига қараганда усини бор эъқалигини курсатди. 2002 йил апрель ойида тақдим этилган ҳисоботга мувофиқ Интернетдаги оммавий сервислардан фойдаланиш ва уларнинг интерфаолиги 10 фоизга ўстан ва 55 фоизга яқинлашган. Европа Комиссиясининг ташаббуси доирасида утказилган «Электрон Европани қиёслаш» («Benchmarking eEurope») тадқиқоти давомида

Европа Комиссиясига аъзо бўлган 15 давлатда ҳамда Исландия, Норвегия ва Швейцарияда йигирмата асосий ижтимоий хизматлар баҳоланди.

Шундай қилиб, ривожланган мамлакатлар тажрибаси давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг навбатдаги босқичига эътиборни қаратиш шаклсиз эканлиги туғрисидаги хулосани мустаҳкамлади. Бу босқич ҳозирнинг узидаёқ бошланиб кетган. Бугунги кунда фуқаролар ва ҳукумат ташкилотлари уртасида онлайн операциялари доирасини қўллаб-қувватлаш ва кенгайтиришдан ташқари ҳукуматнинг функциялари ва амалий фаолияти самарадорлигини ошириш учун янги технологиялардан фойдаланиш зарурияти пайдо бўлади.

### 1-§. Асосий вазифа

Ривожланган мамлакатларда давлат бошқарувида АКТ тизимларини жорий этиш асосида ҳукумат муассасалари вакиллари, унинг институтлари ва барча даражалардаги тартиб-қоидалари билан

ҳокимият улар олдида ўз фаолияти учун пировард натижада жавоб берадиган фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари уртасидаги узаро муносабатларини қайта тиклашнинг кўпроқ ёки камроқ белгиланган уриниши ётади.

*Ривожланган мамлакатларда давлат бошқарувида АКТ лойиҳаларини жорий этишнинг ушбу босқичидаги асосий вазифа – эҳтимол «бошқарув»нинг мутлақо янги шакллари жорий этган ҳолда давлат бошқарувининг сифат жиҳатидан янги, янида кучли ва самарали тизимини шакллантиришидир*

Ҳукуматни давлат бошқарувиининг сифат жиҳатидан янги, кучлироқ ва самарали тизимига шунчаки айлантириш билангина эмас, балки, эҳтимол, «бошқарувнинг мутлақо янги шакллари жорий этиш билан боғлиқ барча кутишларни оқлаш учун давлат бошқарувида АКТни ривожлантиришнинг навбатдаги, трансформация босқичига ўтиш керак.

Ушбу босқичда кучлилик ривожланган мамлакатларда ҳозирнинг узидаёқ ушбу масалада куйидаги муайян реал натижаларни кузатиш мумкин:

- ҳукумат органи билан фуқаролар ўртасидаги янада тенг ҳуқуқли ва ҳақиқий ҳамкорлик муносабатлари;

- энг кам харажатлар сарфланган ҳолда таклиф этилаётган давлат хизматлари ва дастурларининг кўпроқ самарадорлиги ва юқори сифатининг оптимал комбинациялари;

- ҳукумат фаолияти очиқ-ошкоралигининг янги даражасини акс эттирувчи ва шу сабабли унга бўлган ишонч ҳиссини оширувчи фуқароларнинг ҳукумат тузилмалари билан янада эркинроқ ўзаро ҳамкорлиги;

- мураккаб тушунчаларни тушунарлироқ ва пировард фойдаланувчилар учун қулайроқ қилиш имкониятларининг амалда руёбга чиқарилиши.<sup>16</sup>

Давлат бошқарувида АКТ дастурининг ушбу иккинчи ўлчови тафовутлар ва шубҳасиз бўлган орқада қолишлар ва тўсиқларга қарамай

*Янги Зеландия фуқаролари давлат бошқарувида АКТ — одамларга ҳукумат ахбороти ва хизматларидан қулайроқ фойдаланиш, ушбу хизматлар сифатини такомиллаштириш ва фуқароларнинг демократик институтлар ва тартиб-қоидаларда иштирок этишининг кенг-роқ имкониятларини таъминлаши учун ҳукумат ташкилотларининг янги технологиялардан фойдаланиш усулидир деб ҳисоблайдилар*

бир қанча етарлича умумий тахминлар билан тавсифланади. Айнан айтганда ривожланган мамлакатларнинг жамоатчилик фикри нуқтаи назаридан ушбу тизимлар қуйидаги сифатларга эга бўлиши керак:

- қулайлик;
- демократик институтлар ва тартиб-қоидаларни такомиллаштириш;
- иқтисодий самарадорлик;
- жавобгарлик;

- жамият ва алоҳида фуқаролар олдида ҳисобот бериш;
- бошқарувнинг самарали тизими;
- давлат хизматлари сифатини такомиллаштириш;

<sup>16</sup> Унга зарурият пайдо бўлаётган соҳалардан бири, - ҳукумат субсидияларини бошқариш соҳаси АҚШда, масалан, соғлиқни сақлаш ва аҳолига хизматлар кўрсатиш департаменти субсидияларни расмийлаштиришга буржумалар билан электрон операциялар ўтказиш учун Web-портал очилишига умид боғланади. [www.fcw.cjm/fcw/articles/2002/0114/web-hhs-01-18-02.asp](http://www.fcw.cjm/fcw/articles/2002/0114/web-hhs-01-18-02.asp)

- фуқароларнинг манфаатларига йўналтирилган хизматлар ва дастурларни илдам ривожлантириш.

Ушбу таърифлар электрон ҳукумат – бу ниманидир шунчаки тез ва арзон ёки осон амалга ошириш усулига қараганда қандайдир каттароқ нарса деган фикрни мустаҳкамлайди. Яъни, биз олдинги бўлимда айтиб ўтганимиздек, – *давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатлар сифати ва музмунини такомиллаштириш учун давлат бошқарувининг вазифалари, функциялари ва ресурсларини аниқлаш ва ташкил этишнинг амалда мутлақо янги усулидир.*

Буларнинг барчаси табиий равишда ушбу босқич мобайнида ривожланган мамлакатларда олдинга сурилаётган талаблар ва устуворликлар нақадар ҳайратланарли эканлигини, балким эҳтимол тутилган натижалар баҳслилиги ва уларга эришиш қийинлигини назарда тутди.

2-§. Давлат бошқарувида АКТ тизимининг уч элементи:  
базавий модел

Ривожланган мамлакатлар ҳукумагларида Интернетдан ва web-технологиялардан фойдаланишга утиш давлат бошқарувида АКТ тизимининг учта алоҳида, бироқ бир-бирига алоқадор элементларини бирлаштиради (4-расм).

# Давлат бошқарувида АКТнинг уч элементи



4-расм. Давлат бошқарувида АКТнинг уч элементи

Бу қандай элементлар?

1-элемент – ташкилий самарадорликни ошириш нуқтаи назаридан Интернетнинг бизнес ечими: яъни ҳукумат муассасаларига хусусий секторда маида ва иширик компаниялар фойдаланаётган ташкилий устунликларни бериши учун Интернет ва web-ечимлардан фойдаланиши – харажатларни камайтириши, маҳсулдорликни ошириши, сифатни яхшилаши.

2-элемент – ахборотни оммавий беришдан (publish) ва истеъмолчилар/фуқаролар билан узаро ҳамкорликнинг оддий шакллари (interact) тортиб мураккаброқ транзакцияларгача (transact) курсатилаётган хизматлар сифатини ошириши учун хизматларнинг истеъмолчиларига ва фуқароларга кунроқ эътиборни қаратиши.

3-элемент – электрон демократия (e-Democracy) – онлайн маслаҳатлар (consultation), давлат қарорлари қабул қилинишида онлайн иштирок этишнинг бошқа шакллари (participation) ва электрон овоз бериш (voting) воситасида фуқароларнинг демократик жараёнларда ва давлатни бошқаришда иштирокини кенгайтириш учун давлат бошқарувида АКТнинг тармоқли ва бошқа корпоратив ресурсларидан фойдаланиш.

Бунда қуйидаги омиллар барча уч элементнинг муваффақиятли амалга оширилишининг асосий шarti ҳисобланди:

- ривожланиш истиқболларининг давлат томонидан умумий тарзда қаралиши;
- стратегиядан уни бажаришга утиш учун давлатда амалий ишлар режаси мавжудлиги;
- бошқарувнинг ресурслари ва имкониятларини тўғри тақсимлаш;
- қўламли қайта ўзгартиришларга эмас, балки тизимли қайта ўзгартиришларга қодирлик;
- фаолиятни кузатиб бориш ва натижаларни баҳолаш мумкинлиги.

### 3-§. Ташкилий самарадорликни такомиллаштириш

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари тажрибаси давлат бошқарувида АКТни жорий этиш, одагда, давлат бошқаруви алоҳида органларининг ташкилий самарадорлигини оширишдан бошланишини кўрсатади. Ушбу босқичда ҳукумат томонидан хусусий секторнинг йирик ва майда корхоналарида ўзини намоен қилган Интернет ечимларнинг устуңлигидан фойдаланиш имконияти асосий ҳисобланади. Бунда АКТ тизимини барпо этиш қуйидаги тўрт шartга риоя этилишини тақозо этадиган умумий тайёргарлик сифатида белгиладиган асос негизида бошланади:

#### *АКТ жорий этилишига умумий тайёрликнинг 4 шarti:*

- *кучли раҳбарлик;*
- *самарали бошқариш;*
- *технологиялар мавжудлиги;*
- *ҳодимларнинг малакаси*

- *Раҳбарлик*, ушбу сузнинг амалий маъносида, – умумий тайёргарликнинг биринчи ва муҳим шartидир. Кўплаб мамлакатлар иш тажрибаси айнан кучли раҳбарлик ривожланишининг таянч нуқтаси бўлиши кераклигига ишонч уйғотади.

- *Бошқариш* – ҳукумат муассасалари *e-Governance* тизимларини жорий этишга ўтар экан бизнес учун Интернет ечимларни жорий этиш стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш талабларига мувофиқ бўлган қарорлар қабул қилиш усулларидан, ресурсларни бошқариш ва фаолиятни баҳолаш методларидан фойдаланиши зарур.

- *Технологиялар* – тегишли ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан ишончли ва қуламли тармоқларнинг мавжуд бўлиши муҳим, бироқ белгилловчи бўлмаган шартлардан ҳисобланади.

- *Малака* – ташкилот ходимларининг ташкилотчилик ва ижро қуникмалари. Ташкилот Интернет ечимларни қабул қилишдан кутаётган ютуқнинг 90 фоизи айнан ижронинг аниқлигига боғлиқ.

Бизнес учун Интернет ечимларни ташкил этиш, ҳозирги вақтда муассаса фаолиятини белгилаб берадиган жараёнларга *тусқинлик қилиш нукталарини* аниқлаш ва унинг ёрдамида ушбу тусиқларни тизимдан чиқариб ташлаш усулларини ишлаб чиқиш учун ушбу турт шарт негизда режалаштириш ва ташҳис қўйиш воситаларининг кенг доирасидан фойдаланилади.

Сунгра стратегияни бир неча босқичда тез ва муваффақиятли амалга ошириш учун устуворликлар жой-жойига қўйилади.

#### 4-8. Кўрсатилаётган хизматларни такомиллаштириш – биринчи босқич

Биринчи босқичда ваъда қилинган барча нарсаларни амалга ошириш учун ҳали куп иш қилиниши керак бўлган шароитда давлат бошқарувида АКТни жорий этишни ривожлантиришнинг янги босқичига ўтиш даврида ушбу қийин ишни ҳаракатга келтирадиган уч сабаб сақланиб қолади.

Биринчи сабаб – бу **қиймат**. Ушбу сабабни икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчиси Интернетни иш ҳажмини камайтириш ҳисобига давлат органлари фойдаланиши мумкин бўлган куплаб инструментал

*Электрон давлат хизматларини такомиллаштириш биринчи босқичининг асосий сабаблари:*

- *қиймат;*
- *сифат;*
- *фойдаланиш мумкинлиги*

технологиялардан бири сифатида қарайди.

Ушбу сабабнинг иккинчи қисми – давлат муассасалари ваколатларини маблағларнинг тежалишига ва иш сифати яхшиланишига олиб келадиган ортиқча харажатларни истисно этиш ва унумдорликни анча оширадиган қилиб тақсимлашдир.

Иккинчи сабаб – **сифат**. Давлат органлари ўз ишининг сифатини анча ошириш учун қаерда бўлмасин янги технологиялардан фойдаланишни мўлжаллайди. Бу қисман давлат ташкилотлари ишлаб

чиқарадиган ва таклиф этадиган хизматлар ва дастурларни амалга ошириш тезлигини ошириш билан боғлиқдир. Бу қисман ушбу дастурлар ва хизматлар уларни таклиф этмайдиган муассасаларнинг эмас, балки фуқаролар ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қанчалик таъминлаши, таклиф этилаётган хизматлар қанчалик қулайлиги ва улардан фойдаланиш осонлиги билан боғлиқдир. Бундан ташқари, суз давлат бошқаруви тизими фаолиятининг катта очиқ-ошкоралигини таъминлаш (ва бинобарин, уларнинг юқорироқ жавобгарлик даражаси) ҳамда давлат муассасалари билан ишларни юритишни имкони борича содда, интиутив ва самарали ташкил этиш ҳақида бормоқда.

#### *Чет эл тажрибасидан*

Сингапурда импорт/экспортга лицензия олиш одатда 15-20 кунни олар ва 21 та ҳар хил шаклларни тўлдиришни талаб этар эди. Ҳукумат TradeNet – онлайн тизимини жорий этди. У онлайн режимида атиги битта шаклни тўлдиришни ва 15 секундда лицензия берилишини талаб этади.

Аризонада ҳайдовчилик лицензияси мuddатини узайтириш (бутун жаҳонда электрон ҳукуматларни ривожлантиришнинг биринчи босқичида айниқса оммавий бўлган хизмат) шахсий мурожаат қилишдаги 6,60 долларга қараганда онлайн режимида 1,60 долларни ташкил этади. Бу масалада АҚШ ҳукумати IBM компанияси билан ҳамкорлик қилади. Компания ушбу тизимга хизмат қилади ва қўшиладиган сумманинг 2 фоизини олади, шу сабабли тизимнинг иши солиқ тўловчилар учун арзимасдир.

Ғарбий Австралияда электрон савдо майдончасининг GEM (Government Electronic Marketplace) жорий этилиши ҳозирнинг узидаёқ бир товарни харид қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатларни 100 доллардан 5 долларгача қисқартирди, умуман олганда тежамкорлик тахминан 100 миллион долларни ташкил этади.

Учинчи сабаб – фойдаланиш мумкинлиги. Давлат муассасалари барча одамлар ва бирлашмаларни уларнинг тараққий этишлари ва ривожланишлари учун зарур бўлган ресурслар ва имкониятлардан эркин ва тенг ҳуқуқли фойдаланишларини таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилишни давом эттириши керак. Асосий давлат хизматларидан тортиб таълим, бизнес ва дам олиш сингари қўллаб-қувватлашнинг мураккаб тизимларигача бўлган ҳар қандай сервис барча хоҳловчилар учун бир хилда фойдаланиладиган бўлиши керак. Бу давлат бошқаруви органлари АКТга таянган ҳолда малака ва ресурслари янги технологиялардан фойдаланиш ҳисобига афзалликка эришишни

қийинлаштирадиган истеъмолчиларни жалб этишнинг жиддий гояларини ишлаб чиқишлари зарур.

Модомики ушбу уч сабаб давлат бошқарувида АКТни ривожлантиришни рағбатлантирар экан, бир томондан, хавфсизлик ва махфийликни таъминлаш вазифаси, иккинчи томондан, тармоқли жамият мантигини хавфсиз, ишончли ўзаро муомалани таъминлаш буйича амалий фаолиятга айлантирадиган стандартларига асосланган инфратузилма тобора катта аҳамият касб этади.

Бироқ давлат бошқарувида АКТ тизимлари ривожланишининг биринчи тўлқини давридаёқ жиддий муаммолар пайдо була бошлади. Янги имкониятлар кенг ривожлантирила бошланиши билан барча ички маълумотлар базасининг ва маълумотларни бошқариш тизимининг сифати қандай катта аҳамиятга эга эканлигини барча англади. Web-сайтнинг узи амалда одамларни жалб этадиган чиройли пештахтага ўхшарди ва унинг асосида транзакция амалга оширилиши учун керак бўлган сифатни, маълумотлардан фойдаланиш тизимини ва интеграцияни такомиллаштиришга доир ички ишлар қилинмаганлиги билиниб қоларди.

#### 5-§. Курсатилаётган хизматларни такомиллаштириш – иккинчи босқич дастури

Давлат хизматлари курсатиш онлайн тизимини такомиллаштиришнинг навбатдаги босқичи – бу, энг аввало, бошқарувнинг мавжуд функциялари инфратузилмасидан тартиб-қоидаларни ўзгартиришга ва тегишли институционал қайта ўзгартиришларга ўтишдир.

Раҳбарлик қилишни, ресурслар менежментини амалга

*Давлат хизматларини  
такомиллаштириш – иккинчи бос-  
қичнинг устуворликлари: интегра-  
ция, ҳамкорлик ва ишонч*

оширишнинг ва ўз стратегияси натижаларини баҳолаш имконини берадиган бошқарувнинг барқарор тузилмаларини яратиш ушбу босқичнинг асосий мазмуни ҳисобланади.

Шунга мувофиқ равишда унинг асосий устуворликлари ҳам белгиланади.

*Интеграция.* Давлат бошқарувида АКТни ривожлантиришнинг навбатдаги босқичи фойдаланувчиларга ва фуқароларга ҳукуматнинг базавий тартиб-қоидалари ва функциялари интеграциясининг фақат

янги шакллари орқали (ва шу сабабли узгартириш орқали) амалга оширилиши мумкин булган хизматларни тақдим этиш учун Интернетдан ва янги технологиялардан фойдаланиш усулларини излашга уринишни намойиш қилади.

Бугунги кунда фуқароларга уларнинг турмуш тарзига ва улар ҳал этишга интиладиган муаммоларнинг мураккаб, узаро боғлиқ табиатига мос булган ечимларни тақдим этиш вазифаси тобора муҳим вазифага айланмоқда. Ва ушбу янги моделлар вертикал, «оммавий» хизматларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган давлатнинг нисбатан қаттиқ ва кун даражада сунъий тузилмалари ва тартиб-қоидаларига мувофиқ келмайди.

*Ҳамкорлик.* Интеграциялаш сари ҳаракат давлат муассасаларининг ичкарасида ва улар уртасида, шунингдек давлат муассасалари билан ҳукуматга қарашли булмаган муассасалар уртасидаги ҳамкорликнинг анча юқорироқ даражасини талаб этади.

Давлат бошқарувида АКТ дастури ҳамкорлик томон йўл тутганлиги ҳолати қўтилмаган ҳолат бўлмаслиги зарур. Ушбу талаб шунингдек ҳам йирик, ҳам кичик/урта корхоналар – тижорат сектори учун ҳам адолатлидир.

Маҳсулот етказиб беришнинг тижорат ҳалқаси муҳитида е-концентратор (*e-Hub*) сингари элемент ҳам пайдо бўлмоқда. Унинг асосий вазифаси ташкилотларнинг кенг доирасининг интеллектуал имкониятларини бирлаштириш ҳисобига асосий бизнес-қарорларни катта ишонч билан қабул қилиш учун етказиб беришлар ҳалқасининг хавфли элементларини олдиндан ва аниқроқ белгилаш имконини беришдан иборатдир. Бундай концентратор ҳар хил қатнашчиларнинг ахборот эҳтиёжларини пухта таҳлил қилиш асосида ташкил этилади. Унинг функциялари аниқ бизнес-қоидалар ва тартиб-қоидалар асосида белгиланган. Ушбу жуда ҳафсалали жараён саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳисобига реал фойда олишни уз вазифаси деб билади. Асосий қатнашчилар фаолиятнинг бир хилдаги суръатини қўллаб-қувватлашлари зарур, акс ҳолда натижага эришилмайди. Бошқача сўзлар билан айтганда, е-концентратор уз-уздан жамоавий жараён ҳисобланади.

Одатда давлат сектори раҳбарлари ушбу секторда ишлаб чиқариш ва савдо муҳитида мавжуд булганга ўхшаш "етказиб беришлар ҳалқаси" билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлишига эҳтиёткорлик билан йўл қўядилар. Бироқ маҳсулот етказиб бериш ҳалқаларини бошқариш – бу ахборотни бошқаришдир. Боз устига, у одамлар ва бирлашмаларнинг кенг доирасига фаолиятнинг узига хос (ва келишилган) натижаларига

эришиш мақсадида умумий ахборот базасини тез ва енгил ташкил этиш ва ундан биргалиқда фойдаланиш имкониятларини бериш билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳамкорлик механизмини қуриш давлат секторида ҳам катга аҳамиятга эгадир.

Интернетдан фойдаланиш истиқболлари ҳамма вақт биргалиқда ишлашни таъминлаш имкониятлари билан боғлиқликда қараб келинган. Бироқ муаммо шундаки, биргалиқда ишлашнинг ушбу янги шакллари бизни Интернетнинг мураккаб муҳитига олиб келади ва ушбу мавзу муҳокама этишни талаб қилади, чунки у технология ва маданиятнинг зиддияти билан боғлиқдир. Ушбу зиддият давлат бошқарувида АКТни ривожлантиришнинг иккинчи, трансформация босқичининг энг катга муаммосига айланмоқда.

Янги технологияларни ривожлантириш деярли барча нарсани амалга оширилиши мумкин қилади ва мумкин бўлганларини виртуал қилиш имконини беради. Бироқ ушбу жараёни сиёсий можаролар ва чексиз ахборот урушлари давомида ишлаб чиқилган чуқур илдиз отган анъаналар туфайли тўхтатилиб турилмоқда. Мана шу сабабга кура давлат бошқарувида АКТни жорий этишнинг иккинчи босқичи бошқарувни, ташкил этишни ва ҳаммасидан кура ҳам мустаҳкам раҳбарликни жиддий синовдан утказади.

*Ишонч.* Давлат бошқарувида АКТ тизимларини ривожлантириш ҳолатининг эътироф этилиши фундаментал тарзда «узaro муносабатларни тиклаш» билан боғлиқдир, пировард натижада ҳатти-ҳаракатлар муваффақиятини реал текшириш унеча ушбу ютуқлар ишончни қўллаб-қувватлаш, кенгайтириш ва баъзан белгилашда ёрдам берадиган, ҳукумат билан фуқаролар ургасидаги муносабатлар боғлиқ бўлган чегараларни аниқлашдан иборат эканлигини тушунишни мустаҳкамлайди.

Бу, уз навбатида, бизга лойиҳалаштирилаётган тизимларни ишонч муаммоси фақатгина хавфсизлик ва махфийликни таъминлашнинг энг яхши ва ишончлироқ тизимларини барпо этиш билан боғлиқ эмас эканлигини эслатиши зарур.

Ишонч ҳақида сўз борганда ахборотни шифрлаш эмас, балки баъзан тушуниш қийин бўлган «очиқ калитлар инфратузилмаси» муҳокамаинг энг муҳим масаласи ҳисобланади. Давлат бошқарувида АКТни жорий этишнинг навбатдаги босқичи унинг асоси ҳисобланган давлат институтлари ва тартиб-қоидаларига бўлган ишонч даражасини такомиллаштириши айниқса муҳимдир.

## 6-8. Қайта ўзгартириш устуворликлари

Демак, нима қилиш керак? Қуйида кўрсатилаётган хизматлар сифатини такомиллаштириш соҳасида давлат бошқарувида АКТни ривожлантиришнинг иккинчи босқичи дастурининг 10 асосий жиҳати келтирилган.

1. *Институционал ўзгартиришлар.* Давлат бошқарувида АКТни жорий этишнинг иккинчи босқичини ривожлантириш қандай юз бермасин, у ижтимоий бошқариш ва давлат сиёсатининг қуплаб энг барқарор илдиз отган муаммолари характери тобора чуқурлашаётганлигини ҳисобга олиб махфийлик ва хавфсизликнинг юқори даражасини таъминлаш, тенглик ва адолатни таъминлаш, бошқарув самарадорлигини ошириш сингари бир қанча муҳим талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Буларнинг барчасини ҳисобга олиб давлат бошқарувида АКТ, айниқса унинг иккинчи босқичи ҳукуматнинг тузилмаси ва амалий фаолиятида муайян фундаментал ўзгартиришларсиз муваффақиятли ривожланиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин.

Амалий маънода бу нимани аниглади? Эҳтимолки, бу энг камида қуйидаги вазифалар ҳал этилишини аниглади:

- Ҳар хил муассасалар ва турли даражадаги ҳукумат органларининг кенг доираси ресурсларидан фойдалана оладиган дастурлар ва хизматларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва мониторингини олиб бориш учун (боз устига ушбу хизматлар фуқаролар ва истеъмолчилар томонидан ягона сервис сифатида қабул қилинади) интеграциялашган тартиб-қоидалар ва механизмларни яратиш.

- Фундаментал тартиб-қоида ўзгартиришларининг узлуксиз дастури у алоҳида муассасалар ичида ва улар уртасида, шуниндек ташқи томонлар билан муносабатларда асосий бизнес-жараёнлар ва тизимларнинг барқарор такомиллаштирилишига олиб келади.

- Рағбатларнинг базис тузилмасини ўзгартириш. У давлат секторининг амалий жорий фаолиятига махсуддорликни бошқариш тизими ва жавобгарликни таъминлашнинг турли воситалари (аудиторлар, жамоатчи назорат комиссиялари, бюджетни тасдиқлаш тартиб-қоидаси ва ҳоказолар) давлат бошқарувида АКТ фаолият кўрсатишнинг реал натижаларига эришадиган даражада таъсир кўрсатади

2. *Маълумот даражасини ошириш.* Нима учун аҳоли маълумотининг умумий даражасини ошириш АКТ бошқарув тизимларини

ривожлантиришнинг иккинчи босқичида катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида бир қанча сабаблар мавжуд.

Энг аввало, фуқаролар анчагина афзаллик берадиган янги технологиялардан фойдаланишлари учун уларнинг маълумоти даражасини тезда ошириш зарурияти мавжуд.

Иккинчидан, хилма-хил қимматли ахборот ҳажми мана шунга боғлиқдир. Таълим ва уқитишнинг муҳим ва, балким, устунлик қилувчи механизми сифатида Интернетнинг ролини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун зарур бўлган бундай ахборотни қўлами катта ва ишончлироқ тармоқлар тақдим этиши мумкин.

3. *Махфийлик ва хавфсизлик.* Ушбу йўналишда узгаришлар унча катта эмаслигига қарамай, купчилик одамлар ҳанузгача Интернетга ишонмасликлари тижоратда ва давлат муассасалари билан операцияларни амалга ошириш учун Интернетнинг кенг қабул қилиниши ва ундан фойдаланилишига асосий тўсиқ бўлиб келмоқда. Одатда бундай ишонмаслик: а) шахсий ва махфий маълумотлар суистеъмоллар ва ноқонуний фойдаланиш учун очик бўлишидан ва б) Интернет орқали операциялар ҳақиқий эмас деб ҳисобланишидан хавфсирашдан иборатдир.

4. *Ҳукумат порталлари ташкил этиши* – кишиларга улар олишни хоҳлайдиган ёки ўз вазифаларини енгил ва тезда бажаришлари учун зарур бўлган ахборотни ташкил этиш, излаш ва уларга тақдим этишнинг самарали усули.

«Портал» деб аталган технологик атама билан белгиланган ушбу кенг муҳокама қилинаётган ечим фойдаланиш учун қўлай бўлган «сайт»ни, «ягона кириш»ни англатади, унинг иш принципи фуқаролар бирор-бир муаммони ҳал этиш ёки қандайдир эҳтиёжни қондириш зарур бўлганда барча зарур ахборотлардан, барча зарур ресурслардан ва интерактив сервислардан тезликда ва осон фойдалана олишларидан иборатдир.

Ҳукумат порталлари ташкил этишга йўналтирилган пайдо бўлган тенденцияларнинг Accenture компанияси томонидан ўтказилган тадқиқоти<sup>17</sup> ҳукумат ресурсларига онлайн киришнинг давлатнинг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари моделини ўзгартириши ҳақида маълумотлар мавжуд эканлигига қарамай, «купчилик давлат органлари Интернетда ахборотни ташкил этишнинг идоравий усулидан

<sup>17</sup> *Ҳукумат порталлари – он-лайн ҳукуматларининг янги авлоди*, Вивьен Джапп, бошқарувчи шерик, ҳар хил мамлакатларда е-ҳукумат хизматлари, Accenture компанияси (2001 йил, Май)

фойдаланишини, бу курсатилаётган хизматлар сифатига амалда таъсир кўрсатмайдиган ва фуқароларга функцияларнинг чекланган тўпламини тақлиф этадиган сайтлар сони тезликда кўпайишига олиб келишини» қайд этди. Уша тадқиқот давлат бошқарувида АКТни ташкил этишга ушбу икки ёндашув уртасидаги асосий тафовутларни ҳам умумлаштирди: кўп сонли сайтлар ташкил этиш ва ягона портал ташкил этиш (қаранг: 1-жадвал).

1-жадвал

Алоҳида Web-сайтлар ва ягона портал. Қиёсий тавсиф	
Web-сайт	Портал
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Стандарт сайт</li> <li>● Муассасалар рўйхати</li> <li>● Асосан статик ахборот</li> <li>● Транзакцияларни утказишнинг унча катта бўлмаган имкониятлари</li> <li>● Ахборот идора/функциялар принципи бўйича ташкил этилган</li> <li>● АКТ-тизимлар билан кўпинча боғланмаган</li> <li>● Фойдаланувчиларнинг қўллаб-қувватлаши/ улар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятларининг йўқлиги, ёки кучсиз қўллаб-қувватлаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Фуқароларнинг манфатларига ва тақлиф этилаётган ечимларга мувофиқ ташкил этилган</li> <li>● Асосий хизматлар рўйхати</li> <li>● Ахборот ва интерактивлик</li> <li>● Транзакциялар утказиш учун кенг имкониятлар</li> <li>● Ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ ташкил этилган</li> <li>● АКТ-тизимга тўлиқ интеграция қилинган</li> <li>● Фойдаланувчиларнинг тўлиқ қўллаб-қувватлаши</li> </ul>

Эҳтимол айрим ўзгаришларнинг қисман гувоҳлик беришига қарамай (балким, кўпчилик шарҳловчилар бунга қўшилишлари мумкин), давлат ташкилотлари фаолиятининг вертикал модели кўп даражада устунлик қилишда давом этмоқда, ва ҳатто етакчи мамлакатлар

давлат бошқарувининг онлайн салоҳиятини амалга ошириш йўлининг уртасида турибди<sup>18</sup> – АКТнинг тегишли тизимларини ривожлантиришнинг навбатдаги босқичини таъминлайдиган ахборот ва тартиб-қоидаларни реконструкция қилиш уз-узидан, пировард натижада, тузилмалар ва муассасаларнинг анча узгаришига олиб келади. Бироқ ташкилий тузилманинг узгариши ҳамда муассасанинг номи ва ташқи куринишининг узгариши уз-узидан муҳим элемент деб ҳам, навбатдаги босқичнинг мақсади деб ҳам ҳисобланмайди. Гап ахборотни бошқаришнинг янги усуллари ҳақида бормоқда.

Accenture компанияси 2002 йилда ўтказилган давлат бошқарувида АКТни жорий этиш дастурлари амалга оширилиши даражаларининг қиёсий тадқиқотида муассасалар «навбатдаги катта ишни» амалга ошириш учун ўтган йилдагига қараганда кўпроқ баъзи бир амалий қадамлар қўяётганлигини қайд этди. Тадқиқотчилар ҳукумат соҳасида мижозлар билан ўзаро муносабатларни (CRM) бошқаришни ривожлантиришни баҳолашга уриниб курдилар. Ушбу янги усулларнинг функционалиги туғрисида саволлар бердилар:

- Янги усуллар ҳукумат муассасаларига хизматлар курсатилган уз мижозлари ва фуқаролар туғрисидаги муҳим ахборотни эслаб қолишда ёрдам берадими? Бошқача сўзлар билан айтганда, ҳукумат муассасаларида мижозлар ва фуқаролар билан муносабатларни давом эттириш имконияти мавжудми?

- Давлат бошқарувида АКТнинг web-инструментлари фуқароларга бир портал доирасида кўп сонли сайтларга кириш имконини берадими – бошқача сўзлар билан айтганда, агар мен порталга кирсам, бир неча ҳар хил сайтларга кириш заруриятисиз менга зарур бўлган барча ишни қила оламанми? Австралия ҳукуматининг АКТ-булинмаси раҳбарларидан бири ушбу ёндашувни «нотўғри эшиклар йўқлиги» принципи сифатида тавсифлади - фойдаланувчилар уз йўлларини қаердан бошлаши муҳим эмас, тизимнинг вазифани ҳал этиш учун зарур бўлган қолган барча элементлари осон фойдаланиладиган бўлиши керак.

- Ахборот тақдим этиш қанчалик қулай ташкил этилган – ахборот тақдим этиш усуллари менинг бажаришим зарур бўлганларга мувофиқми?

---

<sup>18</sup> Риторика ва реаллик – диққатли нигоҳ. Accenture компанияси томонидан амалга оширилган электрон ҳукуматлар ривожланиши даражаси тадқиқоти, 2001 йили

- Мен ҳукумат сайтидан мени қизиқтирган муаммога тегишли бўлган фойдали хизматлар курсатадиган бошқа ҳукуматга қарашли бўлмаган сайтларга ўтишим мумкинми?

#### *Чет эл тажрибасидан*

АҚШ. Европа ва Осиёдаги купчилик бошқарув органлари аҳоли билан онлайн ўзаро муомала қилишнинг афзалликларини ҳозирнинг ўзидаёқ тушуниб етдилар ва фуқарога мўлжалланган, электрон демократия ва электрон маъмурият белгиларини ўзида мужассам қиладиган порталлар яратдилар.

Шимолий Буюк Британияда жойлашган Сандерленд округи тажрибасини келтирамиз: ташқи портални жорий этиш натижалари кутилганидан ортиқ бўлди, аҳолидан тушган мурожаатлар сони бирор-бир рекламасиз 2,5 ой ичида 700дан 7.500тагача қупайди.

Ахборот тизимларини Customer Life Events, «фуқаро ва унинг ҳаётидаги воқеалар доираси учун» концепциясига мувофиқ қуриш фуқаролар учун порталларни муваффақиятли жорий этишнинг муҳим шартига айланди. Бунда хизматларни таклиф этиш давлат органларининг тарихан шакланган тузилмасига боғлиқ равишда эмас, балки фуқароларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб қурилади. Бундай порталлар ортида кейинги ун йилликларда давлат бошқарувининг асосий ислохотларидан бири туради. Давлат муассасалари бўлимлар ва функциялар буйича ихтисослашиш ўрнига ягона «дарча» ташкил этадилар. Бу фуқаролар билан муомалада бўлиш учун электрон ёки жисмоний «дарча» бўлиши мумкин, барча хизматлар уларнинг «орқасидан» интеграция қилинади. Бола туғилиши, бошқа жойга кучиш, балоғатга етиш - нормал ҳаётда одамлардан маъмурий идораларнинг жуда купчилиги билан ўзаро алоқа қилишни талаб этадиган ҳар қандай вазият бўлиши мумкин. Австралияда ва Канаданинг Онтарио штатида махсус ташкил этилган веб-сайтлар ёки «ҳукумат марказлари» барча зарур расмийчиликларни бир жойда бир марта содир этиш имкониятини беради.

Британиянинг Сандерленд округи «электрон маъмурияти» билан ўзаро ҳамкорлик оддий транзакциялардан бошланади:

- Солиқлар тўлаш
- Қучмас мулкни баҳолаш
- Теңдер буюртмалари олиш
- Жарима тўлаш
- Манзилнинг узгариши

- Йуқолган ҳайвонларни излаш
- Турган жойини, транспортни қидириш
- Автомобиль ҳайдаш ҳуқуқини узайтириш
- Округда иш излаш.

Бирок бу биринчи босқич холос. Ундан кейин муваффақиятга эришиш учун давлат хизматларининг комплекс трансформациясга амалга оширилиши керак.

Узгаришлар ҳозирнинг узидаёқ юз бермоқда. Порталнинг ривожланиши ҳукуматдан ташқарида – фойдаланувчилар ва фуқаролар нуқтаи назаридан бошланмоқда, – сунгра эса ишлаб чиқувчилар «нимага эришмоқчи эдик?» деган саволни бериб портал функцияларини ҳукумат вазифаларига яқинлаширадilar.

5. *Ҳамкорлик инструментлари ва амалиёти.* Ҳукумат органлари ичида ҳам, улар ўртасида ҳам ҳамкорлик қилинишини таъминлаш вазифаси марказий ва тобора муҳим вазифага айланмоқда. Бир юмуш (шубҳасиз яхши юмуш) бажарилиши учун факат бир муассаса жавоб берадиган транзакциялар тезлашмоқда. Бир неча муассасалар иштирак этадиган транзакциялар ҳам жадаллашмоқда ва аста-секин курсатиладиган хизматлар сифати, шунингдек фуқаролар ва фойдаланувчилар олдидаги жавобгарлик даражаси ошмоқда.

Давлат бошқарувида АКТни жорий этиш дастурини муҳокама қилишда пайдо буладиган бошқа мавзулар сингари ҳамкорлик вазифаси асосан техник вазифа эмас. Бу ушбу вазифани ҳал этиш учун технология асосий элемент эмас эканлигини англамайди, албатта. Агар ушбу янги интилишлар бир муассаса доирасида, ҳар хил муассасалар ўртасида ички ва ҳукуматнинг ташқарисида маълумотларнинг қўпайиши ва мураккаблашишини уддалашга қодир бўлган барқарор ва кенг қўламли тармоқ инфратузилмаси ташкил этиш билан таъминланмас экан ҳамкорлик даражаси на сифат жиҳатидан, на сон жиҳатидан жиддий равишда узгармайди.

6. *Бошқарув ва раҳбарлик қилиши.* АКТ лойиҳасини ишлаб чиқиш ва давлат бошқарувида жорий этишда тегишли ва самарали раҳбарлик қилиш, мазкур дадил интилишнинг муваффақиятини белгилашда ягона энг мушкул омилдир, балким.

Бу эса ўз навбатида, сиёсий ёки бошқарув капиталининг анчагина инвестицияларини талаб этади. Давлат бошқарувида АКТни ривожлантиришнинг навбатдаги босқичини бажариш қўп даражада сиёсатчилар ва асосий жамоагчилик арбобларининг ривожланишнинг

умумий стратегиясини белгилаш ва амалга оширишга қодирлигига боғлиқ бўлади.

Шу маънода бошқарув – бу фармойишлар йиғиндиси бўлиб, унинг ёрдамида алоҳида муассасалар ва ижтимоий бошқаришнинг бутун бир тизимлари устуворликларни белгилайдилар ва АКТни жорий этиш дастурларини амалга оширадилар. Вақт ва пулни тақсимлаш туғрисида ким қарор қабул қилади? Устуворликлар қандай қилиб биринчи уринга чиқарилади? Ким ишга жалб қилинган, ким жалб қилинмаган? Лойиҳаларни бошқариш ва улар мониторингини олиб бориш қай тарзда юз беради ва уларнинг натижалари қандай баҳоланади?

Ва бошқарувнинг охириги муҳим жиҳати – ижтимоий бошқариш ишига тобора кўпроқ таъсир кўрсатаётган ҳисобот бериш ва назорат қилишнинг базавий тузилмасига имкони борича эътиборни қаратиш зарурлигидир. Юз йиллар давомида кўплаб мамлакатларда барча тармоқларни ва профессионал соҳаларни назорат қиладиган кўпинча тарвақайлаб кетган, мустаҳкам ва юқори даражада марказлаштирилган бюрократик тизимлар яратилган.

Бугунги кунда янги технологиялар ва ижтимоий узгаришларнинг бирга кўшиб олиб борилиши бошқарувнинг янги турига эҳтиёжни келтириб чиқарди. Мезонлари ҳамкорлик қилиш, интеграция ҳамда мослашувчан ва яқка тартибдаги хизматларни тусиксиз тақдим этиш бўлган ушбу талабларни бажариш бугунги кунда ижтимоий бошқаришнинг етарлича мослашмайдиган механизми тўғрисида тўхтаб турмоқда.

#### *Чет эл тажрибасидан*

Сингапурда 2001 йил октябрь ойида фуқароларга онлайн режимида янги интеграциялашган давлат хизматлари кўрсатадиган eCitizen портали очилди (“хизматларни интеграциялаш”нинг янги концепцияси асосида). eCitizen портали орқали интерактив хусусиятга эга бўлган (бунда тармоқ орқали хизматларнинг фақат бир қисми кўрсатилади) ва транзакцион хусусиятга эга бўлган (бунда тармоқ орқали бутун хизматлар яхлит кўрсатилади) давлат онлайн хизматларининг 70 фоизи тақдим этилади. eCitizen порталининг контенти 14 тоифага бўлинади ва фуқароларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини ақс эттирган ҳолда интуитив равишда уларга хизматларни таклиф қилади. Портал кўйидаги тоифаларга бўлинади: бизнес, мудофаа, таълим, сайловлар, иш, оила, соғлиқ, уй-жой, кутубхона, дам олиш, хавфсизлик, спорт, транспорт, саёҳат. Онлайн хизматларининг тўлиқ доираси спорт мусобақаларига чипталарни брон қилишни, врач қабулига ёзилишни, йул солиғи тўлаш учун

маълумотларни тақдим этишни, фуқаролик никоҳларини рўйхатдан ўтказишни, янги жойга кўчишни расмийлаштиришни, янги компанияларни рўйхатдан ўтказишни, даромад солиғи тўлаш, жарима тўлаш учун декларация тўлдиришни ва ҳатто васиятнома тузишни ўз ичига олади. Онлайн хизматлари комплекс кўрсатилади. Бунда транзакцияларни амалга оширишнинг бутун мураккаблиги ва давлат муассасаларининг ички иши фойдаланувчидан яширилади. Хизматларнинг тармоққа кўчирилиши ҳукуматга амалий жараёнларни мақбуллаштириш ва ортиқча тартиб-қоидалардан воз кечиш имконини берди. Жумладан, кўнгил очар хизматлар кўрсатишга лицензия олиш учун оддин 7 та ташкилотга бориш талаб этиларди. Ҳозир битта интеграциялашган Интернет-шаклни тўлдириб лицензия олиш мумкин. Натижада лицензиялар бериш муддати 8 ҳафтадан 2 ҳафтага қисқарди.

Сингапурда фуқаролар ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги каналлари ҳам интеграциялаштирилган – улар сирасига давлат хизматлари кўрсатиш марказларидан ташқари Интернет-портал, ва алоқа-марказ ва ҳатто фуқароларни хабардор қилиш учун мобил телефонларга уларнинг қисқа хабарларини жунатиш ҳам киради.

Ягона ном ва парол ёрдамида аутентификация Сингапурда одамга фақат битта ном ва битта паролни ёдда тутиш ва кўплаб онлайн хизматлардан фойдаланиш имконини беради. Бундай хизматлар орасида солиқ декларацияларини тўлдириш, банк ҳисоб рақамларидаги қолдиқларни текшириш ва «Янги Сингапур» акциялари билан савдо қилиш бор. Хавфсизликнинг юқорироқ даражасини талаб этадиган хизматлар учун очиқ қалитлар тизими(PKI)дан фойдаланиш мумкин.

7. АКТни давлат бошқарувида жорий этиш лойиҳасини ташкил этиш. Давлат секторида йирик АКТ-лоийҳаларни ташкил этиш бир қанча ўзига хос қийинчиликлар билан боғлиқдир<sup>19</sup>. Агар қўпчилик давлат арбоблари йирик лойиҳага розилик билдирадиган бўлса, одатда, давлат органининг бутун фаолиятини «муъжиза» туфайли ўзгартирадиган қудратли қисқа муддатли самарага умид қилиб розилик билдиради. Бироқ жорий этиш жараёнида, одатда, раҳбариятнинг тасаввурида янги технологиялар ишнинг шаклланган усулларига даҳл қилмаслиги кераклиги маълум бўлади, бунинг устига тендерлар ва контрактлар шартлари шунчалик қаттиқки, ишни бажариш давомида уларни амалда ўзгартириш мумкин эмас. Бундай кўрсатма муваффақиятга

<sup>19</sup> The Economist, 19-25/10/2002

эришишга кўмаклашмаслиги яққол кўриниб турибди, давлат секториди узгаришларни бошқаришнинг бутун мураккаблигини ҳисобга олганда муваффақиятли амалга оширишга умид қилиш янада мураккаблашади.

Технологиялар уз-узидан одамларнинг инновацияларга булган муносабатини узгартирмайди, давлат секториди узгаришни бошқаришнинг мураккаблиги эса хусусий сектордагига қараганда янада юқоридир. Бир қанча бўлиналар орқали горизонтал иш кўрадиган ахборот тизимлари, ягона стандартлар, сўзсиз энг муҳим ахборотга йўналтирилганлик талаб этилади, идоралараро келишмовчилик эса бунга эришиш имконини бермайди.

Давлат бошқарувида АКТнинг ушбу бир қисмини ривожлантиришнинг биринчи босқичи фуқаролар ва ҳукумат учун харажатларни камайтириш ҳамда самарадорлик ва сифатни ошириш каби фойда олишни таъминлашга баъзи бир умумдавлат стандартлари ва принципларини қабул қилмасдан эришиб бўлмаслигини курсатди. Агар ишнинг моҳияти айниқса истеъмолчилар ва фуқаролар учун операцияларни соддалаштиришдан иборат бўлса, давлат бошқарувида АКТ тузилмасида муайян ички келишилганлик бўлиши зарур.

Давлат бошқарувида АКТнинг иккинчи тўлкинини амалга ошириш вазифаси ҳозирнинг узидаёқ давлат органларининг жамоавий имкониятларига истиқболларнинг умумий кўринишини аниқроқ кўришни таъминлайдиган тузилмани ишлаб чиқиш; маълумотларни бошқариш ва коммуникацияларни амалга ошириш бўйича комплекс стандартлар ва қоидаларни келишадиган ташаббуслар ва лойиҳаларнинг ҳам умумий, ҳам ҳар бир муассаса учун узига хос булган яхши уйланган комплексини ҳамда жорий этиш жараёнини ва эришиладиган натижаларни кўзатиб бориш тизимини таъминлашга доир жиддий талаблар қўймоқда.

Бу бутун тузилмани уйлаб кўриш, режалаштириш ва бутун ваколатларни тақсимлаш зарурлигини тақозо этади. Бу унга мувофиқ одамлар ўзлари қандай ишларни бажаришлари кераклигини ўзлари ҳал этадиган дастур эмас<sup>20</sup>.

8. *Хизматлар курсатини соҳасидаги вазифалар.* Умуман олганда АКТни давлат бошқарувида жорий этишнинг биринчи босқичи муваффақиятлари такомиллаштириш унча қийин бўлмаган одамлар, ҳамжамиятлар ва давлат органларининг ўзаро муносабатларига тегишли жиҳатларга даҳл қилди.

<sup>20</sup> «Электрон ҳукумат – риторикадан реаллик сари» тадқиқоти, Accenture компанияси, 2001 йил.

АКТ тизимларини ривожлантиришнинг иккинчи босқичи давлат билан муносабатларда юзма-юз келинадиган жиҳатларга дуч келмоқда. Бундай муносабатлар учун ишонч ва махфийлик даражаси тобора катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу уй-жой, таълим, коммунал-маиший хизматлар ва ижтимоий таъминот, ногиронларга қараш, соғлиқни сақлаш соҳасида хизматлар курсатиш ҳамда шаҳар хужалиги ва режалаштиришнинг айрим жиҳатлари сингари соҳалардир.

Давлат органилари у ёки бу сабаб билан анъанавий усуллар билан курсатиладиган хизматлардан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келаётган одамлар учун таълим ва малакасини ошириш соҳасида дастурни қандай қилиб ташкил этади ва жорий этади? Давлат органилари айтишлик уларнинг муаммоларини ҳал этиш хизматларнинг ҳали зарур бошқариш, мониторинг ва ҳисобот билан таъминланишни талаб этадиган уй-жой муаммолари, гиёҳвандликка мубталоликни даволаш курсидан кейинги реабилитация, таълим олиш ва ишга жойлашишга тегишли мураккаб ва динамик комплексини талаб қилиши мумкин бўлган “хавф гуруҳлари”га тегишли бўлган ёшлар учун дастурларни қандай қилиб ишлаб чиқади?

Давлат ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг иккинчи босқичини муҳокама қилишда хизматлар сонини шунчаки қупайтириш ва мавжуд хизматларни электрон кўринишга ўтказиш – биринчи босқичда бўлгани сингари қуп даражада муваффақият келтирмаслигини англаб етиш зарур. Бугунги кундаги вазифа – фуқаролар ва ҳамжамиятларнинг этиёжларини яхшироқ қондириш учун янги ва ҳозиргача мавжуд бўлмаган комбинацияларда янги хизматларни ва хизматларнинг янги турларини ишлаб чиқишдир.

9. *Кенг полосали тармоқ.* Агар электрон бошқарув «инқилоби» ва унинг фуқаролар ва давлат органилари ўртасида самарли, тез ва натижа берадиган муносабатларни ўрнатиш тўғрисидаги ваъдаси бизни бирор нарсага ишонтирган бўлса ҳам бу айнан маълумотларни узатиш ва бирлаштиришни таъминлаш имконини берадиган ишончли тармоқлар ташкил этилмасдан туриб реал натижаларга эришиш мумкин эмаслигидир.

Давлат бошқарувида АКТни ривожлантиришнинг иккинчи босқичи қуп жиҳатдан давлат органилари билан фуқаролар, давлат билан фуқаролар ишлайдиган ва яшайдиган ҳамжамиятлар ўртасидаги алоқа ва интерактивлик даражасига боғлиқдир ва буларнинг барчасини кенг полосали тармоқ инфратузилмасини ташкил этмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Матн, жадваллар, чизмалар ва видеони уз ичига

оладиган усиб бораётган маълумотлар оқимини уддалашга қодир бўлган «тез ва ҳамма вақт ишга тайёр бўлган» Интернетни таъминлаш АКТ бошқарув тизимлари фаолиятининг айрим соҳалари учун алмаштириб бўлмайдиган шарт ҳисобланади.

#### *Чет эл тажрибасидан*

Умумий инфокоммуникация инфратузилмаси — давлат муассасаларига кенг қўлам натижасида келиб чиқадиган тежасдан фойдаланиш имкониятини беради.

Бундай интеграция ягона ахборот тармоғини ва ягона стандартларни талаб этади. Барча давлат идоралари учун ахборотнинг барча турлари ягона тармоқда фаолият кўрсатишининг ечими мисолини АҚШда учратиш мумкин.

1998 йилда Чикагода шаҳар ахборот тизимларини автоматлаштириш ва бирхиллаштиришнинг беш йиллик режасини амалга ошириш бошланди. Таркибига Чикаго ҳам қирадиган Кук округининг глобал тармоғи барча округ офисларини бирлаштиради, 946 квадрат миль ҳудудда 27 мингдан ортиқ давлат хизматчиларини ва 37 тузимани ўзаро бирлаштиради. Тармоқ овозларни, маълумотларни ва видеони узатади ва округ иловаларини, маҳаллий ва федерал давлат ҳокимияти органларига киришни ҳамда Интернет орқали ахборот олишни таъминлайди. Тармоқ иловалари ва ахборотга тезликда кириш воситаларининг интеграциялаштирилиши маҳаллий ҳокимият органларига анаъанавий хизматларни тезликда кўрсатиш имконини берибгина қолмай, балки фуқароларга хизмат кўрсатишнинг новаторлик усулларини излашга ундаб округ ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатди. Глобал тармоқда ишлайдиган ERP (Enterprise Resource Planning –ресурсларни режалаштириш тизими) ягона округ тизими округниг бутун молиясини, шу жумладан харид, ҳисоб рақамларига пул тўлашни бошқариш ва жорий молиявий маълумотларга кириш имконини беради. Округнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари CABS (Criminal Apprehension Booking System – Жиноятчиларни қўлга олиш бўйича рухсат бериш тизими) ягона тизимига кириш имконига эга бўдилар. Ушбу тизим бармоқ излари, фотосуратлар ва жиноятлар тарихини бир зумда тақдим этади. Янги геоахборот тизими (GIS – Geographic Information System) компанияларга ва маҳаллий аҳолига сотилган 1,6 миллион ер участкаси тасвирланган куплаб ахборот даражалари бор, янги маълумотларга эга бўлган куп улчамли хариталарни ишлатади.

Шуниси муҳимки, электрон маъмуриятнинг ушбу лойиҳалари ҳокимиятни фақат фуқаролар қулай ва учун ошқора қилибгина қўймади. Бу лойиҳалар давлат амалдорларининг узларининг ишини анча сермахсул булишига олиб келди, чунки қўлаб қондалар ва самарасиз жараёнлар қайта куриб чиқилишининг сабаҳиси бўлди.

10. «Ички» тизимлар интеграцияси. Давлат бошқарувида АКТ башарти ахборот ишламайдиган бўлса, ишлай олмайди. Муаммо сўзсиз қўпчилик ташкилотлар тўлаб бораётган ахборот асосида раvнақ топаётганлигидан иборат ва ушбу ахборот ҳажми доимий раvишда қўпайиб бормоқда. Замонавий тармоқ оламида бирор нарсани узгалар билан баҳам курган тақдирдагина фойда олишингиз мумкинлигини тушуниш ушбу нооқилонга, бироқ чуқур томир отган тизимнинг муқобили сифатида майдонга чиқмоқда. Бундан ташқари, модомики бизнинг дунёмизнинг тараққиёти тезлиги ва унинг мураккаблиги экспонент буйича усаётган экан ҳеч бир ташкилот – ҳукумат муассасаси буладими ёки ҳукуматга қаршли бўлмаган ташкилот буладими ёлғиз уз и ютукка эриша олмайди. Биз аста-секин бирлашиш муваффақият гарови эканлигини тушунмоқдамиз.

Шунчаки давлат муассасалари уз ахборот тизимларида тартиб урнатиши ва ахборотни сақлашнинг мақбул усулларини ва уларга кириш усулларини таъминлаши керак дейиш масаланинг бир томони. Буни ҳақиқатда амалга ошириш учун вақт сарфлаш, ресурслар бериш ва тиришқоқликни намоён қилиш – бу мулақо бошқа масала. Бунинг сабаби оддий: исталган ахборотнинг ҳамма вақт эгаси бор, бу ҳўжайин одатда катта мулқдор бўлиб чиқади.

#### 7-§. Фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирокини кенгайтириш

Агар асосий вазифа – давлат ташкилотлари билан ушбу ташкилотлар улар олдида жавоб берадиган фуқаролар уртасидаи муносабаталарни тиклаш ҳақида сўз юритиладиган бўлса – давлат бошқаруви АКТни ривожлантиришнинг мазкур учинчи босқичи, эҳтимолки, энг муҳим, шунингдек энг мураккаб ва баҳсли бўлиши керак.<sup>21</sup>

Фуқаролик жамиятининг қўпчилик қатнашчилари янги технологиялар демократияни янада ривожлантиришнинг ажойиб имкониятларини беришини тушуниб етдилар. Улар уз хатти-

<sup>21</sup> Яқинда Викториа (Австралия) музофатида ўтказилган тадқиқот электрон демократияни унинг фуқароларга, жамоат гуруҳларига, парламенти ва ҳукуматнинг узига эҳтимол тутилган илжбиш ва салбий таъсирин нуқтаи назаридан урганишга бақишланди.

ҳаракатларини мувофиқлаштиришда, янги аъзоларни жалб этишда ва маблағлар йиғишда ҳозирнинг узидаёқ Интернетдан фойдаланмоқдалар. Жамиятда сиёсий жараёнларда қатнашишнинг янги жараёни ташкил этилмоқда. Бу «электрон демократия»нинг биринчи босқичидир.

Жанубий Кореяда 2002 йилги президентлик сайловларида Но Му Хённинг номзоди голибликни қўлга киритганлиги туғилиб келаётган

мана шундай электрон демократиянинг мисоли бўла олади. Но Му Хён куп жихатдан сайловолди кампаниясида Интернетдан фаол фойдаланганлиги туфайли голиб чиқди. Бир ярим миллионгача фуқаролар ҳар

куни номзоднинг веб-сайтига ахборот олиш ёки сайлов жамғармасига хайрия маблағи қўшиш учун мурожаат қилди. Ҳар куни сайловчилардан номзодга таклифлар билдирилган 7000 гача электрон почта гушди. 800 000 сайловчи узининг мобил телефонда сайловларни утказиб юбормаслик ҳақидаги мурожаатни олдилар<sup>22</sup>.

Бирок электрон демократиянинг навбатдаги босқичини нафақат сиёсий кураш воситасигина деб эмас, балки кўпроқ аҳолининг фикрини билиш ва давлат органлари ишининг очиқ-ошкоралигини ошириш усули сифатида қарамоқ лозим. Яъни чинакам демократик давлат фаолият курсатишини таъминлайдиган таркибий пойдевор – саводхонлик, суз, матбуот эркинлиги, давлат амалдорлари вақти-вақти билан ҳисобот бериб туриши сингари жамиятдаги ахборот айирбошлашнинг асосларидан бири сифатида қараш лозим. Ушбу институтларнинг пайдо бўлишида давлатнинг роли жуда катта: давлат мактаблар қуриб, етарлича ўқитувчиларни ўқитиб, таълимни мажбурий қилиб таълимнинг умумий эканлигига киришгандан кейин саводхонлик ялпи тус олди.

Давлат бошқарувида яхши амал қиладиган АКТ тизимининг ўзига хос белгиси электрон хизматларни ва электрон демократик иштирок этишнинг ҳар хил шакллари узаро тўғри йиғиндисидир.

*Электрон демократияни нафақат сиёсий кураш воситасигина деб эмас, балки кўпроқ аҳолининг фикрини билиш ва давлат органлари ишининг очиқ-ошкоралигини ошириш усули сифатида қарамоқ лозим*

<sup>22</sup> [www.globetechnology.com/servlet/ArticleNews/gtnews/TGAM/2002123](http://www.globetechnology.com/servlet/ArticleNews/gtnews/TGAM/2002123) (C) Reuters Limited 2002.

Бугунги кунда ҳукумат сайтлари (Буюк Британиянинг UKOnline ҳукумат сайтининг бир қисми ҳисобланган «Фуқаролик портали» (Citizen Space) сингарилар) таркибида ҳам, ҳукуматга қараши бўлмаган интернет-сайтлар орасида ҳам бошқарувда фуқароларнинг «электрон иштироки» имкониятини берадиган сайтлар сони унча кўп эмас.

Мисол қилиб форумларни ҳамда теле ва радиоэшиштириш компаниялари (масалан, Америка радиоэшиштириш компанияси) ёки нотижорат ташкилотлар томонидан тақдим этилаётган ва фуқароларга фикр билдириш учун берилаётган имкониятларни келтириш мумкин. Булар аҳолига берилаётган фикр билдириш имкониятларни сони ва сифатини ошириш вазифаларини ҳал этишга ҳамда аҳолини муҳим қарорлар қабул қилишдаги иштирокини оширишга мўлжалланган. Бу уринда мисол қилиб одамларга ўз фикрини билдириш имкониятини таклиф этаётган нотижорат ташкилот томонидан қўллаб-қувватланадиган қарорлар қабул қилишда уларнинг иштирокини кенгайтиришга мўлжалланган «Америка гапиради»ни («America Speaks», [www.americaspeaks.org](http://www.americaspeaks.org)) мисол сифатида келтириш мумкин (охирги муҳокама ижтимоий таъминот соҳасини ислоҳ қилишга тегишли эди).

Электрон демократия соҳасидаги ишланмалар бир хил даражада ҳам илҳомлантиради ҳам ташвишлантиради. Айримлар учун улар сиёсат ва бошқарув вазифаларини ҳал этиш учун Интернетнинг қайта узгартирувчи салоҳиятидан фойдаланадиган дадил ва кўпдан қўтилган ташаббус сифатида қаралади. Бошқалар учун эса технологияга ишониш бир вақтнинг ўзида ҳам соддалик, ҳам хавфли бўлиб туюлади. Янги технологиялар уларнинг аҳамияти ва таъсири анча узгарувчан бўлган ҳамда жиддий келишмовчиликлар ҳамон сақланиб қолаётган ва популизмнинг энг ёмон кўринишларини кучайтириши мумкин бўлган вазиятда ишламоқда.

Шунингдек, ҳеч бўлмаганда Интернет телефон ва телевизор сингарига айлангунга қадар нотенгликнинг янги шакллари пайдо бўлиши эҳтимоли йўқ эмас, чунки Интернетга кириш имкониятига эга бўлганлар Интернетга кириш имкониятига эга бўлмаганларга қараганда афзалликлардан фойдаланишлари мумкин (буни демократиянинг ютуғи дейиш дарғумон).

Бироқ гарчи Интернет ҳукумат ишининг айрим жиҳатларида ва сиёсий қарорлар қабул қилинишида фуқароларнинг иштирокининг кенгайтириш учун шубҳасиз исми қўрилмаган имкониятлар бераётган бўлса ҳам у ички муаммоларни ҳал этишга кодир эмас.

Шунингдек «муҳокама қилиш» ёки «иштирок этиш»нинг исталган шакллари муносабати билан ҳамма вақт бериладиган: ким иштирок этади, қандай шартларда иштирок этади, ушбу иштирок этиш қандай таъсир кўрсатади, нимани муҳокама қилиш кераклигини, нимани муҳокама қилмасликни ким белгилайди? деган асосий саволларга жавоб олиш ҳам муҳимдир.

### 8-8. Миллий моделлар ва сценарийларнинг хусусиятлари

Демак, давлат бошқарувида АКТ тизимларини жорий этишнинг халқаро тажрибаси билан танишиш ҳатто ривожланган мамлакатларда уларнинг ривожланиши даражасида катта тафовут мавжуд эканлигини кўрсатади.

Давлат бошқарувида АКТнинг энг тулиқ ривожланган тизими ахборот анъанавий истеъмол буюмлари ва табиий ресурслар билан биргаликда муҳим ижтимоий-иқтисодий ресурсга айланишини тақозо этади. Боз устига, энг илгари кетган татбиқ этишларда ахборот билимга айланади ва билимларга йуналтирилган иқтисодиётнинг (ёки билимлар иқтисодиётининг) асоси ҳисобланади.

Бугунги кунда давлат бошқарувида АКТ ривожланишининг бешта асосий босқичи ажратиб кўрсатилади:

- *бошланғич намоён бўлиш* – расмий ҳукумат муассасаларининг онлайн ҳозир бўлиши бошланган;
- *кенгайтирилган ҳозир бўлиш* – ҳукумат сайтлари сони доимий равишда кўпайиб бормоқда, улардаги ахборот эса тобора динамик бўлиб бормоқда;
- *интерактив узаро ҳамкорлик* – фойдалувчиларга ҳар хил расмий ҳужжатлар шаклини ёзиб олиш, расмий электрон почтани олиш ва web-сайт орқали узаро ҳамкорликни ташкил этиш икониятлари берилди;
- *транзакциялар утказиши* – фойдаланувчилар онлайн режимида ҳар хил транзакциялар утказишни реал амалга оширишлари мумкин;
- *чоксиз узаро ҳамкорлик* – маъмурий чегаралар доирасида электрон хизматларнинг тулиқ интеграцияси.

2001 йилда ўтказилган тадқиқот натижалари БМТга аъзо бўлган 190 миллий ҳукуматларнинг 169 таси (88.9%) ахборот ва хизматлар кўрсатиш учун Интернетдан у ёки бу даражада фойдаланганлигини кўрсатди. Улардан 22 таси бошланғич намоён бўлиш даражасида эди, 65 тасида кенгайтирилган иштирок этиш таъминланган, 55 тасида интерактив узаро ҳамкорлик таъминлаган. Бунда фақат 17 мамлакатда

давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши транзакциялар ўтказилишини таъминлайдиган даражага эришилган ҳамда буғунги кунгача БМТга аъзо бўлган мамлакатларнинг бирортасида ҳам электрон давлат хизматларини ривожлантиришнинг потенциал мумкин бўлган юқори даражасини тавсифлайдиган чоксиз узаро ҳамкорликка эришилмаган.

*Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларида давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари тизими.* Энг кейинги пайтда ўтказилган тадқиқотга мувофиқ Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари молиявий ахборот ва ҳисоботлар билан ишлашни такомиллаштириш, ҳукумат сервислари курсатиш усулларини такомиллаштириш, фуқаролар билан алоқаларни такомиллаштириш ва фуқароларнинг ҳукумат билан узаро муносабатлари учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг бошланғич босқичида турибдилар (Wescott, 2001).

Қўплаб обрўли экспертларнинг фикрича, ушбу минтақада АКТ тизимларини ташкил этиш ишлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- технологияларни фойдаланувчиларнинг талабларига ва фаолиятнинг реал мақсадларига мослаштириш;
- янги технологияларнинг ислоҳ қилинган принциплар ва тартиб-қоидаларга мувофиқлиги;
- ижтимоий бошқарув ва ички назоратнинг тегишли методлари;
- маълумотларнинг самарали ҳимоя қилиниши ва тизимнинг яхлитлигини таъминлаш;
- «тартибсиз ва ҳатто хавfli тизим» ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин бўлган келишилмаган қарорлар қабул қилинишининг олдини олиш имконини берадиган бирлашган стратегия.

*Европа сценарийлари хусусиятлари.* Давлат бошқарувида АКТни ривожлантириш стратегияси ички ёки ташқи фаолиятга йўналтирилганлигига қараб турли мамлакатларда ҳар хил стратегияга эгадир.

Ҳозирги вақтда электрон бошқариш тузимасининг турт асосий типни шаклланган. Уларнинг ҳар бири ҳар хил ролни бажаради ва тулик функционал тизимни амалга оширишга турли даражада яқинлашади.

1. *Кибернетик офис (Cyber Official):* АКТ тизимлари ривожланишининг дастлабки босқичи, бунда электрон бошқарув асосан истеъмолчиларга электрон хизматлар курсатишга қаратилади. Ички

фаолиятига йуналтирилганлиги билан тавсифланади ва ривожланишнинг энг паст даражасини акс эттиради. Ҳозирги вақтда Италия ва Германияда ёйилган.

2. *Бюрократик тузилма*: ҳар хил департаментлар уртасидаги интеграция сирини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш муаммоси билан бирга кечади. Истеъмолчиларга хизматлар курсатиш давлатнинг кулида бўлади. Олдинги ҳолатда булгани сингари ички фаолиятга йуналтирилганлик билан тавсифланади, бироқ олдинги ҳолатдан фарқ қилган ҳолда ривожланишнинг юқори даражасини акс эттиради ва юқорининг ташаббуси билан ишга туширилади.

3. *Талаб буиича агентлик (Agency on Demand)*: истеъмолчилар томонидан қўшимча афзалликлар ва янги кадриятлар олиш ушбу афзалликлар ва кадриятларни қай тарзда ажратиш ва уларни истеъмолчиларга етказиб беришни қай тарзда яхшилаш муаммолари билан бирга кечади. Ташқи фаолиятга йуналтирилади, бироқ электрон бошқарув ривожланишининг нисбатан паст даражасини акс эттиради. Ҳозирги вақтда тузилмаларнинг бундай тоифаси Нидерландия учун характерлидир.

4. *АКТнинг тула функционал тизими*. Экспертлар ушбу талабларнинг барчасини бажариш учун икки йилдан беш йилгача вақт талаб этилади деб ҳисоблайдилар. Тулиқ трансформация рақамли жамиятга утган ҳолда давлат бошқарувида АКТни шакллантиришнинг стратегик режаларини интеграциялашни амалга ошириш учун электрон бошқарувни ривожлантириш юзасидан доимий саъй-ҳаракатларни талаб этади. Буюк Британия ва Австрия учун ривожланишнинг бунга ухшаш энг юқори даражасига интилиш хосдир.

*АҚШ тажрибаси*. Қунма Штатлар Президенти маъмурияти ва Конгресси 90-йиллар уртасидан бошлаб Ҳукуматнинг ахборот ва ахборот-технология сиёсатини модернизация қилиш ҳамда, пировард натижада Американинг *e-Governance* тизимини барпо этиш юзасидан анча куч сарфлади.

Биринчи навбатда ушбу жамиятда давлат тузумлари уйнаши керак бўлган асосий роли ҳисобга олинган ҳолда ахборот жамиятини ривожлантиришнинг умумҳуқуқий базаси яратилди. Жумладан, 1996 йилда фуқароларнинг ҳукумат ахборотига кириш ҳуқуқларини белгилаб берувчи «Ахборот эркинлиги туғрисида»ги Қонун (*The Freedom of Information Act*) жиддий равишда қайта ишланди, 2000 йилда эса электрон савдо ва электрон ҳужжатлар айланмасини ривожлантиришнинг янги истикболларини очиб берган «Халқаро ва

миллий тижорат муносабатларида электрон имзолар туғрисидаги Қонун (Electronic Signatures in Global and National Commerce Act) кучга кирди. Шунингдек ривожланаётган ахборот жамияти шароитларида Ҳукуматнинг узининг фаолиятини модернизациялаш бўйича чоратадбирлар тайёрланди ва амалга оширилди. 1995–98 йилларда қуйидагилар қабул қилинди: «Қоғоз ҳужжатлар айланмасини камайтириш туғрисидаги Қонун (Paperwork Reduction Act of 1995), Клинджера–Коэннинг «Ахборот технологияларидан фойдаланишни ислоҳ қилиш туғрисидаги Қонуни (Clinger–Cohen Act of 1996), «Ҳукумат муассасаларида қоғоз ҳужжатлар айланмасидан халос бўлиш туғрисидаги Қонун (Government Paperwork Elimination Act of 1998).

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар Ҳукуматда ахборот ва ахборот-технология жараёнларини бошқаришнинг самарали ишлайдиган тузилмасини барпо этиш жараёнини қонун йули билан таъминлади ҳамда ҳукумат идораларининг фуқаролар, тижорат ташкилотлари ва иттиҳорат ташкилотлари билан муомаласида ва ҳукумат идоралари томонидан қонунчиликда курсатилган хизматлар курсатилишида замонавий технологияларни кенг қўллаш учун асос яратди.

АҚШнинг Маъмурий-бюджет бошқармаси АКТ тизимларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқди, у 24 ташаббусни уз ичига олади. Ушбу стратегия қамраб оладиган соҳаларнинг айримлари:

- *Онлайн режимида Ҳукумат дастурлари мақбуллигини баҳолаш:* ҳукумат дастурлари билан танишишга ва уларнинг мақбуллигини баҳолашга мўлжалланган портал тақдим этилади. Ҳукумат учун қўйилаётган фойда: 4 миллион доллар миқдорида маблағларни тежаш ва фойдаланувчиларнинг суровларини йилига 75 000 га камайтириш.

- *Умумдавлат хизматлари:* ҳар хил дастурлар доирасида таклиф этиладиган хизматларни шахсийлаштириш мақсадида истеъмолчилар билан муносабатни идоралараро бошқариш таъминланади. Ташаббус куп каналли алоқа маркази ташкил этиш режасини уз ичига олади. Ҳукумат учун қўйилаётган фойда: муассасалар ўртасидаги ортиқча операцияларни истисно этиш.

- *Солиқ ҳужжатларини расмийлаштириш тизимини соддалаштириш:* Фуқаролар ва корхоналарга онлайн режимида солиқ ҳужжатлари беришнинг содда, бепул ва хавфсиз усули таклиф этилади. Бу хато маълумотлар пайдо бўлиши эҳтимолини пасайтиради ва солиқларни қайтариш чекини расмийлаштириш тартиб-қоидасини тезлаштириш имконини беради. Ҳукумат учун қўйилаётган фойда:

хатолар сонини камайтириш, аниқ қайта ишлаш марказларига юкламаларни пасайтириш.

- *Хукуматнинг бизнес билан узаро муносабатлари*: Онлайн режимида қонун ишлаб чиқаришни бошқариш: муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларини ўз ичига олган ва фуқароларнинг исталган вақтда ва исталган жойда қонун ижодкорлиги жараёни билан танишишини таъминлайдиган «e-Docket» умумхукумат тизимидан фойдаланиш; фуқаролар ўз фикрини айтиши мумкин бўлган сайт ташкил этилишини ўз ичига олади. Хукумат учун қутилаётган фойда: 57 давлат тартибга солиш органларининг фаолиятини бирлаштириш ҳисобига 9,75 миллион доллар тежаш; қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга сарфланадиган 1 миллиард долларни тежаш имконияти.

- *Бизнес учун комплекс ахборот*: Бизнес эҳтиёжлари учун ягона идоралараро портал таъминланади; корхоналар учун норматив ахборотни ва маслаҳат хизматларини бирлаштиради; онлайн режимида лицензиялар олиш мумкинлиги режалаштирилмоқда. Хукумат учун қутилаётган фойда: 10 миллион доллардан 20 миллион долларгача тежаш.

- *e-Субсидиялар*: олувчилар учун ҳам, субсидияни берадиган муассислар учун ҳам субсидияларни расмийлаштириш тартиб-қондасини соддалаштириш мақсадида ягона портал ташкил этилади, субсидиялар олиш имкониятидан хабардорлик даражасини ошириш, субсидияларни бошқариш бўйича фаолиятни бирлаштириш. Хукумат учун қутилаётган фойда: федерал фондларни 1 миллиард доллар тежаш; почта сарф-харажатларида 20 миллион тежаш.

- *Жамоат хавфсизлиги хизматлари узаро ҳамкорлигининг симсиз тизими – SAFECOM лойиҳаси*: ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматлари билан алоқаларни мувофиқлаштиради; жамоат хавфсизлиги хизматларининг тармоқлари ўртасида узаро алоқа қилиш имкониятини белгилайди; ортиқча симли коммуникация инфратузилмаси зарурлигини истисно этади. Хукумат учун қутилаётган фойда: бирлашган инфратузилма барпо этилиши миллиардлаб доллар билан ўлчанадиган хизмат курсатиш, ўқитиш харажатларини ва бошқа қўшимча харажатларни тежашни таъминлайди.

- *Кадрлар ресурсларини интеграциялаш*: Кадрлар ҳақидаги ҳукумат ахборотини бирлаштириш; ҳисоботлар тузиш жараёнларини мақбуллаштириш; қоғоз билан боғлиқ тартиб-қоидаларга боғлиқликни

камайтириш. Ҳукумат учун қўпилаётган фойда: самарадорликни ошириш, чиқимларни камайтириш.

– *e-Аутентификация*: Давлат бошқарувида АКТнинг барча ташаббуслари учун фойдаланувчиларни идентификациялашнинг ягона методиши таъминлайди. Ҳукумат учун қўпилаётган фойда: электрон имзонинг ортиқча технологияси ва хавфсизликни таъминлаш учун қўриладиган қўшимча чора-тадбирларни истисно этиш ҳисобита сарф-харажатларнинг камайтиши.

Унинг раҳбари Марк Форман ушбу дастур тугрисида кизиқарли шарҳ билдирган. Унинг сузларига қура, АҚШнинг давлат бошқарувида АКТни ривожлантиришга доир саъй-ҳаракатлари шунчаки эмас ва ўзида ахборотни Интернетта шунчаки илиб қўйишни ифодаламайди. «Федерал ҳукумат ҳозирнинг ўзидаёқ 33 миллиондан ортиқ Web-саҳифадан ва 22 000 Web-сайтдан иборат булган улкан Web-ресурсларга эга, – дейди Марк Форман. – Биз истеъмолчилар учун хизматларнинг паст даражасини чиroyили пешлавҳа билан тусишга ва эски тартиб-қондалар билан янги кийёфани намoён қилишга ҳаракат қилаётганимиз йўқ».

«Биз, – дейди у, – биз барча зарур булмаган нарсаларни гезрок олиб ташламоқчимиз. Масалан, иқтисодий ривожланиш учун грант олишга буюртманoма бериш тартиб-қондасини содалаштириш учун (бугунги кунда ушбу тартиб-қонда бирлашмалардан 250 федерал бошқармаларда 1000дан ортиқ шаклларни тулдиришни талаб этади) ҳар хил муассасаларнинг тизимларини интеграциялаш. Сиз яқин орада анча яхши сервисни кўрасиз. У чиroyилироқ Web-сайтга эга булганлиги учун эмас, балки биз барча ортиқча нарсаларни олиб ташлаганигимиз учун энг яхши сервисдир».

#### 9-§. Навбагдаги қадамлар нималардан иборат бўлади? «Тармоқли виртуал ҳукумат»?

1999 йилда Буюк Британия Ҳукумати дадил баёнот берди: «2008 йилга бoриб ҳукумат ташкилотлари билан асосий операциялар бугунги кунда телефонда гаплашиш ва телевизион каналларни бураш сингари оддий ва енгил бўлиб қолиши учун ҳеч бир тусиқ йўқ» (Буюк Британия ҳукуматининг «Ҳукуматни модернизациялаш» деб номланган расмий ҳужжати, 1999 йил, март, Ст 4310). Шунга ухшаш ҳолатни қўтиш АҚШнинг солиқ бошқармаси билан узаро муносабатлар билан ҳам боғлиқдир. Бундай муносабатлар «Amazon.com» Интернет дўконидан китоб харид қилиш сингари оддий бўлади». (Сэм тога технологияни

қуриқлаи оладими? Лэрри Дигнан, ZDNN компанияси, 2001 йил декабрь).

Уч йил утди ва биз ишларнинг аҳволи қандай эканлигини кўришимиз мумкин. Давлат бошқарувида АКТ ўз ривожланишида йўлнинг бир қисмини босиб утди ҳамда давлат сектори билан оқилона, самарали ва арзон, коғозсиз муносабатлар ҳақидаги ваъда сўзсиз қаттиқ реалликка дуч келди. Биз АКТ тизимини яхши ишлашга мажбур қилиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар қилиш, баҳсли ёки номақбул бўлишини (қупинча эса учала қийинчиликнинг ҳаммаси бир вақтнинг ўзида дуч келишини) биламиз. Биз янги технологиялар ва анъаналар ҳамиша ҳам уйғунликда бўлмаслигини биламиз ва одамлар оғида ва хулқ-атворида бир-нимани ўзгартириш янги кабеллар ётқизиш ва одамларнинг столита ақлли қутиллар қўйишга қараганда анча мураккабдир.

Бироқ биз шунингдек Интернет имкониятларидан фойдаланишга асосланган ўзгартириш ва яхшилашларни амалга оширишнинг муҳимлиги камайтмаслигини балким янада катта масъулият билан ёндашиш кераклигини ва баъзи бир янги гоълар ҳисобга олиниши зурурлигини биламиз. Унинг муҳимлиги яқин келажақда пасайиб қолиши дарғумон

Ушбу афзалликларни амалга ошириш вазифаларини ҳал этишда «тармоқли виртуал ташкилот» гермини билан белгиланадиган иш модели томон оғишмай ҳаракат қилишга марказий урин ажратилади. «Тармоқли виртуал ташкилот» бу ташкилотлар бирлашмаси бўлиб, улар:

- умумий бизнес-мақсадни кузлайди
- бизнес-жараёнларни мустаҳкам интеграциялайдилар
- пухта функционал ихтисослашувга асосланган
- мулкчилик муносабатлари негизда бўлиши мажбурий эмас
- коммуникацияларни жадаллаштириш ва харажатларни пасайтириш учун тармоқдан фойдаланиб...
- ... ва алоҳида катта корхоналарга қараганда юқорироқ унумдорликка эришадилар.

Бундай ташкилотнинг бўлиш мумкин варианты этиб етказиб берувчи/сотувчининг типик муносабатлари асосида ишлайдиган бир неча ташкилот ҳисобланади.

Тармоқли виртуал ташкилотга тўртта концепция асос қилиб олинган:

- ахборотнинг «манба»дан «истеъмомчи»га етказиб берилишининг тезроқ ва самаралироқ усули;

- асосий қарорларни қабул қилиш ва бажариш тезлиги боғлиқ бўладиган вақт ва масофанинг қисқариши (суз асосан «кутиш вақти»ни қисқартириш ва, бинобарин, узгараётган ҳолатларга янги имкониятларга тезкор муносабатда бўлиш ҳақида бормоқда);

- умумий манфаатлар, ресурслар ва кўникмаларга эга бўлган ҳамда умумий ишга қўшадиган улуши уларнинг ихтисослашувига (улар нимани бошқалардан яхшироқ бажарадилар) ва шарт-шароитларга (бошқалар нималарни энг яхши тарзда бажаришлари мумкин) боғлиқ бўлган мураккаблигига кўра тобора ўсиб бораётган бирлашмаларни боғлаб турувчи реал вақт режимида биргаликда ишлаш сифати ва қадриятини ошириш;

- асосий ва узгармас эътибор маркази – пировард фойдаланувчилар учун аҳамиятли бўлиш.

Бундай ташкилот доирасида сиз, балким, бундай вазифаларни бажариш фаолиятининг асосий тури ҳисобланган мутахасссларга қайта топшириладиган ишларнинг кўплаб турларини куришингиз мумкин (ушбу ҳолатда ташкилотга бевосита фойда келтирадиган фаолият асосий фаолият деб назарда тутилади). Тармоқнинг иши «ташкилот»нинг ҳар хил қисмлари қандай ишлаши, уларнинг қандай ишларни бажариши, тармоқнинг алоҳида аъзолари уртасида таваккалчилик ва фойда қандай тақсимланиши билан белгиланадиган куп сонли битимлар ва альянсларнинг шартлари билан белгиланади. Тармоқ буйича ҳамкорлар ўз фаолиятида, маълумотларнинг глобал базасидан тобора жадал фойдаланишлари ва унга ҳисса қўшишлари керак бўлади.

Давлат секториди тармоқли виртуал ташкилотнинг моделини қўллашнинг бир қанча жиҳатлари мавжуд.

Жиҳатлардан бири фуқароларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган ечимларни ишлаб чиқиш учун таклиф этилаётган хизматлар ва функцияларни интеграциялашнинг такомиллаштирилган усуллари излашнинг давом этиши билан боғлиқдир. Бу давлат бошқарувида АКТни ривожлантиришнинг «иккинчи тўлқини» замонавий татбиқ этишларнинг фарқ қилувчи белгилари ҳисобланади.

Бошқа бар жиҳат биринчи жиҳат билан боғлиқ, бироқ ҳукумат фаолиятининг бир соҳаси доирасидан ташқарига чиқади. У фуқароларга ва, албатта, жамоат бирлашмаларига хизматлар

курсатилишини таъминлайдиган тармоқни барпо этиш учун қўлаб ҳукумат муассасаларининг маълумотлар базаларини, бизнес-жараёнларини ва имкониятларини бирлаштиришнинг таъсирчан усуллари излашдан иборатдир.

#### *Чет эл тажрибасидан*

Мисол сифатида Австралиянинг энг йирик ҳукумат муассасаларидан бири бўлган Centrelinkни оламиз. Ушбу хизмат ижтимоий таъминот соҳасида хизматлар курсатиш ва дастурларни амалга ошириш учун 20та муассасанинг номидан беш йил олдин давлат муассасаси сифатида ташкил этилган эди (Австралия Иттифоқи мамлакатлари аҳолисига хизматлар курсатиш агентлиги). 24 мингдан ортиқ ходимларга ва бутун мамлакат бўйлаб 1000 та хизмат курсатиш марказларига эга бўлган хизмат бир йилда Австралиянинг 6 миллион аҳолисига 50 миллиарддан ортиқ Австралия доллари тулайди.

Centrelink ташкилоти ҳукуматга қарашли бўлмаган жамоат ташкилотлари билан муносабатлар ўрнатган. Ушбу ташкилотлар ҳозирги вақтда оилаларга ва фуқаролар гуруҳларига ижтимоий таъминот соҳасида бир қанча асосий хизматларни курсатмоқда. Centrelink ташкилотининг режаларида оилалар ва алоҳида фуқароларга уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш учун муомаланинг ягона ва оддий усулини, ижтимоий қўллаб-қувватлашга бўлган ҳуқуқни курсатиш имкониятига эга бўлиш ва сўнгра зарур ёрдам курсатиш учун тарқоқ ҳодаги йирик ва майда жамоат бирлашмалари тармоғи билан бирлашиш бор.

Centrelink ташкилотининг ҳар хил ҳаётий вазиятларда турли ёш тоифасига кирадиган одамларда пайдо бўладиган узига хос муаммоларни ҳал этишга мўлжалланган ҳар хил хизматларни ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш вариантларини таклиф этувчи тармоқнинг бир қисми сифатида уз ролини белгилаб олиш ушбу ташкилот учун ишнинг бошланиши ҳисобланади. Ишга жойлаштириш муаммолари («Сиз иш излаяпсизми?») оилавий муаммолар («Сиз ота-онами ёки васиймисиз?», «Сиз яқинда ажрашганмисиз?») ёки иммиграция муаммолари («Сиз доимий яшаш учун Австралияга яқинда келдингизми?») диққат-эътибор марказида бўлиши мумкин.



Узлуксиз ривожланаётган хизматлар ва қуллаб-қувватлаш тармоги уларнинг тажрибаси ва ресурсларини бирлаштирган ҳолда бошқа ташкилотларнинг тармоқлари билан қушилиш ҳисобига ўсиб бориши мумкин. Бирлашма хизматларнинг энг хилма хил соҳаларига дахл қилиши керак – ушбу мисолда ташкил этилаётган «тармоқли виртуал ташкилот» ишга жойлаштириш, соғлиқни сақлаш, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш, молиявий операциялар ва таълим соҳалари тармоқларини ўз ичига олади. Ва ушбу модел янада мураккаб бўлиши керак, чунки ушбу тармоқлар нафақат федерал, балки давлат ва муниципал даражаларда ҳар хил ресурслар ва ташкилотларни бирлаштириши керак.

Хусусий секторда бўлгани сингари ривожланган мамлакатларнинг давлат секториде Интернет ва web-қарорлардан фойдаланишнинг бошланиши ҳозирнинг узидаёқ харажатларнинг анча қисқаришига ва самарадорликнинг ошишига олиб келди. Шу сабабли ушбу ечимларда фойдаланиш кенгайтириши ва улар такомиллаштирилиши баробарида самарадорликнинг ошиши давом этаётганлигини сезишимизни ва давлат бошқарувида АКТни янада ривожлантириш ҳақиқатан ҳам муваффақияли бораётганлигига ишонч ҳосил қилишимизни кутишимиз табиийдир.

Давлат бошқарувида АКТ тизимларининг иши сузсиз фуқароларнинг янги татбиқ этишлар ва ечимлардан фойдаланиши кенгайтишини ва қониқлиқ даражаси ошишини таъминлайди. Ушбу ечимларни ишлаб чиқишда хатолар бўлиши камайиши зарур. Фуқароларнинг ҳукумат органлари билан операциялари янада тезроқ, арзонроқ ва енгилроқ бўлади.

Фуқаролар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлат сиёсатида ва бошқарув тартиб-қоидаларида иштирок этиши сифатини такомиллаштириш учун Интернет ва web-қарорлардан фойдаланишга доир кенгроқ экспериментлар утказилиши кутилиши мумкин.

## 5-боб. Утиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда давлат бошқарувида АКТ

Кейинги ун беш йилда утиш иқтисодиётиги купчилик мамлакатларда маъмурий тизим ва давлат хизматини ислоҳ қилиш у ёки бу шаклда амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳот давлат аппарати иши самарадорлигини оширишга, ҳукумат ишининг очиқ-ошкоралигини кучайтиришга, қарорлар қабул қилишда фуқароларнинг ролини оширишга йўналтирилган.

Бошқарув жараёнида замонавий ахборот технологияларини интеграциялаш давлат секторидаги ислоҳотларга кўмаклашадиган

*Утиш иқтисодиётига эга бўлган  
купчилик мамлакатларда ҳозирги  
кунда Ўзбекистонда ҳал этила-  
ётганга ўхшаш тоталитар маъму-  
рий-буйруқбозлик тизимидан де-  
мократик ҳуқуқий давлат бошқару-  
вига ўтиш вазибаларни ҳал этишга  
тўғри келади*

воситалардан биридир. Энг янги компьютер технологияларини тулиқ кўламда жорий этиш асосида давлат органлари ишини трансформация қилиш «Давлат бошқарувида АКТ тизими» концепциясида расмийлаштирилди. Бу ривожланган мамлакатлар тажрибаси билан тасдиқланади. Бун-

да гап давлат органлари тузилишининг реинжиниринги, яъни «бошқарувнинг бюрократик моделдан давлат бошқаруви органларининг таълим берадиган ташкилий моделига» ўтиш ҳақида бормоқда (Ж. Бургон, ССМД президенти, Канада) Ахборот технологиялари давлат бошқаруви органларининг юқори сифатли хизматларидан фуқароларнинг фойдаланиши имкониятини беради ва ушбу хизматлар қийматини камайтиради, бошқарув самарадорлигини оширади, ҳокимият органларида қарорлар қабул қилиш жараёнларини ахборот билан таъминлашни юқорироқ даражага кўтаради.

Жаҳон тажрибасининг ушбу қисмини қуриб чиқиш биз учун нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир, чунки ўтиш иқтисодиётиги купчилик мамлакатларда тоталитар маъмурий-буйруқбозлик тизимидан демократик ҳуқуқий давлат бошқарувида ўтишнинг ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳал этилаётганга ўхшаш вазибаларини ҳал этишга тўғри келади.

## 1-§. Асосий хусусиятлари

Режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига муваффақиятли ўтишнинг асосий шартларидан бири давлат сектори миқдорини қисқартиришдан, шунингдек ҳукуматни таркибий қайта қуришдан ва бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ институционал функцияларни қайта белгилашдан иборатдир. Бу ўринда ахборот технологиялари ёрдам бериши мумкин. Масалан, жамоатчилик билан алоқа қилиш ва аҳолига ахборот беришнинг янги канали сифатида Интернет порталнинг жорий этилиши анчагина давлат хизматчиларини бўшашиб олиш ва қайта ўқитиш учун йўллаш имконини беради. Бунда АКТни жорий этиш эскирган функционал тизимларни интеграциялаш ва оптималлаштириш ҳисобига давлат тузилмалари ишини содалаштиришга ва уларнинг таъминотига сарфланадиган харажатларни қисқартиришга йўналтирилган.

Давлат органлари фаолиятининг етарлича ошқора эмаслиги ва аниқ белгиланган функцияларнинг йўқлиги ҳар хил суистеъмоллар учун шарт-шароитлар

яратади ва фуқароларнинг ҳокимият органларига ишончсизлигини келтириб чиқаради. Фуқаролар ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиб давлат органлари фаолиятини назорат қила оладилар. Бу давлат тузилмалари ишининг ҳисобот беришини оши-

*Утиш мамлакатларида давлат бошқарувида АКТни жорий этиш лойиҳалари эскирган функционал тизимларни интеграциялаш ва оптималлаштириш ҳисобига давлат тузилмалари ишини содалаштиришга ва уларнинг таъминотига сарфланадиган харажатларни қисқартиришга йўналтирилган*

ради. Очiq ахборот ресурслари ташкил этилиши, давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ва маъмурий ахборотларига киришнинг кенгайиши, давлат регистрлари ва маълумотлар базалари ташкил этилиши давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг очiqлиги ва ошқорлигини таъминлайди ҳамда аҳолининг хабардорлигини оширади.

Давлат органларининг ошқоралиги, ўз навбатида бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнида фуқароларнинг иштирок этиши имкониятларини кенгайтириш йўли билан давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг янги тури барпо этилишига

кумаклашади. Ушбу муносабатлар режали иқтисодиётда мавжуд эмас эди ва эндиликда уларнинг қарор топиши учун расмиятчилик гусиқларини, ортиқча тартибга солишларни ва демократик кадриятларга етарли бўлмаган тарафдорликни енгиб утиш зарур бўлади.

Ички идоравий ва идоралараро ҳужжаглар айланишини электрон форматга утказиш давлаг аппарати таъминоти харажатларини қисқартириш имконини беради. Эстония мисоли ибратлидир. Ушбу мамлакатда Вазирлар Маҳкамаси мажлислари қоғозсиз утказилади. Ушбу амалиёт эстон давлатига қоғоз ва ҳужжатлар нуҳасини кучириш харажатларини қисқартириш ҳисобига 184 000 евроин тежайдн.

Бундан ташқари, фуқаролар Интернет портал воситасида *онлайн* давлат хизматчисига савол ёки буюртма билан мурожаат қилиш имкониятига эга бўлиб идорага қуп марталаб қатнаш ва йулакларда кутиш урнига амалдорлар билан анчагина тезроқ тартибда узаро алоқа қиладиар. Афсуски, утиш иқтисодиётеили мамлакатларнинг давлат порталлари қупинча ахборотнинг номунтазам (камдан-кам) янгилаиши, маълумотларнинг тўлиқ тақдим этилмаслиги ва фуқароларнинг уз суровига жавоб олишининг кафолати йуқлиги сннгари ножоиз белгилар билан тавсифланади.

## 2-6. Муаммолар

Шарқий Европанинг собиқ социалистик мамлакатлари ва МДХ мамлакатларининг ахборот технологияларини жорий этиш

*Ривожланган мамлакатларнинг муваффақиятли ечимларини шунчаки узлаштириб олиш утиш иқтисодиётеи давлатларида ҳам ана шундай натижалар беради деб уйлаш муайян адашиш бўлур эди*

тажрибасини кўриб чиқишда бир қанча ўзига хос омилларни ҳисобга олиш зарур. Утиш иқтисодиётеига эга бўлган ҳар бир мамлакат узининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларига эга. Бундан ташқари,

бюджет маблағлари тақчиллиги билан биргаликда, ушбу мамлакатларда коммуникация инфратузилмаси қупинча сусг ривожланган бўлади ва АКТ соҳасида қонунчилик мавжуд бўлмайдн. Ва, албатта, ҳар бир мамлакатда мамлакат ривожланиши йуналишларини таниашга таъсир курсатадиган уз ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ўзига хос тарафлари бўлади.

Шу сабабли ривожланган мамлакатларнинг муваффақиятли ечимларини шунчаки ушлаштириб олиш утиш иқтисодиёти давлатларида ҳам ана шундай натижалар беради деб уйлаш муайян адашиш булур эди. Шу билан бирга давлат бошқарувида АКТни ривожлантириш даражаси бўйича етакчилик қиладиган мамлакатларда бундай лойиҳаларни амалга оширишнинг кенг тажрибаси тупланган. Ушбу тажрибани утиш иқтисодиётли давлатнинг шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда мослаштириш шартини инобатга олиб қабул қилиш мумкин.

Давлат бошқаруви АКТ тизимларини яратиш соҳасида минтақавий ҳамкорлик ривожланаётган мамлакатлар ва утиш иқтисодиётли мамлакатлар учун тусиқларни енгиб утишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шарқий Европада Европа Иттифоқи органлари ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда бундай тизимларни ривожлантиришнинг бир қанча минтақавий гашабуслари мавжуд: «eEurope+» чора-тадбирлар дастури, «eSEurope» минтақавий чора-тадбирлар дастури, Жанубий-Шарқий Европада телекоммуникациялар масалалари бўйича агентлик, «Smart Government» жамгармаси. Бундай лойиҳалар ижобий тажрибани ёйиш ва натижалардан биргаликда фойдаланиш имкониятини беради. Минтақавий ҳамкорлик дастурлари утиш иқтисодиётига эга булган ва ривожланаётган шароитда ўзини яхши курсатди, чунки ушбу мамлакатларнинг иқтисодиёти ривожланиши даражаси ҳамма вақт ҳам етарлича пул ва одам ресурсларини қидириб топиш имкониятини бермайди.

Қуйидаги жадвалда (2-жадвал) утиш иқтисодиётли мамлакатларда давлат бошқарувида АКТни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш жараёнига хос булган асосий муаммолар курсатилган.

2-жадвал

Соҳа	Муаммолар	Оқибатлари
Институционал жиҳатлар	- Режалаштиришнинг самарасизлиги - Мақсадларнинг ноаниқлиги	- Тизимларни номуқобил лойиҳалаштириш - Тизимларнинг иқтисодий самарасизлиги
Инсон ресурслари	- Малакали мутахассислар	- Тизимни қўллаб-қувватлашнинг

	етишмаслиги - Профессионал уқитишнинг йуқлиги	самарасизлиги - замонавий технологиялар яратиш манбалардан узилиб қолганлик
Молиялаштириш	- Лойиҳалар қийматини етарлича баҳоламаслик - Харажатларни қоплаш мавжуд эмаслиги	- Лойиҳаларнинг туғалланмаганлиги - Тизимларга қўшимча ишлар қийматининг юқорилиги
Ички муҳит	- АКТнинг ривожланган миллий ишлаб чиқариш базаси мавжуд эмаслиги - Бозорда АКТнинг	- Тизимнинг малакали техник қўллаб- қувватланмаслиги - Жорий этишдаги
	таниқли етказио берувчилари йуқлиги - АКТни қўллаб- қувватлашни таъминлайдиган сервис компаниялари йуқлиги	қўшимчиликлар
Технологиялар	- Асбоб-ускуналар ва дастурий таъминлаш турларининг чекланганлиги - Зарур дастурий таъминиашнинг йуқлиги	- Ҳар хил тизимларнинг номувофиқлиги - Буюртмали тизимларга ҳаддан ортиқ таяниш

Утиш иқтисодийтеги мамлакатларда давлат бошқарувида АКТ лойиҳаларини бажариш учун молиявий маблаглар етишмаслиги билан боғлиқ вазиятни Ахборот, коммуникация ва бошқарув технологиялари буйича мувофиқлаштирувчи марказ мувофиқлаштирувчиси (София, Болгария) И. Георгиев қуйидагича шарҳлайди<sup>23</sup>: «Ҳагто иқтисодий энг ривожланган мамлакатларда ҳам йирик лойиҳалар ва мураккаб

<sup>23</sup> Марканин Европа электрон ҳукумат сари бормоқда. «Государственное управление в переходных экономиках», Бюллетень LGI, 2003.

ташаббуслар бажарилмасликка маҳқум этилган. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) ҳукуматларга кичикроқ, бошқариладиган лойиҳаларни амалга ошириб бундай катта лойиҳаларни ишга туширишдан қочишни таклиф этади. Собик коммунистик мамлакатларда молиявий ресурслар анча кам; маҳаллий ҳукуматлар давлат бошқарувида АКТга қўйилган ўз инвестициялари қайтарилиши масалаларини айниқса пухта уйлаб қуришлари зарур. Алоҳида мақсадларга эришиш учун ресурсларни жамлаш фойдали. Бу чекланган молиявий ресурсларни энг самарали тарзда сарфлаш имконини беради».

Компьютер технологияларидан фойдаланишнинг имконияти мавжуд эмаслиги ҳамда улардан фойдаланишнинг асосий билимлар ва куникмаларнинг йўқлиги АКТ тизими муваффақиятли фаолият курсатишнинг жиддий тусиқларидан бири ҳисобланади. Чунки одамларда қулай ва сифатли давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас экан, уларни ташкил этишга сарфланган саъй-ҳаракатлар ва маблағларнинг самараси бўлмайди. Интернетга кириш қийматини пасайтириш ва ахборот технологияларига ўқитишни ташкил этиш йўли билан бунга қарши курашиш зарур. Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктлари (Интернет-киоскалар) ташкил этиш йўли билан ушбу муаммони қисман ҳал этиш мумкин. Ушбу амалиёт Эстония, Сингапур сингари мамлакатларда муваффақиятли қўлланилмоқда. Жамоа бўлиб фойдаланиш шаҳобчалари кутубхоналарда ёки почта бўлимларида жиҳозланиши мумкин.

Бевосита ижрочиларнинг, яъни давлат хизматчиларининг ислоҳ қилишнинг мазмуни ва йўналишларини тушуниши муваффақиятнинг муҳим шартлари ҳисобланади. Амалдорларда ушбу жараёнга қизиқишнинг йўқлиги, трансформацияловчи жараёнларга яширин қаршилик курсатиш (ёки кучсиз қаршилик курсатиш) «электрон бошқарув» режимига ўтишни жуда қийинлаштиради. Давлат органлари АКТнинг имкониятларини ва ҳокимият тузилмалари, аҳоли ва бизнес ўртасида муносабатларнинг янги типини йўлга қўйиш учун уларни қўллашнинг муҳимлигини англаб етишлари зарур.

### 3-8. Давлат бошқарувида АКТни жорий этишни ривожлантириш ташаббусларининг ҳолатини тадқиқ этиш натижалари

Жаҳонда давлат бошқарувида АКТни ривожлантиришнинг ҳолатини баҳолаш мақсадида яқинда таҳлил ўтказилди ва уч қисмдан иборат баҳолаш негизида БМТга аъзо бўлган давлатларда ривожланиш

индекси аниқланди. Бу уч қисм қуйидагилардан иборат: давлат органиларининг Интернетда ҳозир бўлиши, телекоммуникация инфратузилмасининг ҳолати ва одам ресурсини ривожлантириш даражаси. Ушбу индекс бўйича мамлакатлар натижаларининг тақсимланиши уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланиши даражасига мувофиқ келади.

Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари индекслари қуйидагича тақсимланди:

Чехия	2.09	Словения	1.66
Эстония	2.05	Болгария	1.33
Польша	1.96	Қозоғистон	1.28
Россия	1.89	Ўзбекистон	1.10
Украина	1.80	Қирғизистон	1.01
Венгрия	1.79		

Ҳатто ривожланишнинг энг юқори индексига эга бўлган Чехия ва Эстония жаҳоннинг етакчи давлатлари бўлган АҚШ (3.11), Австралия (2.60), Янги Зеландия (2.59) ва Сингапур (2.58) дан жиддий равишда орқада қолаётганигини куриш қийин эмас.

Бироқ шунга қарамай, ўтиш иқтисодиётили жамиятларнинг АКТ лойиҳаларини жорий этишда етакчилик қилаётган мамлакатлардан орқада қолиши ташвишлантирадиган ҳолат эмас. Бу яқин ун йиликда уни бартараф этишнинг мутлақо реал истиқболлари ҳақида гапириш имконини беради.

Энди Шарқий Европа ва МДХ мамлакатларининг айримлари мисолида ушбу мамлакатларда давлат бошқарувида АКТ лойиҳаларини жорий этиш тажрибасини куриб чиқамиз.

#### 4-§. Шарқий Европа мамлакатларида давлат бошқарувида АКТни жорий этиш

**Чехия.** Чехияда АКТни давлат бошқарувида жорий этиш Шарқий Европадаги энг юқори даражалардан бирида туради. Кейинги бир неча йилда Чехия улкан муваффақиятларга эришди ва минтақада етакчи давлатга айланди. Чехиянинг яқин орада Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан ҳукумат Чехияда телекоммуникацияларни ва ахборот жамиятини янада ривожлантиришнинг йўналишларини белгилаб берувчи ягона ҳужжатни ишлаб чиқди. Ушбу ҳужжат «Ахборот ва коммуникациялар соҳасида давлат сиёсати – Э-Чехия 2006» деб номланади. Ҳужжат «Электрон Европа 2005: Барча учун ахборот жамияти» Иш режаси мақсад ва талабларига йўналтирилган, бироқ Чехия Респуб-

ликасининг алоҳида эҳтиёжларига жавоб беради. Ҳужжатда қуйидаги услуворликлар ажратиб кўрсатилган: коммуникация хизматларидан фойдаланиш мумкинлиги ва уларнинг хавфсизлиги, аҳолининг ахборот саводхонлиги, тармоқ орқали давлат хизматлари кўрсатиш ва электрон тижоратнинг тадрижий ривожланиши учун муҳит яратиш. АКТ лойиҳаларини молиялаштиришда хусусий сектор ҳамда давлат-хусусий шериклик дастурлари деб аталадиган дастурларнинг маблағлари катта урин тутиши лозим. Бундан ташқари, Европа Иттифоқининг ҳар ҳил дастурлари ва жамғармаларига аъзолик Чехияга лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш имконини беради.

2003 йил октябрь ойида Чехиянинг ҳукумат портали – «Давлат бошқаруви портали» очилди. Портал ҳукумат хизматларига киришнинг ягона нуқтасини тақдим этади. Портал ахборотни излаш ва давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан алоқаларининг таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилади. Портал Ахборотлаштириш вазирлиги томонидан ташкил этилган ва қўллаб-қувватланади. Портал қуйидаги хизматларни кўрсатади; Чехия ва Европа қонунчилиги бўйича маълумотлар базасига кириш, марказий, минтақавий ва маҳаллий органлар билан алоқа қилинадиган ахборот, фойдаланувчининг ҳаёти даврига мулжалланган портал хизматлари бўйича «Your Life» (Сизнинг ҳаётингиз) деб аталадиган йул кўрсатувчи мавжуд. 2003 йил охирига бориб кўпроқ хизматлар кўрсатишга эришиш, порталнинг инглиз тилидаги версияси ва хорижий фуқаролар учун ахборот режалаштирилган эди. Лойиҳанинг қиймати – бир йилга 40 млн крон (бир йилга 1, 26 млн евро).

2003 йил январь ойидан бошлаб солиқ тўловчилар солиқларнинг айрим турлари (қўшилган қиймат солиғи, кўчмас мулк солиғи, йул йиғими) бўйича электрон шаклда декларация топширилиши мумкин. Шунингдек порталдан жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган тўловлари тўғрисидаги билдиришнома ва умумий ҳужжатларни топшириш сингари умумийроқ масалалар бўйича солиқ амалдорлари билан алоқада бўлиш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун Молия вазирлигининг махсус портали ташкил этилди. Ушбу портал «Солиқ маъмурияти учун ҳужжатларни электрон тақдим этиш» (ЕРО) деб номланади. Портал хизматларидан икки усулда: электрон имзо билан ва электрон имзосиз фойдаланиш мумкин. Кейинги ҳолатда электрон ҳужжатга одатдаги қоғозда тайёрланган ҳужжат илова қилиниши керак. Ушбу усулнинг нисбатан фойдаси шундаки, ҳужжатнинг фақат электрон версияси тўддирилади, яъни бу фақат бир

марта амалга оширилади, шунингдек электрон версия тақдим этилган кун ҳужжат берилган расмий сана ҳисобланади, «қоғоз» нусхани эса яна уч кун мобайнида тақдим этиш мумкин.

Электрон имзони сотиб олиш (25 еврога яқин) ва Интернетга уланиш қиймати ушбу тизимни қўллашда солиқ тўловчилар учун асосий харажатлар ҳисобланади. Афзаллиги эса солиқ органлари билан тезроқ ва самарали ўзаро ҳамкорлик қилишдадир. Ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимини жорий этишда солиқ маъмурияти анча катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Тизимнинг маъмурлари меҳнатига ҳақ тўлаш, аппаратлар билан таъминлаш ва тармоқ ускуналари, шунингдек зарур дастурий таъминлаш анчагина маблағларни талаб этади. Солиқ органлари солиқ маъмуриятининг тизими ичида меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини тежайди.

**Венгрия.** 2002 йилда Венгриядаги марказий давлат бошқармаси деярли тулиқ компьютерлаштириди. Компьютерларнинг деярли 70 фоизи тармоққа уланган ва бир неча вазирликлардан ташқари уларнинг барчаси веб-сайтларга эга. Бироқ фойдаланувчилар сони озлиги туфайли давлат бошқарувида АКТ лойиҳалари самарадорлиги етарлича эмас. Венгрия уй-ҳўжаликларида Интернетнинг ёйилиши – 9%, бу Европа Иттифоқидагига ва ҳатто минтақадагига қараганда анча паст. Венгрияда Интернетдан фойдаланиш даражасини ошириш компьютерлардан кўпроқ фойдаланиш мумкинлигини ва компьютер саводхонлигини ёйиш мақсадидаги маърифатпарварлик ишларини ва аҳоли учун технологияларнинг жалб этувчанлигини кучайтиришни талаб этади.

2003 йил ноябр ойида ҳукумат 2001 йилда қабул қилинган «Ахборот Жамиятининг Миллий Стратегияси»ни алмаштирган «Венгрия Ахборот Жамияти Стратегияси»ни (MITS) қабул қилди. MITS Европа стандартларига мувофиқ келади, бироқ Венгриядаги вазиятга ҳамда Венгрияда ишловчи экспертлар ва маъмурларнинг хулосаларига асосланади. Стратегиянинг устувор йўналишларидан бири – АКТни давлат бошқарувида жорий этиш.

«Э-Венгрия 2004-2006» дастури асосан Венгрия ва Европа Иттифоқининг нотенглигини қисқартириш механизми сифатида ўйланган эди. Яқин йилларга мулжалланган асосий вазифалардан бири – Интернетнинг ёйилиши даражасини Европа даражасига кутариш. Дастурда давлат маъмуриятини ахборотлаштиришга бағишланган бўлим мавжуд. Унда уч йил мобайнида фуқаролар ва корхоналар электрон шаклда фойдаланишлари мумкин бўлган хизматлар саналган. Шунингдек 2003 йил охиригача маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг

барча органлари ахборот коммуникациялари воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак эди. Тармоққа қўшилиш нафақат маҳаллий аҳоли билан алоқа қилишда фойдали бўлиб қолмасдан, балки туризмни ривожлантиришда ва инвестицияларни жалб этишда ҳам фойдалидир.

Ҳукуматнинг янги портали ([www.magyarorszag.hu](http://www.magyarorszag.hu)) 2003 йил баҳорда ишга тушурилди. Портал манзилларни руйхатдан ўтказиш, ҳайдовчилик ҳуқуқларини узайтириш ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномага ўзгартириш киритиш каби қирқдан ортиқ интерактив хизматлар кўрсатади. Шунинингдек солиқ ҳисоботларининг электрон тизимин барпо этиш куриб чиқилмоқда. Венгрия ҳукумати фойдаланувчиларни идентификациялаш, смарт-карталар инфратузилмасини ташкил этиш, электрон хизматлар кўрсатиш учун бир қанча ишларни амалга оширди. Ички ишлар вазирлиги Ахборот коммуникация вазирлиги билан биргаликда смарт-карталарни бошқаришнинг сертификацияланган маркази ташкил этилиши учун жавоб беради.

Қўйилаётган маблағлар ҳажми ҳам Венгриянинг ахборот технологияларини ривожлантириш ғояларига содиқлиги даражасидан далолат беради. Ахборот жамиятининг миллий дастурига ва Электрон ҳукумат дастурига бир юз олтимиш беш миллион евро ажратилган.

Венгрия ҳукумати давлат бошқарувида АКТ бўйича қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча қонунлар ва ҳужжатларни қабул қилди. Булар – Электрон имзо тўғрисидаги қонун (2001), Электрон тижорат тўғрисидаги қонун (2001), Электрон имзонинг ҳукумат тизими тўғрисида Фармон ва Ҳукумат қарори, Давлат бошқарувида АКТ учун асосий инфратузилма бўйича Ҳукумат қарори ва Электрон етказиб беришлар тўғрисида Ҳукумат қарори. Ҳукумат томонидан электрон хизматлар кўрсатишни, электрон овоз бериш ва ҳужжатларнинг электрон айланишини яхшилашга қаратилган янги қонунлар ишлаб чиқилмоқда.

Венгриянинг кўпчилик давлат органлари ўз веб-сайларига эга, уларда фойдаланувчиларга етарлича ахборот тақдим этилади. Корхоналар ва кўчмас мулк бўйича реестрлар, статистика ахбороти ва бошқаларни Интернет орқали олиш мумкин. Бироқ ушбу ахборот ҳажмини бошқариш давлат секторида яхши ҳолатда эмас. Кўплаб параметрлар бўйича маълумотларни умуман олиб бўлмайдди, ёхуд улар компьютер форматида ишлов бериб бўлмайдиган тарзда бўлади. Бунинг устига маълумотлар кўпинча ҳар хил идоралар томонидан такрорланади, бу маблағлардан ноқиллона фойдаланишга олиб келади.

Ушбу муаммони ҳал этиш учун АКТ бўйича Вазирликлараро қўмита ушбу маълумотларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш ва ушбу сиёсатни қўллаб-қувватлайдиган воситаларни ишлаб чиқиш мақсадида маълумотларни Бошқариш бўйича Техник қўмита (DMTC)ни ташкил этди. DMTC давлат ахборот ресурсларининг каталогини лойиҳасини тайёрлади («Kikeres» лойиҳаси). Бу тизим мавжуд маълумотлар тўғрисида метамаълумотлар (маълумотлар ҳақидаги маълумотлар)ни тақдим этади. Бу зарур ахборотни излашни осонлаштиради ва барча учун умумий бўлган маълумотлар форматини жорий этади.

**Словения.** Словенияда 2001 йил январь ойида Ахборот жамияти масалалари бўйича вазирлик ташкил этилди. Ушбу вазирлик ахборот жамиятини ривожлантириш масалалари билан шуғулланади. 2002 йил баҳорда Вазирлик «Словения Республикасида ахборот жамияти» миллий дастурини ишлаб чиқди. Дастур давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти иқтисодиёти ва уни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини белгилаб берувчи ҳужжат ҳисобланади.

Словения Европа Иттифоқининг етакчи давлатларидан ва ҳатто уртача Европа даражасидан орқада, бироқ айрим кўрсаткичлар бўйича Словения қўйилган натижаларга эгадир. Словениянинг икки миллионли аҳолисининг учдан бир қисми шахсий компьютерга эга, уларнинг ўттиз фоизи Интернетга қўрилади. Словения янги ички маҳсулотнинг анчагина қисмини АКТни ривожлантиришга ажратади (ушбу кўрсаткич Европа Иттифоқига қўришга номзод мамлакатлар орасида энг юқори, бироқ уртача Европа даражасидан паст кўрсаткич), бироқ бу етарли эмас.

Ҳукумат ахборот маркази томонидан тайёрланган «2001-2004 йилларда Словения Республикасининг давлат маъмуриятида электрон тижорат стратегияси» Словения давлат маъмуриятининг ахборот жамиятига ўтиш бўйича барча ишлар ва лойиҳалар учун асос бўлиб хизмат қилади. 2003 йил январь ойида Словения ҳукумати «2003-2004 йилларда Электрон Ҳукумат соҳасида Ишлар режаси» ни тасдиқлади. Режа узида эришилган натижаларни ҳисобга олган ҳолда Стратегияга тузатишларни, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари мониторингини ва давлат бошқарувида АКТ масалаларини қўллаш бўйича Европа Иттифоқи курсатмаларини ўз ичига олади. Режада электрон хизматлар, 2004 йилгача АКТни жорий этиш мақсадлари ва вазифалари ҳамда лойиҳаларни жорий этиш ва улар мониторингини олиб бориш

механизмлари белгиланган. Ҳозирги вақтда давлат муассасаларининг амалда юз фойизи Интернетга уланган.

Словения очик кодларга эга дастурий таъминотга нисбатан расмий сиёсатни тасдиқлаган яна бир Европа давлати ҳисобланади. Ахборот жамияти вазирлиги томонидан тайёрланган ушбу ҳужжат ҳам ҳукумат муассасалари ҳам бошқа давлат ташкилотлари ва хусусий ташкилотлар томонидан очик дастурий таъминотдан фойдаланиш бўйича аниқ курсатмаларни тақдим этиши керак. Ҳужжатда тайёр дастурий таъминотнинг хавфсизлигини ошириш мақсадида очик дастурий таъминотдан, очик стандартлар ва протоколлардан фойдаланиш куллаб-қувватланади. «Сиёсат» давлат муассасаларини сотиб олинадиган дастурий таъминотга нисбатан бетарафлик нуқтаназарида бўлишга чақиради. Ушбу ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан Европа ва ундан ташқаридаги очик кодли дастурий таъминотга нисбатан расмий сиёсатни тасдиқлаган мамлакатлар сафига қўшилди.

*Эстония.* Собиқ совет республикаларидан Эстонияда давлат бошқарувида АКТ энг интенсив ривожланмоқда. Эстония электрон бошқарувни ва электрон тижоратни ривожлантиришга ғайрат-шижоат билан киришди ва Жаҳон Иқтисодий Форумининг маърузасида билдирилган баҳоларга биноан бугунги кунда электрон тайёргарлик бўйича 82 мамлакат ичида саккизинчи ўринда туради. 2000 йилнинг ўзидаёқ давлат тузилмалари компьютер техникаси билан тулик таъминланди, компьютерларнинг туқсон фойизи гармоқларга уланди.

Эстония ҳукумат портали ([www.riik.ee](http://www.riik.ee)) 1998 йилдан фаолият курсатади ва Эстония Республикасининг вазирликлари ва идоралари сайтларига киришнинг ягона шахобчаси ҳисобланади. Эстон тилида ахборот бериш билан бирга маълумотларнинг бир қисми нунингдек рус ва инглиз тилларида тақдим этилади. Порталга кирувчилар давлат органлари билан узаро алоқада зарур бўлган бланкалар ва шаклларнинг PDF версияларини ёзиб олишлари мумкин. Порталнинг «Бугун мен қарор қиламан» деб аталадиган кичик бўлимларидан бири қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқароларнинг ишгирок этиши даражасини оширишга қўмақлашниш мақсадини қўзғайди. Порталга кирувчилар вазирликлар томонидан ишлаб чиқилган қонулар лойиҳаларига нисбатан ўз фикрлари, гоълари ва мулоҳазаларини билдиришлари мумкин. Агар гоь бошқа порталга кирувчилар томонидан қўллаб-қувватланса, у Бош вазирнинг резолюцияси билан ижро этиш учун тегишли давлат органига берилади.

Тармоқ бўйича солиқ декларациялари бериш хизмати ишлайди. Унинг ёрдамида солиқ туловчилар online солиқ декларацияларини яратишлари, кўздан кечиришлари ва уларга тузатиш киритишлари ҳамда қушилган қиймат солигини қоплашга буюртмалар беришлари, солиқ ҳисоб рақамлари балансини кўздан кечиришлари мумкин. Солиқ кўмитасининг сайтига кириш учун электрон ID (identification – шахсни аниқлаш) карталардан фойдаланиш мумкин. Электрон ID карталар Эстонияда 2002 йил январь ойидан бошлаб чиқарилади ҳамда барча фуқаролар ва 15 ёшдан катта бўлган доимий резидентлар учун мажбурий ҳисобланади. Карталар асосий идентификацияловчи ҳужжат ҳисобланади ва давлат органлари ва тижорат тузилмалари, жисмоний шахсларнинг узаро алоқасининг барча турларида қулланади. ID картада, жумладан, код эгасининг номи ва шахсий коди билан бирга иккита шифрланган сертификат ҳамда юридик жиҳатда ҳақиқий рақамли имзо мавжуд бўлади.

Ҳар бир давлат органи тўғрисида батафсил ахборот мавжуд бўлган ҳукумат порталига қушимча равишда фойдаланувчиларга мўлжалланган «Ахборот портали» мавжуддир. Сайт у ёки бу муассасанинг тузилмаси ва функцияларини муфассал баён этмайди, бироқ Эстония аҳолисига қандай муассаса ва қай тарзда фойдали бўлиши мумкинлигини тушунтиради. Ахборот портали Эстония аҳолисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида амалий ахборот тақдим этади, излашни соддалаштиради ва тезлаштиради.

X-road Эстония лойиҳаси барча тармоқ маълумотлар базаларини бирлаштиради ва ўзида давлат маълумотларининг узаро алоқасини таъминлашга уринишни ифодалайди. Ушбу тизим ташкилотлар ва фуқароларга, улар бундай ахборотни олиш ҳуқуқига эга бўлганлари тақдирда Интернет орқали кўпчилик миллий маълумотлар базаларида маълумотларни излаш имкониятини беради. Тизим шахснинг идентификациясини ва транзакцияларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган ID карталарни жорий этишнинг миллий ташаббуси ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади.

Лойиҳа учун масъул бўлган асосий мансабдор шахсларнинг тайёрланганлиги ахборотлаштириш лойиҳаларининг муваффақиятида муҳим рол уйнайди. Эстония электрон бошқариш академияси – бу шу жумладан электрон демократияни ўз ичига оладиган электрон бошқарув тўғрисидаги билимларни ёйиш мақсадида ташкил этилган нотижорат ташкилотдир. Электрон бошқарув соҳасида ўқитиш ва тадқиқотлар ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатиш, шунингдек МДХ

мамлакатлари, Муғилистон, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидаги ҳамкасблар учун тажриба алмашиш имкониятини бериш академиянинг миссиясидан иборатдир. Академияда ўқитиш курси беш кун давом этади ва бир йилда бир неча марта ўтказилади.

#### 5-§. МДХ мамлакатларида давлат бошқарувида АКТ

*Россия.* Бугунги кунда Россия давлат бошқарувида АКТни жорий этиш «Электрон Россия» Федерал Мақсадли Дастури (ФМД) доирасида амалга оширилмоқда ва дастурнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу дастурни амалга ошириш 2002-2010 йиллар даврига мулжалланган ва уч босқични ўз ичига олади; I-босқич – 2002 йил, II-босқич (жорий) – 2003-2005 йиллар ва III-босқич – 2006-2010 йиллар. Биринчи, тайёргарлик босқичида Россияда АКТ соҳасидаги жорий вазият таҳлил қилинди. Дастурни амалга оширишнинг иккинчи босқичида бошқарув тартиб-қоидалари реинжинеринги (оптималлаштирилиши) ва фуқаролар, тижорат ва давлат тузилмалари учун онлайн хизматларини кейинчалик тула куламда жорий этиш учун негиз тайёрлаш вазифалари туради. Дастурни бажаришнинг учинчи босқичида Россия давлат ҳокимияти органларининг ягона ахборот инфратузилмасини шакллантириш тугалланади ҳамда давлат ахборот тармоғи ресурсларидан жамoa бўлим фойдаланиш пунктлари оммавий ёйилади. Шу тарзда ҳар бир гуруҳ учун ихтисослаштирилган онлайн хизматлари негизда фуқаролар, бизнеслар ва давлат тузилмаларининг тўлақонли ўзаро алоқаси учун асос яратилади.

«Давлат бошқарувида АКТни жорий этиш» деганда қандай аниқ саъй-ҳаракатлар назарда тутилади? «Электрон Россия» ФМД қуйидаги ишлар амалга оширилишини назарда тутати: АКТ соҳасида қонунчилик базасини ва тартибга солиш тизимини яратиш, ички ва идоралараро электрон ҳужжатлар айланишини ташкил этиш, давлат органлари ишини тармоқда эълон қилиш воситасида давлат органлари иши тўғрисида фуқароларга тулиқ ахборот бериш, бизнес-тузилмалар ва давлат органлари ўртасида ахборот оқимларни «электронлаштириш», жумладан солиқ ҳисоботини юритиш, фуқароларнинг ягона ахборот муҳитига киришларини таъминлаш.

Бугунги кунда «Электрон Россия» ФМДни амалга ошириш доирасида дастурнинг асосий йўналишлари бўйича ахборотлаштиришнинг бир қанча лойиҳалари амалга оширилган.

2001 йил декабрь ойида Электрон рақамли имзо тўғрисидаги федерал қонуннинг қабул қилиниши электрон ҳужжатлар айланишини

жорий этиш ва электрон ҳужжатлар мақомини эркинлаштириш йулидаги муҳим босқичлардан бири бўлди. Қонун электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзони қозғо ҳужжатдаги уз қули билан ёзилган имзога тенглаштирилишини белгилаб беради.

Фуқароларни давлат хизматлари ва ташкилотларининг ишнн тўғрисида хабардор қилиш мақсадида 1999 йилда Россия Федерацияси Ҳукуматининг веб-сайти – [www.government.gov.ru](http://www.government.gov.ru) ташкил этилди. Сайт Президент, Ҳукумат аъзолари, вазирликлар, давлат жамғармалари ва ҳоказолар тўғрисида ахборот тақдим этади, шунингдек Россия Федерацияси барча вазирликлари ва идораларининг веб-сайтларига киришининг ягона нуқтаси бўлиб хизмат қилади.

Россия Федерацияси солиқлар ва йиғимлар вазирлиги [www.nalog.ru](http://www.nalog.ru) порталига эга, ундан солиқ ҳақидаги қонулар, шахсий даромадларга декларация тўлдириш тартиби тўғрисидаги маълумотларни олиш, Россия солиқ ва йиғимлар вазирлигининг тузилмаси ва функциялари билан танишиш ёки форумда долзарб масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш мумкин. Солиқлар ва йиғимлар вазирлиги Россия Федерацияси алоқа ва ахборотлаштириш вазирлиги билан биргаликда 2005 йилнинг биринчи ярим йиллигида Россия солиқлар ва йиғимлар вазирлигининг корпоратив тармоғини яратиш жараёнини тугаллашни ҳамда солиқ инспекцияларини Интернет тармоғига улашни, 2005 йилнинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб электрон сўт-фактураларга ишлов беришни бошлашни режалаштирмоқда.

Аҳолининг ахборот ресурсларига кириши имконияти йўқлиги уларни лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қиммат турадиган саъй-ҳаракатларни йўққа чиқаради. 2004 йилдан бошлаб ҳар йили камида икки минг жамоа бўлиб фойдаланиш пунктларини фойдаланишга топшириш, ФМДни яқунлаш йилида (2010) эса Россиядиги почта бўлимларининг ярмидан ортиги Интернет тармоғига кириш воситалари билан жиҳозланиши режалаштирилмоқда.

*Украина.* 1998 йилдаёқ Украина Ахборотлаштириш Миллий Дастури қабул қилинган эди. Дастур доирасида дастлаб ҳокимият органларини ахборотлаштириш бўйича лойиҳаларнинг кенг доираси назарда тутилган эди. Бироқ аниқ шақллантирилмаган вазифалар, дастур ижросини мувофиқлаштиришдаги камчиликлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини барпо этиш бўйича бир-биридан ажралиб қолган лойиҳаларни бажариш ажратилган маблаглардан самарасиз

фойдаланилишига олиб келди. Натижада Украина Санок палатасининг хулосаси бўйича мамлакатда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг бошқарилиши даражасини ошириш дастурининг мақсадларига эришилмади.

2003 йилда «Электрон Украина» дастури лойиҳаси биринчи марта оммавий муҳокамага қуйилди. Дастур уч ва беш йиллик икки босқичдан иборат бўлади. Унинг бюджети тахминан 10 млрд гривен (1,8 млрд АҚШ доллари) деб баҳоланмоқда, ундан икки млрд гривенни давлат бюджетидан ажратиш режалаштирмоқда, қолган суммани тижорат маблағлари ташкил қилади. Бунда дастурни амалга оширишдан кутилаётган жами иқтисодий самара 35-38 млрд гривенни (6,6-7,1 АҚШ долларини) ташкил этиши керак. Дастур доирасида, жумладан, утказиш қобилияти 155 Мбит/сгача бўлган мультисервис АТМ-тизимга асосланган ахборот тармоғини ташкил этиш ва ишга тушириш режалаштирилган.

Жаҳон банкининг кумаги остида 2003 йилдан бошлаб Украинада «Украина – Интернет орқали ривожланиш» электрон ривожланиш дастури ишлаб бошлади. Уни амалга ошириш учун Жаҳон банки 5 млн АҚШ доллари ажратди. Мазкур кредитдан дастурнинг уч асосий қисмини: «э-бошқарув», «э-тижорат», «э-мулоқот»ни молиялаштириш учун фойдаланилади. «Э-бошқарув» қисми электрон харидлар ва электрон ҳужжатлар айланиши моделларини ташкил этишга йўналтирилган. Ушбу моделлар марказий ва минтақавий даражаларда давлат тузилмалари иши самарадорлигини оширишга даъват этилган. Э-мулоқот қисмини ривожлантириш доирасида қарорлар қабул қилиш ва давлат сўёсатини ривожлантириш жараёнида фуқароларнинг фаол иштирок этишини рағбатлантириш учун онлайн военталари ташкил этилади. Жаҳон банкнинг кредитига қўшимча равишда Украина ҳукумати дастурни молиялаштириш учун бир млн АҚШ доллари ажратишни режалаштирган.

2004 йил 1 январдан бошлаб Украинада иккита қонун: «Электрон (рақамли) имзолар туғрисида» ва «Электрон ҳужжат ва ҳужжатларнинг электрон айланиши туғрисида»ги қонулар кучга кирди. Электрон имзолар тизими инфратузилмасини ташкил этиш учун 2004 йилда 950 минг гривен, давлат муассасаларида ҳужжатлар айланишининг интеграциялашган тизимини жорий этишга – 755 минг гривен ажратилди. Бироқ реал ҳаётда электрон имзо ва ҳужжатларнинг электрон айланишидан фойдаланишни бошлаш учун ушбу тартибқоидаларни тартибга солувчи махсус орган зарур. Бундай орган

Украинада 2005 йилдан олдин ташкил этилмаслиги кутилмоқда. Ушанда электрон рақамли имзони қўллаш мумкин бўлади.

Украина Вазирлар Маҳкамасининг ахборотлаштириш лойиҳаси доирасида 2002 йил 1 ноябрда Украина Вазирлар Маҳкамаси веб-портали тақдимоги бўлиб утди. Портал ишлаб чиқишга тендерни ютиб чиққан Украина компанияси томонидан ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқиш қиймати 280 000 АҚШ долларини ташкил этди. Сумманинг катта қисми асосан Ахборотлаштириш Миллий Дастури ҳисобига Вазирлар Маҳкамаси бюджетидан қопланди. Фойдаланувчилар портал ёрдамида ҳукуматнинг фаолияти туғрисидаги янгиликларни, қонунчилик бўйича ахборотни, таҳлилий материалларни топибгина қолмасдан, балки электрон почта бўйича маслаҳат ҳам олишлари мумкин, яқин орада эса электрон имзо билан тасдиқланган ҳужжатларни олишлари мумкин. Ҳозирнинг ўзидаёқ сайтга кирувчилар электрон шаклда ҳужжатнинг шаклини ёзиб олиш ва уни тўлдириш бўйича йуриқномалар олиш имкониятига эгадирлар.

*Қозоғистон 2004 йил ноябрь ойида Қозоғистон Президенти 2005-2007 йилларда республикада давлат бошқарувида АКТ тизимларини барпо этиш давлат дастурини тасдиқлади.* Аҳолининг давлат органлари хизматларидан фойдаланиши жараёнини тезлаштириш ва соддалаштириш ҳамда давлат тузилмалари иши самарадорлигини ошириш дастурининг асосий мақсадлари ҳисобланади. Давлат дастурини амалга ошириш учун 51,9 млрд танга (қарийб 390 млн АҚШ доллари) ажратилиши режалаштирилмоқда. 2005 йил давомида давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг ун беш фоизи электрон шаклда амалга оширилади, 2006 йилда ҳужжатлар электрон айланишининг ягона тизимини жорий этиш тугалланади, 2007 йил охирига бориб эса давлат бошқарувини электронлаштиришнинг базавий қисмлари яратилади. Ягона ҳукумат портали ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

Уч йил мобайнида ҳар бир қозоғистонлик якка тартибдаги идентификацияланган калитли электрон гувоҳнома олади, унинг ёрдамида солиқларни тулаш, мулкни руйхатдан ўтказиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, харид қилиш ва бошқаларни амалга ошириш мумкин бўлади. Кенг омманинг ушбу хизматлардан фойдаланишини таъминлаш учун Қозоғистонда почта хизмати негизда жамоавий фойдаланиш пунктлари тармоғини ташкил этиш, шунингдек Интернет тармоғига уланиш тарифларини пасайтириш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, 50 дан ортиқ одам яшайдиган барча аҳоли пунктлари

телефонлаштирилади, республиканинг барча мактаблари эса Интернетга уланади.

Ҳозирги вақтда Қозоғистон Республикаси давлат органиларининг ҳужжатларининг электрон айланиши ягона тизимини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда. Давлат органиларининг ҳужжатларининг электрон айланиши ягона тизими таркибига идоравий даражадаги нимтизимлар – вазирликлар, идоралар, агентликларнинг ахборот тизимлари миллий даражадаги тизимга бирлаштирилган ҳолда киради. Ҳужжатларининг электрон айланиши ягона тизимини жорий этиш давлат органилари ахборот инфратузилмасини барпо этиш ва улар ўртасида автоматлаштирилган ахборот орқали ўзаро муомалани таъминлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур.

Қозоғистоннинг айрим давлат органилари ҳозирнинг ўзидаёқ давлат бошқарувида АКТнинг жорий этишнинг асосига айланган ахборот тизимларини ишга туширдилар. Масалан, Молия вазирлигининг солиқ қўмитасининг ривожланган ахборот тизими солиқ солиш субъектларига солиқларнинг барча турлари бўйича онлайн декларациялар тулдирши имконини беради. Қўмитанинг сайтида солиқ тўловчилар учун дастурий таъминоти жойлаштирилган. Унинг ёрдамида солиқ хисоботининг электрон шакллари тулдирши ва узатиш мумкин.

Марказий бошқарув органиларида ахборот инфратузилмасини ривожлантириш билан биргаликда минтақавий ҳокимият органилари ишида АКТни жорий этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Қозоғистонда бундай ишларнинг энг муваффақиятли мисоли сифатида Усть-Каменогорск акимиятига тегишли бўлган «Ошқора шаҳар» лойиҳасини айтиш мумкин. 2002 йилдан бошлаб [www.oskemen.kz](http://www.oskemen.kz) манзили бўйича шаҳар портали жойланган, унинг саҳифаларидан шаҳарликлар ўзлари учун қўлаб фойдали ахборотларни топиши ҳамда бир қанча хизматлардан фойдаланиши мумкин. Сайт шаҳар акимиятида ҳужжатларининг электрон айланиши тизимини жорий этиш билан бир вақтда ишлаб чиқилди ва ишга туширилди. Бу акимият, унинг таркибий бўлинмалари ва аҳолининг ахборот ўзаро алоқаси тизимини такомиллаштириш имконини берди. Шаҳар порталида жумладан, «Савол – Жавоб», «Форум», «Сайловлар» руқлари мавжуд. Улар аҳолига ҳокимиятга савол бериш, шаҳарни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр билдириш ёки шаҳар вакиллик органи депутатлари гўрисидаги ахборот билан танишиш имконини беради. Лойиҳа фуқаролар билан шаҳар ҳокимияти органилари ўртасида шериклик муносабатларини яратишга йуналтирилган.

*Қирғизистон.* Бугунги кунда Қирғизистонда давлат бошқарувида АКТнинг татбиқ этилишининг техник инфратузилмаси асослари қўйилган. БМТТДнинг «Қирғизистон Республикасида маъмурий бошқарув ислохотлари» дастури доирасида Бишкек ва Уш шаҳарларидаги қирқта вазирлик, идора ва давлат ташкилотларини бирлаштирадиган ягона компьютер тармоғи ташкил этилди. Ушбу тармоқ асосида 2001 йилда Давлат Компьютер Тармоғи ташкил этилди. У «2010 йилгача Қирғизистон Республикасининг ривожлантиришнинг комплекс асоси» умуммиллий стратегиясини амалга ошириш доирасида Қирғизистонни ривожлантириш дастурларини амалга оширишни назорат қилиш ва улар мониторингини олиб бориш учун ахборот-коммуникация муҳити бўлиб хизмат қилади. 2004 йил 20 июлда Қирғизистон Президенти томонидан электрон рақамли имзо туғрисидаги қонун имзоланди. Қонун давлат бошқаруви органларида, корпоратив тармоқларда ва мамлакатнинг тулов тизимида бундай имзолардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

~~2002 йил март ойида АКТ соҳасида давлат сиёсатининг асосий устуворликлари, мақсадалари ва вазифаларини белгилаб берувчи «Қирғизистон Республикасини ривожлантириш учун ахборот ва коммуникация технологиялари» Миллий стратегияси қабул қилинди. Стратегияда АКТни ривожлантириш соҳасидаги уч асосий йўналишни ажратиб курсатилади. Булар – электрон бошқариш, электрон иқтисодиёт ва электрон таълим. Бундан ташқари, «Қирғизистон Республикасини ривожлантириш учун ахборот ва коммуникация технологиялари» Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий иш режаси ишлаб чиқилган. Миллий иш режасида устувор йўналишларнинг ҳар бири бўйича концепция ва иш режалари мавжуд.~~

Шунингдек раҳбарларни ахборот технологиялари билан ишлашга тайёрлашга катта эътибор берилади. «Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва муассасаларнинг биринчи раҳбарларининг ахборотлаштиришдан туғридан-туғри манфаатдорлиги ва бевосита иштирок этиши»ни англатувчи «биринчи раҳбар» принципи амалга оширилиши миллий иш режасининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Қирғизистон давлат миллий университети негизда вазирликлар ва маъмурий идораларнинг раҳбарлари махсус ишлаб чиқилган дастур бўйича ўқитилади. Асосий эътибор матнли муҳаррирдан, электрон жадваллардан фойдаланишнинг амалий қўникмаларига ва бошқаларга эмас, балки ахборотлаштиришнинг концептуал асосларини ўрганишга

қаратилишини таъкидлаш зарур. Бу уз идорасининг ахборот-коммуникация равожланиши стратегиясини ишлаб чиқишда раҳбарга ёрдам бериши керак. Дастур ҳужжатларнинг электрон айланиши, электрон почта, Интернет каби фанларни ҳамда ижодий лойиҳани – уз вазирлиги ёки идорасининг ахборотлаштириш концепциясини ишлаб чиқишни уз ичига олади. Таълим берувчи дастур Интернет тармоғида махсус ташкил этилган веб-сайтда жойлаштирилган.

«Қирғизистон Республикасини ривожлантириш учун ахборот ва коммуникация технологиялари» Миллий стратегияси Қирғизистон Республикаси Ҳукумати томонидан махсус ташкил этилган АКТни ривожлантириш жамғармаси орқали АКТни ривожлантиришни молиялаштириш механизмини белгилайди. АКТ лойиҳаларини молиялаштиришда қуйидагилар асосий вазифалар сифатида ажратиб курсатилган: инвестицияларни жалб этишнинг амалий механизмини ташкил этиш, самарали мониторинг ва ушбу ресурслардан фойдаланиш устидан назорат қилиш, «Қирғизистон Республикасида ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури» АКТ соҳасини молиялаштиришнинг мувофиқлигини таъминлаш. Бундан ташқари, халқаро ҳамкорлик ва донорларнинг қўллаб-қувватлаши муҳим эканлиги қайд этилади. Донорлар Қирғизистонда АКТ секторини ривожлантириш ташаббусларини жиддий ва муҳим қўллаб-қувватланишини таъминлайдилар.

\*\*\*

Шундай қилиб, ушбу бўлимда берилган шарҳдан қуришиб турибдики, 1990-йиллардан бошлаб даваат бошқарувида АКТни қўллаш тобора ва кўпроқ аниқ белгилар касб эта бориб устун даражада техник концепция бўлмай қола бошлади. Боз устига, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари билан биргаликда Шарқий Европа ва МДҲнинг собиқ социалистик мамлакатларида тегишли тизимлар динамик ривожланмоқда. Етакчи мамлакатлардан ушбу мамлакатларнинг табиий бўлган ривожланишда орқада қолиши, биринчидан, ривожланган мамлакатлар тажрибасини мослаштиришнинг мақбул схемалари мавжудлиги билан, иккинчидан, АКТнинг бошқарув тизимларини жорий этиш масалаларида уларни биринчи бўлиб қўллаган мамлакатлар дуч келган хатолар ва муаммоларнинг оддини олиш имкониятилари билан компенсация қилинади.

### III-булим. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА АКТ: ТАЖРИБА, ТЕНДЕНЦИЯЛАР, МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙУЛЛАРИ

Китобнинг мазкур булими мутлақо аниқ амалий йуналишга эга. Унинг вазифаси – Ўзбекистонга татбиқан давлат бошқарувида АКТни жорий этиш билан боғлиқ муаммоларнинг бутун доирасини мамлакатда тупланган тажриба, шакланаётган тенденциялар, ушбу масалаларда мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йуллари нуқтаи назаридан куриб чиқишдир.

Ушбу асосий вазифадан келиб чиққан ҳолда мазкур булимда бир қанча асосий масалалар куриб чиқилади, уларнинг ҳар бирига тегишли боб бағишланган. Булар:

- давлат бошқарувида АКТни жорий этиш учун мамлакатда шакланаётган ташкилий, ҳуқуқий ва моддий-техник шарт-шароитлар таҳлили;

- зарур ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришнинг суръатлари ва даражаси нуқтаи назаридан давлат бошқарувида АКТни жорий этишга Ўзбекистоннинг тайёрлигини баҳолаш;

- G2G, G2B ва G2C сингари йуналишлар бўйича давлат бошқарувида АКТни жорий этишнинг энг яқиндаги вазифалари.

Боз устига муаллифлар мазкур булимда умуминсоният тараққиётининг энг илғор ютуқларидан бирини Ўзбекистонда жорий этишнинг ижтимоий аҳамиятинигина эмас, балки кутилаётган иқтисодий самарани баҳолашга ёндашувларни ҳам курсатиб беришни муҳим деб ҳисобладилар.

*6-боб. Давлат бошқарувида АКТни жорий этишнинг ташкилий, ҳуқуқий ва моддий-техник шарт-шароитлари*

#### 1-§. Маъмурий ислохотлар ва давлат бошқаруви тизими самаралорлигини ошириш

Ҳар қандай жамиятнинг ҳаётида давлатнинг роли масаласи ҳамма вақт бўлиб келган ва у долзарблигича қолади. Ушбу масаланинг муҳимлигини ҳисобга олиниб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели ва демократик жамият барпо этишнинг асосий принципларидан бирига жамиятнинг барча соҳаларида ислохотларни амалга оширишда давлатнинг етакчилик роли принципи асос қилиб олинган. Ушбу масала куриб чиқилар экан куйидагиларни эслатиб ўтиш жоиздир – Ўзбекистонда давлат ривожланишини узгартиришга ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётига ва фуқаролик жамиятига босқич-

ма-босқич утиш ёки бошқача сузлар билан айтганда ислохотларнинг эволюцион йули асос қилиб олинган.

Бунда узгаришларнинг жиддий ижтимоий-иқтисодий ларзаларининг олдини олиш учун давлат бошқарувнинг хусусиятлари ва усулларини уз вақтида қайта қуриши, уларни замонавийлаштириши жуда муҳимдир. Давлатдан янги босқичга утиш йулини белгилаб берадиган дастурни ишлаб чиқиш талаб этилади. Айнан мана шундай ёндашиш шакланган демократик анаъналарга эга бўлган мамлакатни намоён қилади. Бу ривожланган мамлакатлар тажрибасида айниқса қуринарлидир.

Жаҳон тажрибаси таҳлили ва жамиятимизнинг ривожланиши хусусиятларини таҳлил қилиш ижтимоий ҳаётда давлатнинг роли масаласи туғрисидаги масала уз асосига қура инсон фаолиятининг асос бўлувчи шарт-шароитларини тушунишга таянилгандагина уни қошиқарли ҳал этиш мумкинлигини исбот қилади. Тегишли равишда ҳозирги босқичда давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш зарурияти ва унинг устувор йуналишлари мана шу нуқтаи назардан баҳоланиши керак.

Маъмурий ислохотларни амалга ошириш эҳтиёжи мамлакатда амалга оширилаётган қайта узгартиришлар мантиғидан келиб чиқади. Бозор иқтисодиёти ривожланиши ва қарор топиши, демократик ислохотлар амалга оширилиши, парламент ва суд ислохотларининг амалга оширилиши билан давлат бошқаруви органилари тизимида муқобил трансформацияни амалга ошириш масаласи табиий равишда етилди. Бунинг устига 2003 йилга келиб давлат ҳокимияти ижро этувчи шаҳобчасининг ун йилдан ортиқ вақт олдин шакланган куплаб функциялари уз далзарблигини йуқотди, куп жиҳатдан жорий босқич ва XXI асда Узбекистонни ривожлантириш истиқболлари эҳтиёжларига мувофиқ келмай қолди.

Буларнинг барчаси 2003 йил иккинчи ярим йиллигидан бошлаб, биринчидан, давлат, жамоат ва хужалик субъектларини бошқаришнинг бутун тизимини демократлаштириш ва эркинлаштиришни таъминлашни, уни мамлакатда бозор иқтисодиётини ва фуқаролик жамияти асосларини шаклантиришнинг замонавий босқичи талабларига мувофиқлаштиришни уз мақсади қилиб қуйган кенг қўламли маъмурий ислохотларни амалга ошириш вазифасини белгилаб берди.

Уз навбатида мана шу билан маъмурий ислохотларнинг қуйидаги асосий устуворликлари ҳам белгиланади:<sup>24</sup>

- иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг ролини кескин камайтириш, давлат бошқарув тузилмалари ва функцияларини қисқартириш, давлат бошқаруви органлари таъминотига харажатларни қисқартириш;

- бошқарувни марказлаштиришдан чиқариш, айрим функцияларни бошқарувнинг ҳудудий даражасига кенгрок бериш, ортиқча вертикал маъмурий тузилмаларни тугатиш;

- функциялар ва ваколатларнинг тобора купрогини давлатдан жамоат ташкилотларига, ҳукуматга қаршли бўлмаган ташкилотларга, фуқароларнинг узини узи бошқариш органларига бериш;

- бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ идоравий, тармоқ ва ҳудудий бошқарувнинг айрим органларини қайта ташкил этиш, қўшиш, қисқартириш ва тугатиш асосида иқтисодиётни бошқариш тузимасини рационалиациялашни таъминлаш;

- бошқарув тизими самарадорлигини сифат жиҳатидан узгача даражага кутариш, қарорлар тайерлаш ва қабул қилиш сифатини анча ошириш, уларнинг бажарилиши устидан назорат қилишнинг амалий механизмини жорий этиш;

- илғор ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш, зарур бўлмаган ҳисоботлар бериш ва қоғоз ҳужжатларининг айланишини қисқартириш асосида давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич модернизация қилиш ва унинг иш самарадорлигини ошириш;

Шундай қилиб, ҳали давлат бошқарувида АКТ тизимларини жорий этишга тайёргарлик куришнинг тайёргарлик босқичидаёқ Ўзбекистонда амалда биз томонимиздан олдинги бобда урганиб чиқилган ривожланган мамлакатлар тажрибаси курсатганидек унингсиз бундай лойиҳалар бошланғич босқичдан нарига жиддий силжиши мумкин бўлмаган давлат бошқаруви функцияларини қайта ташкил этиш амалда бошлаб юборилди.

Ушбу ҳолат ҳолисона равишда Ўзбекистонда давлат бошқарувида АКТ тизимларини фаол жорий этиш фойдасига ҳал қилувчи шарт-шароитлардан бири сифатида амал қилади.

---

<sup>24</sup> И.А.Қаримов. 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани ривожлантириш яқунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 июлдаги мажлисидаги маъруза. «Халқ сули» газетаси, 2003, 19 июль

Бироқ hozир биз тез орада ишонч ҳосил қиламизки мамлакатнинг мазкур тизимларни жорий этишга тайёрлигини баҳолаш фақат ташкилий шарт-шароитлар билан чекланиб қолмайди.

2-§. Ҳузбекистонда давлат бошқарувида АКТ тизимларини жорий этиш ва уларнинг фаолият курсатишини норматив-ҳуқуқий асосларини шакллантириш

Биз томонимиздан китобнинг олдинги булимларида уриниб қурилган давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини ва тизимларини жорий этишнинг жаҳон ҳамжамиятида шаклланаётган тенденциялари ва тажрибаси ушбу жараёнларнинг қуплаб жиҳатлари, энг аввало, аниқ ва муқобил тартибга солишни талаб этишини яққол курсатади. Аиниқса қуйидаги масалалар шулар жумласига киради:

- ҳар бир кишининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг умумфойдаланиладиган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан ахборотни эркин олишга булган ҳуқуқини амалга ошириш;

- Интернет тармоғи ёрдамида амалга ошириладиган бизнес субъектлари ва давлатнинг иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш (электрон тижорат, электрон туловлар, электрон хизматлар ва ҳоказолар);

- электрон ҳужжатлар айланишининг фаолият курсатиши ва ахборот-коммуникация тизимларида айланиб юрадиган электрон ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш воситаларидан фойдаланиш тартибини белгилаш;

- ахборот хавфсизлигини, махфий ахборотнинг рухсат берилмаган киришлардан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш.

Табиийки, умуман жамиятда ахборотлаштириш соҳасида конунчиликни шакллантириш ва такомиллаштириш бунда асос булувчи жиҳат ҳисобланди, чунки айнан жамият, унинг ҳар хил институтлари ва фуқароларнинг ўзи давлат бошқарувида электрон технологиялар жорий этилишини ҳис этишлари ва унинг афзалликларидан фойдаланишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг дастлабки икки чакириғи муддати давомида тегишли ишлар мақсадга мувофиқ ва методик равишда амалда олиб борилди, 2004 йилга келиб сезиларли амалий натижалар таъминланди.

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги реалликларга мувофиқ қайта куриб чиқилди ва унинг янги таҳрири қабул қилинди. Ахборотлаштириш соҳасида фуқароларнинг

конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг принципиал масалалари «Ахборот кафолатлари ва ахборот олиш эркинликлари тўғрисида»ги ва «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуларда ўз аксини топди.

Ниҳоят, 2003-2004 йилларда «Электрон» қонунлар деб аталадиган қонунлар блоки қабул қилинди ва фаол амалий кучга айлана бошлади. Булар Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон ҳужжатлар айланиши тўғрисида» ва «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунларидир. Уларни ишлаб чиқишда ушбу соҳада халқаро ташкилотлар ва бир қанча мамлакатларнинг улкан тажрибаси ҳисобга олинди.

Давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш соҳасида қонунчилик базасини янада ривожлантириш «Компьютер жинойатлари тўғрисида», «Электрон туловлар тўғрисида», «Давлат бошқарувида ва ҳокимият органларининг маълумотлар базалари стандартлари тўғрисида», «Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот хавфсизлиги тўғрисида», «Электрон давлат хизматлари тўғрисида», «Шахсни электрон рақамли тасдиқлаш тўғрисида» ва бошқа қонунларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни тақозо этади.

Яъни, қонунчилик соҳасида ҳам Ўзбекистоннинг давлат бошқарувида АКТ тизимларини жорий этишга тайёгарлиги даражасини оширувчи шарт-шароитлар фаол шакллантирилмоқда.

### 3-6. Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг асосий ўсгворликлари

Давлат аппаратини ислоҳ қилиш ва тегишли жараёнларни ишончли норматив-ҳуқуқий тартибга солишни таъминлашнинг муҳимлигини инкор қилмаган ҳолда биз барибир ахборот –коммуникация технологиялари, тегишли инфратузилма ва ушбу тизимларда ишлаш учун профессионал тайёрланган мутахассисларнинг мавжудлиги бошқарувни «электронлаштириш» тизимларини жорий этиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайдиган асосий шарт эканлигини эътироф этишимиз керак.

Боз устига, сўз нафақат ушбу тизимларни жорий этиш ҳақида бормоқда. Қуплаб мамлакатлар тажрибаси ҳозирги динамик ривожланаётган дунёда АКТ иқтисодий ривожланишнинг локомотиви эканлигини, мамлакатга инвестициялар жалб этилишига, янги иш ўринлари ташкил этилишига, илғор технологиялар ишлаб чиқаришга ва бошқарувга татбиқ этилишига, ахборот айирбошлашда чиқимлар қисқарти-

рилишига, бозор қатнашчилари ўртасида битишувлар содир этилишига қўмаклашишини курсатади.

Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистон Ҳукумати мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устуворлиги сифатида ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини ажратиб курсатади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарори ушбу вазифани амалда рўёбга чиқаришга йўналтирилди. Уларда ахборот жамиятини ривожлантиришнинг стратегик устуворликлари белгиланди, 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Ушбу кенг қуламли ишларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- телекоммуникациялар инфратузилмасини ва Интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш;
- аҳолини компьютер техникаси ва тегишли гармоқ ресурслари билан жиҳозлаш бўйича ривожланган мамлакатлар даражасидан мавжуд қолақликни бартараф этиш;
- дастурий таъминотнинг миллий индустриясини барпо этиш;
- мамлакатнинг ягона ахборот маконини ташкил этиш учун зарур бўлган миллий ресурсларни шакллантириш;
- юқори малакали кадрлар салоҳиятини тайёрлаш;
- АКТ соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш;
- АКТни ва тегишли техник воситаларни стандартлаштириш ва сертификациялашни ривожлантириш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- тегишли инвестиция ва инновация лойиҳалари устувор молиялаштирилиши ва кредит берилишини таъминлаш.

Шундай қилиб, биз томонимиздан уриниб қўрилган шарҳдан кўриниб турганидек, Ўзбекистонда давлат бошқарувида АКТ лойиҳалари ва тизимларини жорий этиш учун барча зарур шарт-шароитлар фаол ва мақсадга йўналтирилган тарзда шакллантирилмоқда.

Биз кейинги бобда умумқабул қилинган мезонларга асосан ушбу тизимларни амалда жорий этишга Ўзбекистоннинг умумий тайёрлигини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

7-боб. Давлат бошқарувида АКТни жорий этишига  
Ўзбекистоннинг тайёргарлиги

1-§. Ўзбекистонда давлат бошқарувида АКТнинг асосий  
элементларини жорий этишнинг ҳозирги ҳолати

Шак-шубҳасиз, давлат бошқарувида АКТ тизимларини жорий этиш учун мамлакатда тулиқ фаолият курсатувчи инфратузилма мавжудлиги ҳақида суз юритишга ҳали эрта. Давлат бошқаруви органларининг корпоратив тармоғи, электрон хужжатлар айланиши тизими, фуқаролар ва бизнес субъектларининг ахборотини автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаш тизимлари шаклланиш босқичидадир.

Бирок, агар биз томонимиздан олдин куриб чиқилган *умумий тайёргарлик* мезонларига мурожаат қилинадиган бўлса, баҳолаш анча оптимистик куриниш олади. Айнан айтганда:

- кейинги икки йилда ташкил этилган компьютерлаштириш жараёнларига аниқ вертикал раҳбарлик қилиш белгилари Компьютерлаштиришни ва АКТни ривожлантириш бўйича Мувофיקлаштирувчи кенгаш ҳамда Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тимсолида аён куриниб турипти;

- ушбу соҳада давлатнинг сиёсати белгиланган ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни малакали бошқариш ва тегишли қарорлар ижросининг узлуксиз мониторинги белгиланган; давлат бошқаруви аппарати ва тегишли техник хизматлар зарур кўникмаларга эга бўлган ҳамда тегишли дастурий ва техник воситалар билан профессионал ишлашга тайёрланган малакали ходимларга эга.


Яъни, давлат бошқарувида АКТни жорий этишга умумий тайёргарлик тўрт мезонидан учта энг муҳими бўйича мамлакат принципал жиҳатдан ушбу технологияларни жорий этишга тайёрликнинг етарли даражасига эга. Бундай шароитларда, олдинги бўлимда айтиб утилганидек, тулиқ функционал технологияларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги жиддий рол уйнамайди, чунки тегишли дастурий аппарат комплекслари ва корпоратив тармоқли ресурслар бевосита АКТ тизимларини жорий этиш давомида ташкил этилиши мумкин.

Бунинг устига, куплаб позициялар бўйича вазият динамик узгармоқда ҳамда тегишли давлат ахборотига бизнес субъектлари ва фуқароларнинг онлайн киришини таъминлайдиган хизматларнинг етарлича кенг ҳажми туғрисида ишонч билан гапириш имконини беради.

Кейинги вақтларда давлат бошқаруви органларининг техник ва технологик жиҳозланганлиги даражаси усмоқда. Жумладан, Ўзбекистон

алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари буйича мамлакатда уртача 1 компьютерга давлат бошқаруви органларида 3 давлат хизматчиси тўғри келади, аини вақтда Интернет тармоғига уланган 1 компьютерга давлат органлари марказий аппарати хизматчиларининг 10 фоизи ва давлат бошқаруви ички идоравий тизими буйича 7 фоизга яқини тўғри келади.

Ўзбекистон Ҳукуматининг Интернетда расмий ахборот ресурси – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали [www.gov.uz](http://www.gov.uz) ташкил этилган. Порталдан уч тилда: ўзбек, инглиз ва рус тилларида фойдаланиш мумкин. Гарчи ушбу портал ҳозирча фақат ахборот тарқатиш хусусиятига эга ва G2G, G2C и G2B нимтизимларида ўзаро ҳамкорлик қилиш учун зарур бўладиган веб-қарорлар ва воситаларга эга бўлмаса ҳам у бир қанча давлат органларининг асосий саҳифаларига кириш интерфейси сифатида хизмат қилади (5-расм).



5-расм. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) давлат ахборот ресурслари портали.

Қўпчилик марказий бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг ҳудудий органлари узларининг веб-сайтлари ва маҳаллий компьютер тармоқларига эга. Амалда ҳар бир идора уз ахборот тизимларини ишлаб чиқмоқда ва қўллаб-қувватламоқда.

Тугри, улардан фақат 7 фоизи ўз корпоратив тармоқларига эга эканлигини, ташкил этилган ахборот тизимлари асосан идоравий вази-фаларни бажариш учун мавжуд эканлигини, бошқа идоралар билан амалда алоқа қилмаслигини ва барча манфаатдор фойдаланувчиларга ахборот беришни таъминламасликларини қайд этиш зарур.

Бироқ ушбу вазият динамик ўзгариб бормоқда, давлат бошқару-вида АКТнинг асосий нимтизимларининг алоҳида сегментларини амалда руёбга чиқариш бошланганлиги ҳақида сўз юритиш имконини бермоқда.

Жумладан, мамлакатда 2004 йилдан бошлаб божхона сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини ошириш ва товарларни божхонада расмийлаштиришни ҳисобга олишнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилмоқда.

Мазкур тизим ахборотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва бериш-нинг комплекс автоматлаштирилган технологик жараёнларини, барча даражалардаги божхона органларининг ягона маълумотлар базасига тезкор киришни, божхона назорати остида турган товарлар билан содир этиладиган барча тартиб-қоидаларнинг реал вақт куламидаги монито-рингини таъминлашга даъват этилган. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши товарларнинг утишини назорат қилиш тартиб-қоидасини ва бизнес субъектлари билан ташқи иқтисодий алоқалар бажарили-шини анча соддалаштиради.

Марказий архив божхона операцияларини ҳисобга олиш автомат-лаштирилган тизимининг асосий модули ҳисобланади. Унга Давлат божхона қўмитасининг барча бошқармалари, божхона постлари улан-ган. Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида нафақат божхона органларининг, балки товарлар импорти-экспорти операцияларига дахлдор бўлган бошқа муассасаларнинг ҳам барча божхона назорати тартиб-қоидалари ҳисобга оланади. Бунда Марказий архивга ташқи фойдаланувчилар, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Марказий банк ва бир қанча тижорат банклари, Давлат солиқ қўмитасининг кириши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ягона интеграциялашган тизим концепцияси амалга оширилиши ахборот жамиятини ривожлантиришнинг яна бир амалий мисоли ҳисобланади. Концепция муаллифларининг ниятига кура мазкур тизим соғлиқни сақлаш бошқармалари органлари, даволаш-профилактика муассасалари, лабораториялар, Санитария-эпидемиология назорати

органлари тиббий ихтисосликдаги илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари, тиббиёт статистикаси бўлинмаларини қамраб олишга даъват этилган.

Яъни, соғлиқни сақлашнинг истиқболда мамлакатнинг исталган нуқтасидан даволаш-ташхис тадбирлари ўтказиш учун исталган ахборотга киришни таъминлайдиган ягона ахборот муҳити ташкил этилади. Мазкур лойиҳа доирасида аҳолига масофадан туриб малакали тиббий ёрдам курсатишни ташкил этишнинг янги йўналиши сифатида телетиббиётни ривожлантириш концепцияси ҳам эътибоорлидир.

Албатта, буларнинг барчаси – ҳозирча фақат дастлабки қадамлардир. Горизонтал идоралараро алоқаларни йулга қуйиш, давлат ашпаратининг бир қанча бўлинмаларини кадрлар билан таъминлашнинг куплаб муаммолари ҳал этилмасдан қолмоқда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари янада ғайрат билан ҳал этилиши зарур. Тегишли лойиҳаларни давлат бюджетидан мақсадли молиялаштиришнинг йўқлиги давлат органлари фаолиятига АКТни жорий этиш суръатлари пастлигининг жиддий сабабларидан бири ҳисобланади.

Бироқ шунга қарамай, Ўзбекистонда жамиятнинг турли соҳаларини ахборотлаштириш ва ахборот интеграцияси куплаб йўналишлар буйича ҳозирнинг ўзидаёқ орқага қайтмайдиган жараёнга айланди. Бу мамлакатнинг давлат бошқарувида АКТни жорий этишга тайёрлиги туғрисидагина эмас, балки унинг алоҳида нимтизимларининг тегишли давлат ахборотига оммавий киришни таъминлаш даражасида амалда рўёбга чиқарилиши бошланганлиги ҳақида суз юритиш имконини беради.

## 2-§. Ўзбекистонда давлат бошқарувида АКТни қўллаш моделини ишлаб чиқишга асосий ёндашувлар

Давлат бошқарувида АКТни жорий этиш масалалари ўз моҳиятига кура муаммоларнинг жуда мураккаб доирасини ўз ичига олади. Бу уни шакллантиришга ёндашувларни ишлаб чиқишдан электрон давлат хизматларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва уни амалда таъминлашгача бўлган муаммолардир. Ўзбекистон ахборот жамиятини шакллантиришнинг бошланғич босқичида турган ҳолда мақсадга мувофиқ ва мақбул моделни танлашдек мураккаб муаммо олдида турибди.

Биз куриб чиққанимиздек, ҳар бир мамлакатда ахборот жамиятини ташкил этишнинг жаҳон тажрибаси ўз хусусиятларига эга ва тайёр эталон бўладиган тавсияларни бермайди. Ҳар бир аниқ ҳолатда давлат бошқарувида АКТни татбиқ этиш мамлакатнинг ўзининг сиёсий-иқти-

содий йуналишларига, давлат тузилишининг хусусиятларига, давлатнинг бизнес субъектлари ва аҳоли билан ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ривожланиши даражасига ҳамда ривожланишнинг мазкур босқичида ҳал этилаётган вазифалар доирасига боғлиқ эканлигини қайд этиш зарур.

Яъни, АКТнинг бошқарув тизимларини қуриш парадигмаси жаҳон ҳамжамиятида мамлакатлар қанча бўлса шунча қупдир. Ўзбекистонда АКТга асосланган давлат бошқарувини мавжуд схемалардан қайси бири бўйича қуриш керак?

Ваганимиз АКТ соҳасида илгари ҳеч қачон бундай ижтимоий аҳамиятли, техник жиҳатдан мураккаб, масъулиятли, илм-фанни ва ресурсларни қуплаб талаб қиладиган вазифа ҳал этилмаган. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич модернизация қилиш ва самарадорлигини оширишни таъминлаш, шу жумладан қуйидаги вазифаларни ҳал этиш мақсадга мувофиқ туюлади:

- мамлакатда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини изчил амалга ошириш;
- ахборот-коммуникация технологияларининг норматив-ҳуқуқий базаси мониторинги, уларни жорий этишга тусқинлик қиладиган омилларни аниқлаш;
- АКТни ривожлантириш мониторинги ва унинг ҳолатини тулиқ хатловдан ўтказиш, ҳужжатларнинг электрон айланиши тизимларини жорий этиш жараёнларини, давлат бошқаруви органларининг молиявий, техник ва одам ресурслари ҳолатини урганиш,
- давлат бошқаруви органларининг ягона ахборот тармогини ташкил этиш;
- давлат хизматчилари ва аҳолини ўқитиш бўйича мақсадли тадбирларни амалга ошириш;
- ахборот-коммуникация технологияларини давлат бюджетидан устувор молиялаштириш сиёсатини шакллантириш ва бошқалар.

Табиийки, буларнинг барчаси – бир куннинг вазифаси эмас. Уларнинг қуплари бугунги кунда мамлакатда АКТ ривожланиши даражаси ва тенденцияларидан келиб чиқиб фақат назарий жиҳатдан қуриб чиқилиши мумкин.

Бироқ шунга қарамай, давлат бошқарувида АКТ тизимларини ташкил этиш ва ривожлантирилишнинг биз юқорида қуриб чиққан концептуал ёндашувлари ва жаҳоннинг турли мамлакатлари тажрибаси

бир қанча биринчи навбатдаги вазифаларни ажратиб курсатиш имконини беради. Уларни ҳал этмасдан туриб давлат бошқарувида АКТни жорий этиш шунчаки олижаноб истак бўлиб қолади холос.

Китобнинг кейинги боби ушбу энг яқиндаги вазифаларни куриб чиқишга бағишланган.

## 8-боб. Биринчи навбатдаги вазифалар

Ушбу устуворликлар доирасида қуйидаги биринчи навбатдаги вазифаларни амалга ошириш мулжалланмоқда:

- давлат корпоратив тармогини ташкил этиш, унинг Интернет ресурслари билан ташқи алоқаларини таъминлаш, унга барча ҳукумат муассасалари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг идоравий ва идоралараро тармоқ ресурсларини интеграциялаш;

- ҳужжатларнинг электрон айланишининг ягона тизимини жорий этиш;

- оммавий электрон хизматларнинг бошланғич руҳатини белгилаш, тегишли порталлар ташкил этиш, улар билан боғлиқ бўлган интерактив ахборот айирбошлашни шакллантириш;

- Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида бизнес субъектлари ва аҳоли учун Интернет ресурсларига киришни кафолатли таъминлайдиган ахборот-коммуникация инфратузилмасини босқичма-босқич шакллантириш;

~~аҳолининг давлат бошқарувида АКТ тизимларининг оммавий электрон хизматларига кириш воситаларидан фойдаланишининг зарур қўшамаларига ўқитиш.~~

Яъни, биз томонимиздан туртинчи бобнинг 3 ва 4-параграфларини муҳокама қилишда куриб чиқилган электрон давлат хизматлари тизимини яратишнинг биринчи босқичи устуворликларини – истеъмолчилар учун улардан физик фойдаланилиши, нарҳи қулайлигини ва зарур сифатга эга бўлишини таъминлаш.

Боз устига, ушбу устуворликларни амалда рўёбга чиқариш масалалари давлат бошқарувида АКТ барча нимтизимлари – G2G, G2B ва G2C юзасидан куриб чиқилиши керак, чунки уларнинг ҳар бирида давлатнинг жамиятнинг қолган элементлари билан муносабатлари эволюцияси ўзига хос хусусиятларга эга.

### 1-§. «Давлат – Давлат» (G2G)

Демак, гарчи муносабатларнинг ушбу нимтизими, одатда, давлатнинг электрон хизматларидан фойдаланувчилар – бизнес субъектлари ва фуқаролар учун кўринмаса ҳам, айнан улар давлат бошқарувида АКТни жорий этиш улардан бошланиши керак бўлган асосий бугун ҳисобланади. Корпоратив давлат тармоги ташкил этиш ушбу йўналишдаги биринчи ва табиий қадам ҳисобланади.

Методик нуқтан назардан ушбу ишни исталган йўналишда юритиш мумкин.

Масалан, давлат аппаратининг юқори эшелонларида тармоқни шакллантиришдан бошлаб, аста-секин тармоқ ресурслари «ургимчак ини»ни барча вазирликлар ва идоралар ҳамда мамлакатнинг маъмурий-худудий бўлиниши бўйича барча субъектлари у билан камраб олинмагунга қадар тобора қуйиға тушириб бориш. Принцип жиҳатидан ақсича иш тутиш ҳам мумкин – давлат ҳокимияти пирамидасининг энг асосида тармоқли ресурслар ташкил этиб уларни қадамба-қадам барча тармоқ алоқалари ва йуналишлар энг юқори нуқтада бирлашмагунга қадар интеграция қилиш. Ҳар қандай ҳолатда барчаси бошланғич шарт-шароитларга боғлиқдир. Улар эса Ўзбекистонда табиий равишда шундай шаклландики, бўлажак ягона корпоратив давлат тармоғининг айрим сегментлари давлат ҳокимияти органлари пирамидасининг асосида ҳам, юқоридаси ҳам ҳозирнинг узидаёқ мавжуддир.

Яъни, ушбу ҳолатда давлат бошқаруви марказий органлари ва ҳокимиятнинг худудидий бўғинининг мавжуд тармоқ ресурслари тафтишдан утказилиши ҳамда интеграциянинг мақсадга мувофиқ навбатлилиги белгиланиши ва, зарурат бўлганда, мавжуд «оқ» доғлар тулдирилиши биринчи қадам бўлиши керак.

Афтидан, G2G нимтизимини яратиш бўйича интеграция вазифларини ҳал этишнинг ушбу босқичи аҳолига ва бизнес субъектларига электрон давлат хизматларининг ҳеч бўлмаганда энг оз туплами берилишини таъминлашга доир аниқ қадамлар билан бирга кечиши керак. Масалан, ҳужалик юригувчи субъектлар реестрларининг муайян қисмига, банкротлик ва корхоналар фаолиятининг тўхтатилиши туғрисидаги ахборотга, мажбурий ҳусусиятга эга бўлган адлия органиларида руйхатдан утказиладиган матнларга ҳамда қонунлар, мамлакат Президенти фармонлари ва Ҳукумат қарорлари матнларига оммавий эркин фойдаланишни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати сайти ([www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)) жаҳонда умумий қабул қилинган стандартлар даражаси ва ҳажмида оммавий давлат ахбороти тақдим этадиган ягона ахборот ресурси ҳисобланади. Бунда мамлакат Президенти томонидан қабул қилинадиган барча ҳужжатлар амалда тезликда эълон қилинибгина қолмасдан, балки давлат бошлиғи фаолиятининг батафсил контент-таҳлили берилган матбуот-релизлар мунтазам жойлаштириб борилади. Буларнинг барчаси фуқароларнинг амалдаги қонунчилиқнинг муҳим қисмидан фойдаланиши имконининггина бериб қолмасдан, балки Президентнинг кундалик давлат фаолиятининг жамият учун етарлича очиқ-ошқоралигини таъминлайди.

Афсуски, бизнес субъектларининг куп сонли қонуности ҳужжатларига (йуриқномалар, низомлар, тушунтириш хатлари, ҳар хил вазирликлар ва идораларнинг қарорлари ва ҳоказолар) ҳамда мажбурий давлат ҳисоботи бланкаларига тармоқ ресурслари орқали шошилишчи кириши ҳозирча амалга оширилмаган. ШУ билан биргаликда ушбу ҳужжатларнинг аксарият купчилиги электрон версияда мавжуддир, лекин улардан «Право», «Норма» типдаги тижорат асосида амалга ошириладиган бир неча ахборот-маълумотлари тизимлари орқалигина фойдаланиш мумкин.

Куплаб давлат қарорлари туғрисидаги ахборот (масалан, коммунал хизматларга тарифларнинг навбатдаги қайта куриб чиқилишидаги, акциз солигининг янги ставкалари ёки боғжона пошлиналари ва бошқалар) ушбу ҳужжатларни қабул қилган ёки уларнинг қабул қилинишига алоқадор бўлган давлат органларининг саҳифаларига тупмасдан фуқароларга ва бизнес субъектларига ҳар хил «сарик» Интернет сайтлар орқали маълум булишини айтиб утирмаса ҳам бўлади.

Шундай қилиб, ички идоравий ва идоралараро тармоқ ресурсларини ягона корпоратив тармоғига интеграция қилиш босқичидаёқ Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали (биз томонимиздан эслатиб утилган [www.gov.uz](http://www.gov.uz)) фаолиятининг сифат жиҳатидан янги хусусиятига айланиши керак. Имкони борича қисқа муддатларда у сўзнинг тулиқ маъносида бизнес субъектлари ва алоҳида фуқароларнинг уларга тегишли бўлган ва улар учун мулжалланган барча давлат ахборотига киришнинг оддий ва қулай шаклини берадиган очик «дарвозалар»га айланиши керак.

Масаланинг бу тахлитда қуйилиши биз қайта-қайта таъкидлаганимиздек уз моҳиятига кўра давлат бошқарувида АКТ «электрон хизматлар технологиялари» эканлигига тулиқ мувофиқ келади. Ва ушбу хизматларни ҳеч булмаганда давлат ахборотига оммавий киришни ташкил этиш даражасида курсатишни бошлаб мамлакатда АКТнинг бошқарув тизимларини ривожлантириш умумий эътироф этилган жаҳон ҳамжамиятининг бошланғич даражасига чиқди деб гапириш мумкин (қаранг: 4-бобнинг 2-параграфи давлат бошқарувида АКТнинг *базавий модели* туғрисида).

Ушбу табиий шарт яна бир масалада белгиловчи ҳисобланади. Айнан айтганда – давлат бошқаруви корпоратив тармоғи интеграцияси қайси идоравий тармоқ ресурсларидан бошланиши ва ушбу тармоқ қандай шаклда бизнес субъектлари ва оддий фуқароларга зарур бўлган давлат ахборотини туплаши керак.

G2G нимтизимида паспорт тизими, давлат статистикаси, солиқ ва молия ҳисоботи, ижтимоий ва пенсия таъминоти, ишга жойлаштириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларни қайд этиш, уй-жой-коммунал хизмат курсатиш, тадбиркорлик субъектларини давлат руйхатидан утказиш ва ҳоказолар билан боғлиқ тармоқ ресурслари идоралараро интеграциянинг бошланғич босқичи бўлиши керакли мутлақо аёндир. Бунда барча тегишли ахборот тармоқнинг коммуникация воситалари орқали виртуал давлат маълумотлар базасида жамланади, фуқароларнинг ва мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган бизнес субъектларининг идентификациялаш маълумотлари ҳам шулар жумласига киради.

Ана шундай ҳолатда ҳукумат портали табиий равишда жамият аъзолари оммавий давлат ахборотиغا, интерактив давлат хизматларига ва бирламчи бошланғич маълумотларни олиш манбалари ва уларни сақлаш жойидан қатъи назар янада мураккаброқ транзакцияларга кирадиган «ягона дарча»нинг ўзига айланади. Шунингдек, хусусийлаштириш савдолари ва давлат буюртмалари, харидлар ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга мулжалланган ягона ҳукумат электрон бозорига кенг очилган дарвозаларга айланади.

Хар қандай давлат муассасасининг асосий функцияси-бошқарув қарорлари қабул қилиш. Бунда қарор қабул қилиш учун бирламчи материаллар ва қарорларнинг ўзи ҳужжатлар шаклида тақдим этилади. Ҳужжатлар билан техник иш олиб бориш ҳажми эса кўпинча шунча катта бўладики, фаолиятнинг асосий мазмунини базан тўсиб қўяди ва унинг ўрнини босади.

Яъни, айнан ҳужжатлар билан ишлашни автоматлаштириш давлат органлари фаолиятининг «электрон формати»да талаб этиладиган самарани таъминлайдиган яна бир асосий омил бўлади.

Бошқача сузлар билан айтганда гап «Ҳужжатларнинг электрон айланиши туғрисида»ги Қонунни амалда рўёбга чиқариш ва унинг талабларига мувофиқ электрон иш юригишнинг ягона тизмини жорий этиш ҳақида бормоқда, Бу ҳам алоҳида давлат муассасаларининг, ҳам умуман давлат бошқаруви тизимининг фаолият курсатиш самарадорлигини анча ошириш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ушбу йўналишда давлат муассасаларида айланиб юрадиган ҳужжатлар оқимларини электрон шаклга утказиш ва уларни Интернет порталлар билан интеграциялаш буйича кучли амалий чора-тадбирлар кўрилиши талаб этилади.

Китобхонини тафсилотлар билан зуриқтириб қўймасдан, у агар буни ҳохласа мазкур китобга тегишли иловаларда улар билан танишиши мумкин, бу уринда фақат айнан ушбу йуналиш давлат қарорлари қабул қилини, ижро этиши ва уларни назорат қилини жараёни самарадорлиги анча усинишни технологик таъминлашнини курсатиб утамиз. Ушбу вазифаларни ҳал этини билан бир вақтда электрон ҳужжатларнинг зарур ресурси ҳам ташикил этилади. Яъни, аҳоли ва бизнес субъектларини тегишли электрон давлат хизматлари билан таъминлашнинг ҳужжатли-ахборот асоси китобнинг дастлабки бўлимларида биз томонимиздан навбатларда турини ва йулақларда юришдан «муъжизали кутқарувчи» ҳисобланади.

Бошқача сузлар билан айтганда давлат бошқаруви электрон ресурсларини корпоратив тармоққа интеграция қилини ва электрон иш юригини тизимини жорий этини воситаси билан шимтизим (G2G) ташикил этилини фақат биринчи қарашда давлатнинг соф ички яримтехник ва – яримидоравий вазифасидек тасаввур ҳосил қилади. Аслида эса, биринчи навбатда қилинини керак бўлган ишюв қаламдан кешиниша давлат бошқарувида АКТ тизимининг истеъмолчиға йуналтирилган интерфеисини – G2B ва G2C шимтизимларини амалда шаклатиришнинг реал истиқболлари очилади.

## 2-§. «Давлат – Бизнес» (G2B)

Энди давлат бошқарувида АКТнинг асосий шимтизимларидан иккинчисини – давлатнинг тадбиркорлик субъектлари билан узоро муносабатлари шимтизимини (G2B) куриб утамиз.

Бунда энг парадоксал вазият шакланади.

Бир томондан, Ўзбекистонда шакланаётган фуқаролик жамиятининг барча таркибий қисмидан айнан бизнес муҳити юқори самарали ахборот – коммуникация технологиялари асосида менежментни жорий этишға амалий утишға энг кун тайёрланган.

Холисона олганда бу куплаб этиборли ҳолатлар билан боғлиқдир.

Биринчидан, Ўзбекистондаги 250 мингдан ортик бизнес субъектларининг купчилиги мамлакат мустақилликни қулға киритгандан кейин шаклантирилди. Бинобарин, улар етарлича узоқ утиш даврида давлат ашарати ходимлари томонидан олдинги тоталитар тизимдан мерос қилиб олинган маъмурий-буйруқбозлик одатлари ва анғаналари юкини уз елкаларида кутармайдилар.

Иккинчидан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг айнан ушбу секторда офис ишларини ташкил этиш ва бухгалтерия ҳисобини юритиш учун компьютер техникаси ва замонавий дастурий воситалар билан жиҳозлашнинг энг юқори даражасига эришиди. Бу ерда Интернет ресурсларига кириш даражаси ҳам, одатда, аҳолининг бошқа қисми орасидагига қараганда анча юқори.

Учинчидан, хусусий бизнес муҳити ёш авлод учун узига жалб қиладиган бўлади, бу ерга, одатда, ҳали мактаб партасидаёқ компьютер воситаларидан амалий фойдаланишнинг зарур кўникмаларини олган ёш авлоднинг ишга келиши кўпроқ учрайди. Компьютер воситаларидан фойдаланишни ёши каттароқ бўлган давлат аппарати ходимлари кўпинча профессионал бўлмаган «компьютер саводсизлигини тугатиш» хизматларидан фойдаланиб эгаллаб олишга мажбурдирлар.

Бирок, ушбу реал мавжуд афзаллик ҳозирча Ўзбекистоннинг хусусий бизнеси соҳасида «электрон инқилобга» олиб келмади. Бунинг сабаби Интернет глобал тармоғининг миллий сегментида ривожланган мамлакатлардаги ишбилармон одамларни одатда ўраб олган электрон тижоратнинг виртуал инфратузилмасини нисбий қолоқликлигидадир.

Агар ушбу муаммо реал эҳтиёжлар ва мамлакатнинг бизнес секторини қуттиш нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, G2B шимтизимини ривожлантиришнинг қўйидаги биринчи навбатдаги устуворликлари жуда аниқ намоён бўлади.

Тегишли коммуникацияларнинг онлайн методи устуворлигига утиш воситасида бизнес субъектларининг солиқ хизматлари ва давлат статистика органилари билан электрон муомаласини жорий этиш.

Ушбу устуворлик айнан мана шу бугинида мамлакатимиз тадбиркори кўп сонли расмийлик тузилмаларини енгиб утиш борасида энг кўп маънавий чиқимларга дуч келаётганлиги учунгина биринчи даражали бўлиб қаралмайди. Қанчалик хайрон қоларли бўлмасин, давлатнинг хусусий тадбиркорлик билан муносабатларининг энг бюрократик соҳаси бўлган ушбу соҳа айни бир вақтнинг ўзида замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозлаш нуқтаи назаридан амалий электронлаштиришга энг яхши тайёрланган соҳа ҳисобланади.

Бошқача сўзлар билан айтганда, давлат «жоили» ва электрон рақамли имзонинг тенг аҳамиятлилигини «де-юре» эътироф этиб тегишли ҳисобот ҳужжатларининг ҳақиқийлигини идентификациялашнинг электрон белгиларига ва уларни тақдим этишнинг электрон шаклларига ишончли амалда намоёнлиш қилиши тўғри бўлган булур

эди. Бунинг учун зарур булган бор нарса, бу фақат Интернетнинг миллий секторида солиқ хизматлари ва давлат статистика органларининг оммавий тармоқли ресурсларини очиш ва барча юридик шахслар учун ҳисоботнинг тегишли шаклларини тўлдириш ва электрон имзолаш учун уларга *онлайн* киришни таъминлашдир.

Давлат бошқарувининг ушбу секторида ахборотлаштириш ва компьютерлаштиришнинг даражаси биз томонимиздан қайд этилганидек етарлича юқори булган бир шароитда ушбу вазифа маълум дастурий воситалар билан қисқа муддатларда ва унча кўп бўлмаган моддий харажатлар билан ҳал этилиши мумкин

*Мамлакатда электрон банк тўловлари тизимини шакллантиришни тугаллаш.* Бугуннинг узидаёқ Ўзбекистонда 1996 йилдан бошлаб динамик ривожланаётган ушбу тизим 33 тижорат банки ва уларнинг 800дан ортиқ филиалларини қамраб олган ҳолда 30 минутдан ортиқ бўлмаган вақт мобайнида ушбу банк муассасаларинг ҳар хил мижозлари уртасидаги тўловларни таъминлайди.

Техник жиҳатдан ушбу тизим бугуннинг узидаёқ банкларнинг мижозларни ўзларининг ҳисоб-рақамларидаги пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида тезкор ахборот олишлари ва улар томонидан электрон тўловлар бевосита амалга оширилиши учун банк муассасаларининг тармоқли терминалларини очиш имкониятини беради.

Бошлангич босқичда ушбу тизимни банкларнинг мижозлари «қоғоз» тўлов ҳужжатларидаги «жонли» имзога мурожаат қилмасдан ўз ҳисоб-рақамларидан электрон усулда утказадиган дебет операциялари доирасини кенгайтирган ҳолда солиқ тўловлари ва уларга тенглаштирилган бошқа тўловлар, бюджет тўловлари учун жорий этиш мумкин эди.

Барча босқичларда – тижорат таклифларини айирбошлашдан, шартномалар лойиҳаларини келишиш ва улар бўйича ваколатли юридик ҳулосалар олишдан бошлаб контрактларни пул маблағларининг тегишли электрон транзакциялари билан таъминлашгача ҳар хил битишувларни «қоғозсиз» амалга оширишни таъминлайдиган *электрон тижорат тизимини ривожлантириши (e-Commerce)*.

Ушбу масалада ҳам бугунги кунда талаб қилинадиганлари – бу «жонли» имзолар ва муҳрлар билан тасдиқланган ҳужжатларнигина ҳақиқий деб ҳисоблашга ўрганиб қолган одамларнинг маълум руҳий тўсиқларини енгиб ўтишдир (гарчи ахборот хавфсизлиги тизими техник тўғри қурилган тақдирда ҳужжатларни тасдиқлашнинг электрон

воситаларини уларнинг анъанавий «жонли» эквивалентларига қараганда қалбакилаштириш анча мураккаб бўлса ҳам).

Боз устига, бу унчалик ҳам қутилмаган қадам эмас. Бугунги кунда, масалан, ҳеч ким муомаладаги қоғоз пулларда банкирлар ва молиячиларнинг «жонли» имзолари белгилари бўлишини талаб қилмайди. Бирор юз йил олдин эса бундай имзолар жаҳоннинг куплаб мамлакатларининг нақд пул айланиши тизимларида ҳақиқийликни тасдиқлашнинг сузсиз белгиси ҳисобланар эди.

Бу уринда шунингдек шартномалар тузишнинг ушбу шаклини давлат харидларини амалга оширишда устуворликка айлантириб «қоғозсиз» битишувларга биринчи ишончни давлат намойиш қилиши мақсадга мувофиқ бўлган бўлур эди.

Давлат органлари ва бизнес субъектларининг тижорат муносабатлари электрон шакллариининг истиқболлигидан уларнинг жаҳон ҳамжамиятида кенг ёйилганлигидан далолат беради. Масалан, АҚШнинг Федерал ҳукумати идора товарларини харид қилишга ҳар йили онлайнда 10 млрд долларгача сарфлайди. Европа Иттифоқи мамлакатларининг онлайн давлат харидлари янада каттароқдир. У йилига 700 млрд еуродан ортиқни ташкил этади.

*Онлайн режимида электрон юридик маслаҳатлар тизимини ташкил этиши* бизнес субъектларига комплекс электрон давлат хизматларининг «биринчи навбатини» жорий этишни мантиқий тугаллаши мумкин. 1994 йилдан бери ривожланиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ахборот-коммуникация ресурслари мавжуд бўлиши шароитида ушбу вазифа техник мураккаблиги ва талаб этиладиган моддий харажатлари буйича Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан утказилаётган илоравий конун ости ҳужжатлари ва сайтга кирувчилар билан форумлар ва чат воситалари билан осон амалга ошириладиган интерактив узаро ҳамкорликнинг амалдаги конун ҳужжатларининг ахборот ресурсларига оммавий киришни таъминлайдиган яхши ташкил этилган Интернет сайт очиш учун сарфланадиган маблағлардан ортиқ бўлмайди.

Бу – жорий этилиши принцип жиҳатидан норматив-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан тайёрланган G2B нимтизимининг электрон хизматларининг энг кичик рўйхатидир. Биз томонимиздан олдинги бобларда тадқиқ қилинган жаҳоннинг куплаб мамлакатлари тажрибаси купчилик ҳолларда давлат бошқарувида АКТ лойиҳаларини амалга ошириш айнан мана шу сервислардан бошланишини кўрсатади. Бу жамиятнинг давлат ҳокимиятининг электронлашишига ишончини етарлича тез

мустаҳкамлаш, ушбу жараёнларга яхши бошлангич турки бериш имкони беради.

### 3-§. «Давлат – Фуқаролар» (G2C)

Биз томонимиздан олдинги параграфда куриб чиқилган бизнес субъектларига электрон давлат хизматларининг бирламчи руйхати ушбу нимтизимда юридик шахслар эмас, балки жисмоний шахслар хизматларининг истеъмолчилари булиши билан боғлиқ узига хослик юзасидан фақат кичик бир тузатиш билан G2C нимтизими учун «бошлангич капитал» булиши учун барча асосларга эгадир.

Мана шу нуқтаи назардан мазкур параграф агар битта муҳим ҳолат мавжуд бўлмаганда биз китобнинг бошида айтиб ўтган билан чекланган ҳолда китобнинг энг қисқа параграфи булиши мумкин эди.

Айнан айтганда, агар давлат муассасалари ва бизнес сектор *онлайн* режимида узаро муносабатларга утишига техник жиҳатдан тайёр экан, у ҳолда «индивидуал сектор»нинг АКТ лойиҳаларини жорий этишга тайёргарлиги даражаси бугунги кунда деярли нол ҳисобланади.

Бу жиҳатдан Ўзбекистон имкониятлар рўёбга чиқарилмаган мамлакат. Боз устига анчагина катта имкониятларни.

Ушбу соҳада пайдо бўладиган муаммоларнинг қуламлари туғрисида қуйидаги рақамлар умумий курилишда ҳукм чиқариш имконини беради.

Бугунги кунда мамлакатда 25 млндан ортиқ киши яшайди, улардан фақат 37 фоизи – шаҳарларда, 63 фоизи эса – қишлоқ жойларда яшайди. Аҳолининг 54 фоизи меҳнат қилиш лаёқатига эга булган ёшдаги кишилар, 7 фоизи меҳнат ёшидан катта ёшдагилар ва 39 фоизи меҳнат қилиш ёшидан кичик ёшдагилардир.

Аҳоли 30 дан ортиқ шаҳарлар ва 160 қишлоқ туманларида яшайди. Аҳоли бевосита яшайдиган жойларда 12 мингдан ортиқ маҳалла, 8600 умумтаълим урта мактаблари, куплаб милиция таянч пунктлари, солиқ инспекцияларининг участка пунктлари, аҳолига тиббий хизмат курсатишнинг бирламчи бугини муассасалари мавжуд.

Ҳурматли китобхон, яхши маълум булган ушбу рақамлар нима учун келтирилаяпти деб сурашингиз мумкин? Энг аввало G2C нимтизимини жорий этишга тайёргарликнинг зарур даражасини таъминлаш учун қандай ҳажмдаги олдиндан бажариладиган ишларни бажаришни реал баҳолаш учун зарур.

Ушбу статистиканинг иккинчи томонига мурожаат қиламиз. Бу аҳоли учун АКТдан фойдаланиш даражасини тавсифлайди.

*Интернет ресурсларига кириши.* Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳолининг икки фоиздан ортиги Интернетга кириши мумкин. Давлат бошқарувида АКТ лойиҳаларини самарали жорий этиш учун эса ушбу курсаткични камида 12-15 фоизга етказиш зарур. Боз устига, бугунги кунда Интернетга dial-up йули билан кириш фақат вилоят марказларида ва вилоятга қарашли бир неча шаҳарлардагина таъминланмоқда. Қишлоқ туманларида ушбу ресурслардан амалда фойланиш жуда мураккаб, бу эса мамлакат аҳолисининг деярли учдан икки қисмини яқин келажакда Интернетга кириши масаласини етарлича муаммога айлантиради.

*Компьютер саводхонлиги даражаси.* 2004 йил бошида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ўтказилган социологик сўров катга ёшдаги аҳолининг фақат учдан бир қисмигина офис ишининг оддий дастурий воситалари ва Интернетда навигация билан ишлаш куникмасига эга эканлигини кўрсатади. Аҳвол айниқса қишлоқ жойларда ўрта умумтаълим мактабларнинг компьютер билан жиҳозланганлиги паст даражада эканлиги бўилан янада чуқурлашади. Қишлоқ жойларда қуплаб мактабларда компьютер синфлари ёхуд умуман жиҳозланмаган, ёхуд 1990 йилларнинг бошидаёқ эскириб қолган «Правец» ва «Корвет» каби компьютерлар негизда ташкил этилган.

*Аҳоли учун тегишли техник ва дастурий воситаларга киришнинг нархини қулайлиги.* Компьютер техникаси воситаларининг мамлакат бозори маиший сегментидаги нарх омиллари таҳлили қупчилик уртача таъминланган оилаларда уй тармоғи мавжуд бўлиши норма ҳисобланган ривожланган мамлакатлардан фарқ қилган ҳолда Ўзбекистонда даромади уртача бўлган оилалар учун ҳагто битта уй компютери ҳамон эришиш мумкин бўлмаган муаммо ҳисобланишини кўрсатади.

Шундай қилиб, иккита бошқа нимтизимлардан фарқ қилган ҳолда G2C нимтизимида давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш икки ўзаро боғлиқ вазифани – аҳолининг компьютер саводхонлиги даражасини ошириш бўйича *оммавий маърифат ишлари* ва *давлат муассасаларининг корпоратив тармоқлари ресурсларига жамоавий киришнинг инфратузилмасини барпо этиш* вазифаларини ҳал этишдан бошланиши керак.

Агар ушбу масаланинг амалий жиҳати ҳақида сўз борадиган бўлса, у ҳолда қуйидагилар дастлабки қадамлар бўлиши керак:

хар қандай аҳоли пунктдан айниқса қишлоқ жойлардан Интернетга тезликда киришнинг ишончли кафолатлайдиган симли ва симсиз алоқа воситаларини тезкор ривожлантириш;

умумтаълим мактаблари, кутубхоналар, тиббий ёрдамнинг бирламчи бўғини муассасаларида, маҳалла гузарларида ва ҳокозоларда глобал ва корпоратив тармоқ ресурсларига киришнинг жамоатчилик пунктларини жиҳозлаш, шунингдек Интернет киоскалар деб аталган тармоқни ташкил этиш;

барча ёш гуруҳларига мўлжалланган компьютер даражаси саводхонлигини ошириш дастурларини, масалан, ҳозирги вақтда ишлаб чиқиляётган «7 дан 70 гача» дастурини амалга ошириш;

нархига кура оммавий моделлардаги телевизорлар ва маиший телефон аппаратлари билан таққосланадиган кейинги вақтларда пайдо бўлган компьютерларга муқобил бўлган телевизион Интернет типидagi Интернетга киришнинг арзон шахсий воситалари бозорини тезкор ривожлантириш.

Ушбу ва бошқа қўшимча вазифаларни ҳал этиш тахминан 4-5 йилга чўзилиши катта молиявий инвестицияларни талаб этиши мумкин. Бирок бунингсиз G2C нитиизими, бинобарин электрон ҳукуматнинг бутун тизимини жорий этиш муҳокамалар ва баёотлар даражасида қолади.

#### 4-§. Рақамли демократия

Демак, мамлакатнинг давлат бошқарувида АКТ тизимларини амалда жорий этишнинг барча масалаларидан бир масала – рақамли демократия туғрисидаги масала куриб чиқилмасдан қолди. Бу, жаҳон тажрибаси курсатганидек, – ривожланишнинг навбатдаги босқичидир, уни амалда рўёбга чиқаришга бугунги кунда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари эндигина киришмоқда. Аммо шунга қарамай, бу – ҳар қандай ҳолатда ҳеч бўлмаганда концептуал даражада ишлаб чиқишни талаб этадиган шак-шубҳасиз қадамдир.

Муаллифлар тегишли эксперт ишланмаларини олдиндан билиб олишга уринмай, ахборотлантириш даврида инсоният ривожланишининг ушбу феномени ҳақида китобхоналарда мулоҳаза юритишни уйғотиш мақсадида айрим асосий масалаларни белгилаб олишни барибир зарур деб ҳисобладилар.

*Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш концепциясини амалга оширишнинг асосий мақсадларидан бири фуқароларнинг жамият ҳаётида иштирокини кенгайтириш ҳисобланади. Бунда давлатнинг ўз фуқароларига давлат ахборотидан фойдаланишларига эркинлик бериб ва ҳар хил электрон сайловлар, муҳокамалар, референдумлар ва ҳокозоларда иштирок этиш*

имкониятини кенгайтириб улар билан узаро муносабатларни куриш имконини берадиган ахборот технологиялари муҳим урин тутади. Шундай қилиб, давлат бошқаруви органлари фуқароларни фикрини билишни таъминлаши ва фуқаролик жамиятининг талаблари ва манфаатларига кўп даражада жавоб бериши мумкин.

*Ахборот нотенглигини тугатиш янги жамиятга ўтишининг мажбурий шартларидан бири ҳисобланади. Бунда давлатга ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш куникмаларини эгаллаб олиш имкониятини берадиган мутлақо янги таълим тизимини яратиш ва жорий этишга кўмаклашадиган етакчилик ролини ўз зиммасига олишдек ажойиб имконият берилади. Аҳолининг барча қатламлари учун таълим ва технологиялардан фойдаланишнинг тенг имконияти бўнинг асоси булиши керак.*

*Рақамли демократия электрон давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнида фуқаролар томонидан ахборот-коммуникация технологияларини узлаштириб олишнинг натижаси сифатида пайдо булади. Изчиллик айнан мана шундай, чунки рақамли демократия фуқароларнинг ахборот инновацияларига руҳий мослашишининг тегишли даражасини, улар томонидан давлат бошқаруви тизими билан узаро муносабатлар жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмасини узлаштириб олишни талаб этади. Давлат бошқарувида АКТнинг бошқа нимтизимлари сервислари камроқ тайёргарликни талаб қилади, чунки транзакциялар кўп жиҳатдан автоматлаштирилган шакллар тўлдирилишидан иборатдир. Улар кўпимча равишда жавобларнинг вариантларини танлашни таклиф этади. Фуқаролар тармоқли транзакцияларнинг бошланғич кўламларини эгаллаб олиб рақамли демократияда ишга туштирилган мураккаброқ схемаларни ҳам эгаллаб оладилар.*

*Рақамли демократия, давлат бошқарувида АКТнинг бошқа нимтизимларига таққослаганда – нисбатан етилмаган тушунча, унинг аҳамияти ҳали тулиқ аниқланмаган. Бироқ, давлат бошқарувида АКТни жорий этишда булгани сингари, рақамли демократия қачондир реалликка айланади. У одамларга зарур булганлиги учун ҳам ҳаётга татбиқ этилади.*

*АКТнинг бошқарув тизимларини жорий этиш – иқтисодий фондали лойиҳа, рақамли демократия эса – ижтимоий аҳамиятли лойиҳа. Модомики ҳар иккала лойиҳа энг аввало капитал қўйилмаларни (бюджет маблағлари ёки хусусий маблағлар эқанлиги муҳим эмас)*

талаб этар экан, тезроқ қопланадиганидан, яъни бошқарувдан бошлаш зарур.

*Куплаб мамлакатларда булунги жамият учун сиёсий бегоналикни хис этиш хосдир, бу сайловчиларнинг уюлмаганилигида, сиёсий партиялар аъзолари сонининг камайишида ва давлат тузилмаларига муайян ишончсизликда намён бўлади. Одамлар уларга партиялар ва давлат томонидан тикиштириладиган чеклаб қўядиган доиралардан ташқарида ўз сиёсий эътиқодларини ифодалашнинг муқобил усулларини топадилар.*

*Интернет аъъанавий сиёсий тузилмаларга қарши турадиган восита ҳисобланади, чунки ахборотни одамларнинг кенг доираси орасида осон ва тез тарқатиш имконини беради, демак оддий фуқароларга куплаб профессионалларга, давлат мутахассисларига, жумладан, сиёсатчиларга қараганда аниқ масалалардан кўпроқ хабардор бўлиш имконини беради.*

*Рақамли демократия фуқаролик жамиятининг сиёсий майдонини узгартиради – фуқароларнинг янги, фаол иштироки нуқтаи назари шаклланади. Сиёсий партиялар, алоҳида сиёсатчилар, жамоат ташкилотларининг фаолияти қисман кибермаконга кўчирилади, сиёсатчилар ва давлат арбобларига қўйиладиган талаблар узгаради. Утиш даврида бу аъъанавий демократияга хос бўлган салбий белгиларни кўчайтиради, бироқ ахборот жамиятининг тобора кўпроқ қисмлари жорий этилиши билан салбий кўринишлар аста-секин ижобий кўринишлар билан алмашади.*

*Рақамли демократия – бу ахборот жамияти учун характерли бўлган ва узиди бевосита ва референдумли демократиянинг хоссаларини, шунингдек ахборот технологиялари имкониятларини бирлаштирадиган ташкилот шакли. Бу ахборот тармогида референдумлар утказиш, қонун ижодкорлиги ташаббуси билан чиқиш ва қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини амалга ошириш йули билан асосий қарорлар қабул қилинишида фуқароларнинг бевосита қатнашишини англаатади. Кўп холларда кўпчиликнинг устуворлиги принциpidан воз кечиш ва рад этиладиган озчилик инкор этилмайдиган консенсус қарорларга ўтиш рақамли демократия тизимининг муҳим тавсифи ҳисобланади.*

**9-боб. Яқини боб. Ёхуд яна бир бор давлат бошқарувида АКТ  
жорий этилиши шималар бериши ҳақида**

Биз томонимиздан юқорида келтирилган давлат бошқарувида АКТни жорий этиш лойиҳаларини амалга оширишнинг жаҳон тажрибаси шарҳи бундай лойиҳа Ўзбекистонда амалга оширилиши, сўзсиз, иқтисодиётнинг барча соҳаларига ва ижтимоий ҳаётга комплекс ижобий таъсир этишини кўрсатади.

Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва ёйиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳам жамият, бизнес субъектлари ва алоҳида фуқаролар уртасида, ҳам уларнинг барчаси уртасида ахборот айирбошланиши тубдан жадаллаштиришга кумаклашади. Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, иқтисодиёт ва жамиятда мониторинг жараёнилари учун принципиал жиҳатдан янги имкониятларни яратиш ва ушбу жараёнларни тартибга солиш бўйича мақбул қарорлар уз вақтида қабул қилиниши бунинг оқибати ҳисобланади.

Замонавий ахборот технологияларини вазирликлар ва идоралар, шунингдек бошқарувишиг минтақавий органлари ишини ташкил этишга жорий этиш улар фаолияти жараёнларини мақбуллаштиради, бошқарув чиқимларини, шу жумладан ушбу хизматларнинг техник ходимларининг бир қисмини бушатиб олиш ҳисобига, қисқартириш имконини беради.

Алоҳида давлат ахборот ресурсларининг ягона тизимга интеграцияси катта аҳамиятга эга бўлади (жумладан, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа идоралар). Бу ҳўжалик қаллобликлари учун мавжуд тирқишларни, қонунлар бузилишини, солиқлардан бош тортишни ва ҳоказоларни тубдан қисқартириш имконини беради.

Бизнес соҳасида ахборотни бошқаришнинг замонавий методларини ва ҳужжатларнинг электрон айланишини жорий этиш бўйича назарда тутилган чора-тадбирлар битишуларни амалга оширишга сарфланган вақтни қисқартиришга ва бунинг натижаси сифатида транзакцион чиқимларни қисқартиришга, корхоналарнинг рақобатга бардошлилигини оширишга олиб келади.

Ахборот очиклигини ва қарорлар қабул қилиш ошкоралигини таъминлаш, жамият билан давлат уртасидаги ишонч даражасини ошириш учун ахборот айирбошланишнинг замонавий методларини ривожлантириш негизида давлат билан жамият уртасида принципиал жиҳатдан янги имкониятлар яратилади.

Ниҳоят, давлат бошқарувида АКТнинг тегишли тизимларини шакллантириш вазифаларини босқичма-босқич амалга ошириш Ўзбекистоннинг коммуникациялар ва стандартлар жаҳон тизимига жадал интеграцияси учун зарур ва етарли шарт-шароитлар яратади, мамлакатнинг глобал ахборот тармоғида ҳозир булишини кенгайтиришга, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишнинг йуналишлари доираси ва куламлирини динамик ривожлантиришга кумаклашади.

Бундай лойиҳаларни Ўзбекистонда амалга оширишнинг назарда тутилган ижобий оқибатлари умуман олганда мана шулардан иборат. Уларнинг куплари иқтисодий самарадорликка қараганда купроқ сиёсий хусусиятга эга. Бу хайрон қоларли эмас. Давлат бошқаруви сифатининг яхшиланиши уз-узидан бирор-бир аҳамиятли туғридан-туғри иқтисодий самарага олиб келмаслиги мумкин. Бироқ куплаб мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, давлат бошқарувининг «электронлашиши» сузсиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг купроқ динамикага, бинобарин, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулот ва аҳолининг реал даромадлари устишининг юқорироқ ва аҳамиятли натижаларига олиб келади. Яъни, давлат бошқарувида АКТни куллашнинг энг катта аҳамияти энг аввало у бунга ухшаш узгартиришларнинг рағбатлантирувчи тизими ҳисобланишидан иборатдир.

## Яқун ўрнида

Давлат бошқарувида АКТни қўллаш ўзида нимани ифодалайди ва тегишли лойиҳаларни Ўзбекистонда жорий этишдан қўтилаётган афзалликлар умуман нималардан иборат эканлиги туғрисидаги масалага бағишланган кичик тадқиқотимизнинг охирига ҳам етиб келдик.

Биз расмий ҳужжатларнинг мазмуни ва айрим концептуал ишланмалар туғрисидаги ортиқча тафсилотлар билан китобхонларни толиқтириб қўймасликка ҳаракат қилдик. Бундай тафсилотларга кимки қизиқса тегишли ахборотни ушбу китобга иловалардан топади.

Биз ўз лойиҳамизни бошлар эканмиз давлат бошқарувида АКТни жорий этиш билан боғлиқ масалаларнинг барчасини батафсил баён этишга талабгорлик қилмадик. Бунинг устига буни *handbook* (кафтдаги китоб) форматидаги китобда амалга ошириш ҳам мумкин эмас. Батафсил қўриб чиқишга лойиқ бўлган қўлаб масалалар бизнинг китобимиз доирасидан ташқарида қолди. Бундай масалаларга қизиқадиганларни биз илова қилинаётган библиография, шунингдек «Рақамли ривожланиш ташаббуси» Дастурининг Интернет сайти ахборот ресурслари билан танишишга таклиф қиламиз – [www.ddi.uz](http://www.ddi.uz).

Муаллифлар ушбу якуний саҳифаларгача етиб келганлигингиз, сабр-тоқатингиз учун Сиз ҳурматли китобхонга миннатдорчилик билдирадилар. Агар Сизда бизнинг унча қатта бўлмаган тадқиқотимиз мавзусига қизиқиш уйғотибгина қолмай, балки тегишли лойиҳаларни рўёбга чиқаришда имкони борича амалий иштирок этишга интилишни уйғотган бўлсак ўз миссиямизни бажардик деб ҳисоблаймиз. Чунки ушбу йўналишда фақат давлат ва жамият ўзаро муносабатларининг замонавий ва самарали механизмлари шакллантирилишидан манфаатдор бўлган барчанинг биргаликдаги саъй ҳаракатлари билан сезиларли тараққиётга эришиш мумкин.

Муаллифлар ушбу кўп қиррали, бизга ҳеч қачон тамом бўлмайдигандек бўлиб туюладиган ушбу китоб мавзусига яна кўп марта қайтиш умидиладирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тугрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармони

Ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тулиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд булишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг биринчи галдаги энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

замонавий ишончли ва хавфсиз миллий маълумотлар ахборот базаларини яратиш, ахборот ресурслари ва хизматларининг бозорини ривожлантириш, ахборот алмашувнинг электрон шаклларига изчиллик билан босқичма-босқич утиш;

реал иқтисодиёт тармоқларида, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд булишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

мактаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий уқув юртларининг таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллашга ҳамда уларни фаол қўлланишга асосланган илғор таълим тизимларини киритиш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини ишлаб чиқиш, республика, тармоқ ва маҳаллий ахборот-коммуникация тармоқларини шакллантириш, компьютер ва телекоммуникация техникасини ишлаб чиқиш соҳаларида ишлаш учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

ахборот-коммуникация тармоқлари ва хизматлари конвергенциясини назарда тутган ҳолда мамлакатнинг барча ҳудудида ахборот-коммуникация технологияларининг техникавий инфратузилмасини, шу жумладан кўчма алоқа, IP технологиялари, бошқа замонавий телекоммуникация ва маълумот узатиш воситаларини жадал ривожлантириш;

миллий ва халқаро ахборот тармоқларига ғоят тезкорлик билан кириб боришни жорий этиш, аҳоли пунктлари, шу жумладан қишлоқ аҳоли пунктларининг уларга кириб боришини таъминлаш;

сифатли маҳаллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишни рағбатлантиришнинг самарали механизмини яратиш;

маҳаллий компьютер техникаси ва унга бутловчи буюмлар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишга кумаклашиш.

2. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Мувофиқлаштирувчи Кенгаш компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида юқори мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

3. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш зиммасига қуйидаги вазифаларни ҳал этиш юклансин:

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг замонавий халқаро тенденцияларга ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мос келувчи устувор йўналишларини белгилаш;

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар ҳамда иқтисодий омиларни вужудга келтириш юзасидан Ҳукумагга таклифлар киритиш;

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасига оид дастурлар, лойиҳалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, жумладан мутахассисларни чет элларда ўқитиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида рақобат мўҳитини шакллантиришга кумаклашиш, инновация бизнесини, шу жумладан маҳаллий дастурий воситалар ва компьютер техникасини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, иқтисодийётнинг барча соҳалари ва тармоқларини компьютерлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, ахборот-коммуникация технологияларининг инфратузилмасини ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, ҳомийлик маблағлари ва грантларни жалб этишга, таълим муассасаларининг ахборот тармоқларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга кумаклашиш.

4. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш 2002 йилнинг 1 октябрига қадар:

2003-2010 йилларда телекоммуникация ва маълумот узатиш миллий тармоғини ривожлантириш дастурини;

2003-2010 йилларда давлат бошқарувида электрон технологияларини жорий этиш дастурини;

2010 йилгача бўлган даврда электрон тижоратни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамаси тақдим этсин.

5. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги этиб қайта ташкил этилсин ҳамда унга қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин;

маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон-телеграф ва почта алоқаси, матбуот тарқатиш, маълумот узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет, радиоалоқа, радио эшиттириш ва телевидение тармоқларини барпо этиш, фаолиятини йулга қуйиш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги стратегик устувор йуналишларни рўёбга чиқариш;

почта алоқаси тизими фаолиятини бошқариш, телекоммуникациялар ва ахборот узатиш тармоқларини ривожлантиришни давлат томонидан бошқариш, ушбу соҳаларда рақобат мужитини вужудга келтириш, тегишли фаолият турларини лицензиялаш;

ахборот тизимлари, телекоммуникациялар ва маълумот узатиш тармоқларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш;

замонавий халқаро стандартларни жорий этиш, телекоммуникация ва ахборот технологияларига оид маҳаллий стандартларни, техник шартлар ва талабларни ишлаб чиқиб, уларни тасдиқлаш;

ахборот ресурслари бозорини ривожлантириш, давлат бошқаруви, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳаларида, шунингдек жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ахборот алмашувнинг электрон шаклларига ўтиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилиш.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш буйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ишчи органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги 2002 йилнинг 1 августига қадар йирик хорижий ва маҳаллий компьютер ҳамда ахборот компаниялари билан биргаликда Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказини ташкил қилсин.

6. Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бюджетдан ташқари жамғармасининг номи Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси деб узгартирилсин.

Бюджетдан ташқари жамғармага маълумот узатиш тармоқлари ва ахборот технологияларини ривожлантириш соҳасидаги устувор лойиҳалари ва илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлаш вазифаси юклансин.

7. Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилсин.

2002/2003 ўқув йилидан бошлаб Тошкент ахборот технологиялари университетида дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, тармоқ технологиялари, кўчма радиотелефон алоқаси, электрон тижорат ва ахборот хавфсизлиги соҳалари бўйича мутахассислар тайёрланиши назарда тутилсин.

8. 2006 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга:

республикага олиб келинаётган компьютер маълумотларини узатиш тармоқларини барпо этишга мўлжалланган асбоб-ускуналар, компьютер техникаси ва унга бутловчи буюмлар, шунингдек дастурий воситалар божхона тўловларини (божхона расмийлаштириши учун йигим бундан мустасно) тулашдан;

компьютер ва ахборот технологияларига ўқитиш бўйича хизматлар, дастурий воситаларни сотиш, шунингдек уларга сервис хизматлари кўрсатиш қўшилган қиймат солиғидан озод этилсин.

9. 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб дастурий воситалар ишлаб чиқариш, компьютер техникаси ва дастурий воситаларга сервис хизматлари кўрсатиш, аҳолига компьютер техникасида ва ахборот технологиялари билан ишлашни ўргатиш юзасидан хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослашган ташкилотларга (уларнинг катта-кичиклигидан қатъи назар) ягона солиқ тулаш тартиби таъбиқ этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар туғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

12. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти                    И.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 30 июндаги 200-сон Қарори

(Мазкур Қарорга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартiriшлар киритилган УЗР ВМ 25.08.2003 й. 367-сон Қарори, УЗР ВМ 07.05.2004 й. 215-сон Қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармонини бажариш юзасидан ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устуворликларни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:

2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ;

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(УЗР ВМ 07.05.2004 й. 215-сон Қарорига мувофиқ 1 банднинг туртинчи хат боши чиқариб ташланган)

2. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш:

ишчи гуруҳларнинг таркибини белгиласин ва 20 кун муддатда 2003-2010 йилларда телекоммуникациялар ва маълумот узатиш миллий тармоғини ривожлантириш, 2003-2010 йилларда давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш, 2010 йилгача булган даврда электрон тижоратни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш жадвалини ва дастурлар таркибини тасдиқласин;

ишлаб чиқиладиган дастурларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг мазкур қарорда белгиланган мақсадли курсаткичларига эришиш учун зарур чора-тадбирларни, уларнинг бажарилиши учун маъсул ижрочиларни ва маблаг билан таъминлашнинг аниқ манбаларини назарда тутсин;

ишчи гуруҳларнинг таркибини белгиласин ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурида назарда тутилган қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкил этсин.

3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда курсатиб ўтилган 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун асосан имтиёзли хорижий кредитлар ва грантларни жалб этсин;

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий ва урта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

2003 йилдан бошлаб ахборот-компьютер технологиялари соҳасида жаҳонда ва мамлакатимиздаги тенденциялар ва ютуқларни ёритувчи, албатта Интернет-нусхаси бўлган махсус журнал чиқарилишини ташкил этсин.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказига қўйидаги асосий вазифалар юклансин:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буюртмаси бўйича ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида дастурлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

реал иқтисодиёт тармоқлари, бошқарув, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳалари учун, шунингдек электрон тижорат дастурини амалга ошириш учун амалий ва мослаштирилган дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини, веб-сайтлар ва бошқа дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича тендерларида иштирок этиш;

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалалари юзасидан бошқарув органлари, бюджет ташкилотлари ва хусусий бизнесга кенг миқёсдаги ахборот, сервис ва консалтинг хизматлари кўрсатиш;

хар чорақда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг жаҳонда ва мамлакатимиздаги тенденциялари, ушбу соҳадаги замонавий халқаро стандартлар тўғрисида ахборотлар ва шарҳлар тайёрлаш.

Белгилансинки, Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказининг жорий фаолиятини маблаг билан таъминлаш бажарилган ишлар (курсатилган хизматлар) учун олинган уз маблағлари, Фан ва технологиялар марказининг, халқаро жамғармалар ва ташкилотларнинг грантлари, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа даромадлар ҳисобига амалга оширилади.

5. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2002 йил охиригача Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказининг кумагида маҳаллий идоравий компьютер тармоқларини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқсинлар, уларнинг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида экспертизадан ва синовдан ўтказилишини ташкил этсинлар, шунингдек ички электрон ҳужжатлар айланишини босқичма-босқич жорий этиш, ахборот ресурсларини Интернет тармоғига жойлаштирган ҳолда уларни шакллантириш ва доимий равишда янгилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар;

2002 йилнинг охиригача тегишли давлат бошқарув органлари аппаратларининг масъул ходимларига замонавий компьютер ускуналарида, шу жумладан маҳаллий компьютер тармоқларидан, шунингдек Интернет тизимидан фойдаланган ҳолда ишлашни босқичма-босқич ургатиш тадбирларини амалга оширсинлар.

2002 йилнинг охиригача ўзларининг фаол ишлайдиган веб-саҳифаларини яратсинлар, уларни Интернет тармоғида жойлаштирсинлар ва келгусида уларни мунтазам янгилаб борсинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари дастурий воситаларни ишлаб чиқиш, провайдерлик, хостинг, Интернет хизматлари курсатиш, маълумотларнинг ахборот базаларини, веб-сайтларни шакллантиришга доир хизматлар курсатиш, компьютер техникасига сервис хизмати курсатиш, маҳаллий тармоқлар яратиш бўйича хусусий компаниялар ташкил этишга ҳар томонлама қумаклашсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги:

ихтисослаштирилган олий укув юрғларида, касб-ҳунар коллежларида ва академик лицейларда дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини, мультимедиа, компьютер техникасини ишлаб чиқиш ва уларга хизмат курсатиш бўйича юқори малакали мутахассислар ва техник ходимлар, шунингдек компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланувчилар тайёрлашни кенгайтирсин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда умумтаълим мактабларининг барча ўқувчиларини ва талабаларни компьютер ва ахборот технологиялари билан ишлашга кенг қўламда ўқитишни таъминласин;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда урта ва олий таълимнинг таълим стандартларига мувофиқ равишда электрон ўқитиш базасини яратиш, таълим муассасаларининг ахборот инфратузилмасини

шакллантириш, барча ўқув муассасаларида инглиз тилини чуқур ўрганиш, шунингдек республика ахборот тармоғида лотин алфавитига асосланган ўзбек тилидан фойдаланишнинг стандартлаштирилган механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш буйича дастурий чора-тадбирлар туғрисида бир ой муддатда таклифлар ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги истиқболли илмий-амалий тадқиқотлар ва инновация фаолиятига грантларнинг биринчи навбатда ажратилишини назарда тутсин.

9. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қумитаси, Адлия вазирлиги ўқув юртлари ва илмий муассасаларга, қишлоқ жойлардаги Интернетдан фойдаланувчиларга имтиёзли тарифлар буйича хизмат курсатувчи провайдерлар ва операторлар учун мақсадли имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги 2002-2005 йилларда Миллий университет, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат иқтисодий университетини ҳузурида ахборот ва компьютер технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш буйича ихтисослаштирилган факультетларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни методологиялар ва кадрлар билан таъминлаш учун молиявий ресурслар ажратилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодий ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги:

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда мамлакатимизда компьютерлар ва улар учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш масаласини уч ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурига мувофиқ амалга оширилаётган лойиҳаларни Республика инвестиция дастурига киритсинлар.

*(ЎзР ВМ 25.08.2003 и. 367-сон Қарорига мувофиқ 12 банд ўз кучини йўқотган)*

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар туғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг уринбосари А.Н. Орипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» 2002 йил 12 декабрдаги 439-II-сон Қонуни

---

**1-модда.** Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этилишини, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини, шунингдек ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

**2-модда.** Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда.** Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ахборот** – манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ходисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар;

**ахборот мулкдори** – уз маблағига ёки бошқа қонуний йул билан олинган ахборотга эгаллик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**ахборотни муҳофаза этиш** – ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари;

**ахборот ресурслари** – алоҳида ҳужжатлар, ҳужжатларнинг алоҳида тупламлари, ахборот тизимларидаги (кутубхоналардаги, архивлардаги, фондлардаги, маълумотлар банкларидаги ва бошқа ахборот тизимларидаги) ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг тупламлари;

**ахборот соҳаси** – субъектларнинг ахборотни яраташ, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти соҳаси;

**ахборот борасидаги хавфсизлик** – ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати;

**ахборот эгаси** – қонунда ёки ахборот мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**махфий ахборот** – фойдаланилиши қопун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйилмадиган ҳужжатлаштирилган ахборот;

**оммавий ахборот** – чекланмаган доирадаги шахслар учун мулжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуал хамда бошқа хабарлар ва материаллар;

**ҳужжатлаштирилган ахборот** – идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари қўйилган ҳолда моддий жисмда қайд этилган ахборот.

#### **4-модда. Ахборот эркинлиги**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эга.

Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин.

#### **5-модда. Ахборот эркинлигининг асосий принциплари**

Очиқлик ва ошкоралик, ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва ҳаққонийлик ахборот эркинлигининг асосий принципларидир.

#### **6-модда. Ахборотнинг очиқлиги ва ошкоралиги**

Ахборот очиқ ва ошқора бўлиши керак, махфий ахборот бундан мутасанно.

Махфий ахборотга қуйидагилар кирмайди:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни рўёбга чиқариш тартиби тўғрисидаги, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонун ҳужжатлари;

экологик, метеорологик, демографик, санитария-эпидемиологик, фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда аҳолининг, аҳоли пунктларининг, ишлаб чиқариш объектлари ва коммуникацияларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ахборотлар;

кутубхоналарнинг, архивларнинг ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият курсатаётган юридик шахсларга тегишли ахборот тизимларининг очик фондларидаги мавжуд маълумотлар.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг узини узи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотлари жамият манфаатларига тааллуқли воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига хабар бериши шарт.

**7-модда.** Ахборотдан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва унинг ҳаққонийлиги

Ахборот ундан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги таъминланган ва ҳаққоний булиши керак.

Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари узлари тарқатаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

Ахборот мулкдори, эгаси ахборот беришни рад этаётгани устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**8-модда.** Ахборот эркинлиги кафолатлари

Давлат ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқини ҳимоя қилади. Жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқега қараб ахборот олиш ҳуқуқи чекланишига йул қўйилмайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг узини узи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга узининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор булган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасида цензурага ва ахборотни монополлаштиришга йул қўйилмайди.

**9-модда.** Ахборот олиш тартиби

Ҳар ким ахборот олиш учун бевосита ёки вакиллари орқали ёзма ёхуд оғзаки суров билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Ёзма суровда мурожаат этувчининг исми, отасининг исми, фамилияси, манзили (юримдик шахсларнинг эса реквизитлари) ҳамда суралаётган ахборотнинг номи ёки хусусияти кўрсатилиши лозим. Суровлар белгиланган тартибда рўйхатдан утказилиши керак.

Ёзма суровга имкон қадар қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, суров олинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши лозим.

Оғзаки суровга, имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши керак.

Суралаётган ахборотни ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган муддатда тақдим этишнинг иложини бўлмаган тақдирда ахборот олиш учун мурожаат этган шахсга уни тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисида хабар юборилади.

Суралаётган ахборотни тақдим этишни кечиктириш суров берилган санадан эътиборан икки ойдан ортиб кетмаслиги лозим. Тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисидаги хабар ахборот сураб мурожаат этган шахсга суров олинган санадан эътиборан бир ҳафта муддат ичида юборилади.

Тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

суралаётган ахборотни вақтида тақдим эта олмаслик сабаблари;

суралаётган ахборот тақдим этиладиган сана.

Агар суров тушган орган ёки мансабдор шахс суралаётган ахборотга эга бўлмаса, ахборот сураб мурожаат этган шахсга суров олинган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай бу ҳақда маълум қилиши шарт.

Ахборот берганлик учун белгиланган тартибда ҳақ олиниши мумкин.

**10-модда.** Ахборот беришни рад этиш

Агар суралаётган ахборот махфий бўлса ёки уни ошкор этиш натижасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етиши мумкин бўлса, ахборотни бериш рад этилиши мумкин.

Суралаётган ахборотни бериш рад этилганлиги тўғрисидаги хабар суров билан мурожаат этган шахсга суров олинган санадан эътиборан беш кунлик муддат ичида юборилади.

Рад этиш тўғрисидаги хабарда суралаётган ахборотни бериш мумкин эмаслиги сабабини кўрсатилиши керак.

Махфий ахборот мулкдори, эгаси ахборотни суралаётган шахсларни бу ахборотни олишнинг амалдаги чекловлари тўғрисида хабардор этиши шарт.

Ахборот берилиши қонунга ҳилоф равишда рад этилган шахслар, шунингдек ўз суровига ҳаққоний бўлмаган ахборот олган шахслар ўзларига

етказилган моддий зарарнинг ўрни қонунда белгиланган тартибда қопланиши ёки маънавий зиён компенсация қилиниши ҳуқуқига эга.

#### 11-модда. Ахборотни муҳофаза этиш

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак.

Ахборотни муҳофаза этиш:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқалиши, уғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

#### 12-модда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати

~~Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йуналишларини, шунингдек фуқароларнинг узини узи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.~~

#### 13-модда. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги

Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва қафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишдан ҳимоя қилиш йули билан таъминланади.

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сузлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йул қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар туғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва

қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгаллик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаиши ёки таҳаллуслини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

#### **14-модда.** Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги

Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қўйидаги йуллар билан эришилади:

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга хилоф равишда ижтимоий онга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йул қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

миллий узлиқни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш.

#### **15-модда.** Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги

Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қўйидаги йуллар билан таъминланади:

ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интефациялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан узгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга,

ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ва давлат

тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очиқдан-очиқ даъват этишни уз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зуравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган, терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни уз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш.

**16-модда.** Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари туғрисидаги қонун ҳужжатларнинг бузганлик учун жавобгарлик

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари туғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И.Каримов**

Ўзбекистон Республикаси «Ахборотлаштириш туғрисида» 2003  
йили 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни

**1-модда.** Ушбу қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда.** Ахборотлаштириш туғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ахборотлаштириш туғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш туғрисидаги қонун ҳужжатларига назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда.** Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ахборотлаштириш** – юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни;

**ахборот ресурси** – ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси;

**ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдори** – ахборот ресурсларига ёки ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг эгаси** – қонун билан ёки ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборот ресурсларига ёхуд ахборот тизимларига эгаллик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**ахборот технологияси** – ахборотни туплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар;

**ахборот тизими** – ахборотни туплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари.

#### **4-модда.** Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йуналишлари қуйидагилардан иборат:

ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланилишини таъминлаш;

давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

ҳалқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва узаро алоқада ишлашини таъминлаш;

ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кумаклашиш;

дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит яратиш;

кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.

**5-модда.** Ахборотлаштириш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

Ахборотлаштириш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у махсус ваколат берган орган амалга оширади.

**6-модда.** Махсус ваколатли орган

Махсус ваколатли орган:

давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

ахборотлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқади;

давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари яратилишига кумаклашади;

ахборотлаштириш соҳасидаги стандартлар, нормалар ва қоидаларни ~~ишлаб чиқади;~~

ахборот тизимлари ва ахборот технологияларининг техника воситалари ҳамда хизматларини сертификатлаштириш ишларини ташкил этади;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг уз ахборот ресурслари ҳамда ахборот тизимлари муҳофаза этилишини таъминлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини ривожлантиришга кумаклашади;

ахборотлаштириш соҳасида маркетинг тадқиқотлари ва мониторингни ташкил этади;

ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги манфаатларини кузлаб ахборот хавфсизлигини ҳамда ахборот тизимларидан устувор фойдаланилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**7-модда.** Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими қуйидагиларни белгиловчи нормалар билан аниқланади:

ахборотни ҳужжатлаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва ахборот тизимларини яратиш тартибини;

ахборот ресурсларига ва ахборот тизимларига булган мулк ҳуқуқини;

ахборот ресурсларининг улардан эркин фойдаланиш даражаси бўйича топфасини;

ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш тартибини;

ахборот тизимларининг тармоқлараро уланиши тартибини.

**8-модда.** Ахборотни ҳужжатлаштириш

Ахборотни ҳужжатлаштириш ахборотни ахборот ресурсларига киритишнинг мажбурий шартидир: Ахборотни ҳужжатлаштириш тарғиби махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Ахборот ресурсларида сақланадиган ва ишлов бериладиган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ахборот электрон ҳужжат бўлиб, қозғо ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга.

Электрон ҳужжатни ва электрон рақамли имзони шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар қонун билан тартибга солинади.

**9-модда.** Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига булган мулк ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасида ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари оммавий ҳамда хусусий мулк бўлиши мумкин.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига булган мулк ҳуқуқининг вужудга келишига қуйидагилар асос бўлади:

ахборот ресурслари ҳамда ахборот тизимларининг давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг уз маблағлари ёки қонун ҳужжатлари билан тақикланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилиши;

ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига булган мулк ҳуқуқининг узга шахсга ўтиши шартларини уз ичига олган олди-сотди шартномаси ёки бошқа битим;

мерос олиш.

Қонунда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига булган мулк ҳуқуқи вужудга келишининг бошқа асослари ҳам назарда тутилиши мумкин.

**10-модда.** Давлат ахборот ресурслари

Давлат ахборот ресурслари қуйидагилардан шакллантирилади:

давлат органларининг ахборот ресурсларидан;

юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган ахборот ресурсларидан;

юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат сирлари ҳамда махфий ахборотни уз ичига олган ахборот ресурсларидан;

юридик ва жисмоний шахсларнинг белгиланган тартибда тақдим этиладиган ҳужжатлаштирилган ахборотидан.

Юридик ва жисмоний шахслар ҳужжатлаштирилган ахборотни давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун тегишли давлат органларига белгиланган тартибда тақдим этиши шарт.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳужжатлаштирилган ахборотни мажбурий тақдим этиши тартиби, давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш учун масъул давлат органларининг руйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Давлат сирлари ва махфий ахборот жумласига киритилган ахборотни тақдим этиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**11-модда.** Ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш тоифалари

Ахборот ресурслари улардан эркин фойдаланиш тоифалари буйича ҳамма эркин фойдаланиши мумкин булган ахборот ресурсларига ва эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига бўлинади.

Чекланмаган доирадаги фойдаланувчилар учун мулжалланган ахборот ресурслари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин булган ахборот ресурсларидир.

Давлат сирлари тугрисидаги ахборотни ва махфий ахборотни ёки эркин фойдаланилиши ахборот ресурсларининг мулкдорлари томонидан чеклаб қўйилган ахборотни уз ичига олган ахборот ресурслари эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига киради.

Ахборот ресурсларининг мулкдорлари ва эгалари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин булган ахборот ресурсларидан юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг тенг ҳуқуқ асосида эркин тарзда фойдаланишини таъминлаши керак.

Ахборот ресурсларини эркин фойдаланиш тоифаларига киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот ресурсларининг мулкдори томонидан аниқланади.

**12-модда.** Ахборот ресурсларидан фойдаланиш

Ахборот ресурсларидан фойдаланувчилар ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга, эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурслари бундан мустасно.

Ахборот ресурсларидан фойдаланганлик учун белгиланган тартибда ҳақ олиниши мумкин.

Ахборот билан таъминлашга доир ахборот ва хизматлар руйхатларини, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш тартиби ҳамда шартлари ҳақидаги маълумотларни ахборот ресурсларининг мулкдорлари ва эгалари фойдаланувчиларга бепул тақдим этади.

Юридик ва жисмоний шахслар қонуний асосларда ахборот ресурсларидан ўзлари олган ахборотдан ахборот манбаини албатта ҳавола этган ҳолда ҳосила ахборот яратиш учун фойдаланишлари мумкин.

Ахборот ресурсларидан ахборот олиш тартибини ахборот ресурсларининг мулкдори ёки эгаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда аниқлайди.

**13-модда.** Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари

Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборот махфий ахборот тоифасига киради.

**14-модда.** Ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдаланиши

Юридик ва жисмоний шахслар ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш, мазкур маълумотларнинг тўлиқлиги ҳамда тўғрилигини таъминлаш мақсадида уларга аниқликлар киритиш ҳуқуқига эга.

Ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдаланиши қонун билан чекланиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахсларга ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишни ахборот ресурсларининг мулкдори ёки эгаси рад этганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**15-модда** Миллий ахборот тизими

Миллий ахборот тизимида давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари киради.

Миллий ахборот тизими давлат бюджети маблағлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилади.

Миллий ахборот тизими унинг таркибига кирувчи ахборот тизимларининг халқаро ахборот тизимлари билан бир-бирига мослигини ҳисобга олган ҳолда яратилади.

Миллий ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда ахборот алмашиш шартнома асосида амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**16-модда.** Ахборот тизимларидан битимлар тузишда фойдаланиш Юридик ва жисмоний шахслар уртасида битимлар тузишда ахборот тизимларидан фойдаланиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**17-модда.** Ахборот тизимларининг техника воситаларини сертификатлаштириш

Ахборот тизимларини ташкил қилувчи техника воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши керак.

Давлат органлари ахборот тизимларининг, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимларининг, юридик ҳамда жисмоний шахслар ахборот тизимларининг давлат сирлари ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мулжалланган техника воситалари, шунингдек мазкур тизимларни муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

**18-модда.** Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши

Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши турли ахборот тизимлари уртасида ахборот алмашиш учун амалга оширилади.

~~Белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ ўзаро тармоқлараро боғланиш имкониятини ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари таъминлайди.~~

Турли ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари уртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Тармоқлараро боғланишни амалга ошириш ҳамда турли ахборот тизимларининг ўзаро алоқада бўлиш тартиби ва шартлари махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

**19-модда.** Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш қуйидаги мақсадларда амалга бширилади:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

ахборот ресурсларининг тарқалиб кетиши, угирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тусиб қуйилиши, қалбакилаштирилиши ва улардан бошқача тарзда рухсатсиз эркин фойдаланилишининг олдини олиш;

ахборотни йўқ қилиш, тусиб қуйиш, ундан нусха олиш, уни бузиб талқин этишга доир рухсатсиз ҳаракатларнинг ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бошқа шаклдаги аралашишларнинг олдини олиш;

ахборот ресурсларидаги мавжуд давлат сирлари ва махфий ахборотни сақлаш.

**20-модда.** Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан гайриқонуний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорларига, эгаларига ёхуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан мустақил белгиланади.

Давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**21-модда.** Халқаро ахборот тармоқларига уланиш

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар ўз ахборот тизимларини халқаро ахборот тармоқларига ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улаши мумкин.

Эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларини ўз ичига олган ахборот тизимларининг халқаро ахборот тармоқларига ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиши фақат зарур муҳофаза чоралари қўрилганидан кейин амалга оширилади.

**22-модда.** Низоларни ҳал этиш

Ахборотлаштириш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**23-модда.** Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И.Каримов**

**1-модда.** Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда.** Электрон рақамли имзо тугрисидаги қонун ҳужжатлари

Электрон рақамли имзо тугрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон рақамли имзо тугрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда.** Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**электрон рақамли имзо** – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус узгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

**электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити** – электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг узига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

**электрон рақамли имзонинг очиқ калити** – электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

**электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш** – электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилиги ва электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлиги текширилгандаги ижобий натижа;

**электрон ҳужжат** – электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.

**4-модда.** Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у махсус ваколат берган орган амалга оширади.

**5-модда.** Махсус ваколатли орган

Махсус ваколатли орган:

электрон рақамли имзодан фойдаланиш стандартлари, нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқади;

электрон рақамли имзолар калитларини руйхатга олиш марказларини (бундан буён матнда руйхатга олиш маркази деб юрителиди) давлат руйхатидан утказди;

руйхатга олиш марказлари ваколатли шахсларига тегишли электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг ягона давлат реестрини юритади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан эркин фойдалана олишини таъминлайди;

руйхатга олиш марказларининг ваколатли шахсларига электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларини беради;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатига биноан руйхатга олиш марказлари ваколатли шахсларининг электрон рақамли имзоси ҳақиқийлигини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**6-модда.** Руйхатга олиш маркази

Руйхатга олиш маркази махсус ваколатли органда давлат руйхатидан утган ва ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни бажараётган юридик шахсдир.

Руйхатга олиш маркази:

электрон рақамли имзоларнинг ёпиқ ва очиқ калитларини яратади;

электрон рақамли имзо ёпиқ калити муҳофаза қилинишини таъминлайди;

электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрини юритади, унинг ўз вақтида янгиланишини ҳамда ундан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдалана олиш имкониятини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларга электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини электрон ҳужжатлар шаклида ва қоғоз ҳужжатлар шаклида беради;

электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг амал қилишини тухтагиб туради ва қайта тиклайди, шунингдек уларни бекор қилади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг муружаатига биноан электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг кучирма нусхалари берилишини, шунингдек электрон рақамли имзолар калитларининг тухтатиб турилган ва бекор қилинган сертификатлари тугрисидаги маълумотлардан эркин фойдаланилишини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларнинг муружаатига биноан электрон ҳужжатлардаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди;

электрон рақамли имзоли қоғоздаги электрон ҳужжатларнинг кучирма нусхаларини тасдиқлайди;

электрон рақамли имзо калитининг сертификатидан бундан буён фойдаланиш имкониятига таъсир этиши мумкин булган ҳоллар ҳақида электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини хабардор қилади;

электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаларини электрон рақамли имзодан фойдаланиш қондаларига ўқитиш имкониятини таъминлайди.

Руйхатга олиш маркази билан юридик ва жисмоний шахслар уртасидаги муносабатлар шартнома асосида амалга оширилади.

Руйхатга олиш марказининг юридик ва жисмоний шахслар учун яратилган электрон рақамли имзоларнинг ёпиқ калитларини сақлаши ҳамда электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш мақсадига туғри келмайдиган маълумотларни сўраб олиши тақиқланади.

Руйхатга олиш марказлари фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**7-модда.** Электрон рақамли имзо билан қўлда ўзи қўйганимзонинг бир хил аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиш шартлари

Электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо айни бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга риоя этилган тақдирда қоғоз ҳужжатга қўлда ўзи қўйган имзо билан бир хил аҳамиятга эгадир, агар:

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган бўлса;

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган пайтда ёки имзолаш пайгини белгиловчи далиллар булганда электрон ҳужжат имзоланаётган пайтда электрон рақамли имзо калитининг сертификати амал қилиб турган бўлса;

электрон рақамли имзодан электрон рақамли имзо калитининг сертификатида курсатилган мақсадларда фойдаланилаётган бўлса.

**8-модда.** Электрон рақамли имзо воситалари

Электрон рақамли имзо воситалари электрон ҳужжатда электрон рақамли имзо яратилишини, электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланишини, электрон рақамли имзонинг ёпиқ ва очиқ калитлари

яратилишини таъминлайдиган барча-техникавий ва дастурий воситалардан иборат булади.

Электрон рақамли имзо воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши лозим.

**9-модда.** Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитларини ва очик калитларини яратиш

Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитлари ва очик калитлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан ёки уларнинг мурожаатига биноан руйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзо воситалари ёрдамида яратилиши мумкин.

**10-модда.** Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгаси

Электрон рақамли имзони яратган (электрон ҳужжатга имзо қўйган) ва руйхатга олиш маркази томонидан унинг номига электрон рақамли имзо калити сертификати берилган жисмоний шахс электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси булади.

Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

электрон рақамли имзо калити сертификатини берган руйхатга олиш марказига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш режими бузилганлиги ёки бузилиши эҳтимоли борлиги туғрисида хабар қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёхуд мазкур сертификатни бекор қилишни талаб қилиши;

ўзи вакил бўлган юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши туғрисида руйхатга олиш марказига хабар қилиши шарт.

**11-модда.** Электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг жавобгарлиги

Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси ушбу Қонун 10-моддасининг иккинчи қисмида курсатилган мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан рухсатсиз тарзда фойдаланилиши туфайли етказилган зарар учун тегишли электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси олдида жавобгар булади.

**12-модда.** Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси

Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун электрон рақамли имзонинг очик калитидан фойдаланаётган юридик ёки жисмоний шахс электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси бўлиши мумкин.

Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзонинг очик калити электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг

эгасига тегишлилигини ва электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини текшириш учун электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказига мурожаат этишга, шунингдек электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаган ҳоллар ҳақида электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига хабар қилишга ҳақли.

Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг шахси туғрисидаги маълумотлар муҳофаза қилинишини таъминлаши керак.

**13-модда.** Электрон рақамли имзо калитининг сертификати

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзонинг очик калити электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мослигини тасдиқлайдиган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига рўйхатга олиш маркази томонидан берилган ҳужжатдан иборат бўлади.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон ҳужжат шаклида ва қоғоз ҳужжат шаклида тайёрланиши мумкин.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификатига қуйидагилар кўрсатилиши керак:

электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси бўлган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

агар электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси юридик шахснинг вакили бўлса, шу юридик шахснинг номи;

унинг тартиб рақами ва амал қилиш мuddати;

электрон рақамли имзонинг очик калити;

электрон рақамли имзонинг очик калитидан фойдаланишда ёрдам бериши мумкин бўлган электрон рақамли имзо воситаларининг номи;

мазкур сертификатни берган рўйхатга олиш марказининг номи ва жойлашган манзили;

электрон рақамли имзодан фойдаланиш мақсадлари туғрисидаги маълумотлар;

электрон рақамли имзолар калитлари сертификатлари реестрининг электрон манзили.

Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси ташаббуси билан электрон рақамли имзо калити сертификатига бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

**14-модда.** Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати рўйхатга олиш маркази томонидан берилади.

Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификати берилаётганда у рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Қоғоз ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификати икки нусхада расмийлаштирилади. Бундай сертификатнинг ҳар бир нусхаси руйхатга олиш марказининг ваколатли шахси томонидан имзоланиши ва руйхатга олиш маркази нинг муҳри билан тасдиқланиши керак. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг бир нусхаси электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига берилади, бошқа нусхаси эса руйхатга олиш марказида сақланади.

Электрон ҳужжатлар шаклидаги электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг кучирма нусхаларини беришга доир хизматлар руйхатга олиш маркази томонидан бепул курсатилади.

**15-модда.** Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиши электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг аризаси асосида, аризада курсатилган муддатга, лекин мазкур сертификатнинг амал қилиш муҳлатидан кўп булмаган муддатга руйхатга олиш маркази томонидан тўхтатиб турилиши мумкин.

Электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси тушганда руйхатга олиш маркази электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрига тегишли ёзув киритади ва айни бир вақтнинг ўзида бу ҳақда электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини хабардор қилади.

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилган муддат ичида руйхатга олиш маркази электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг аризасига биноан мазкур сертификатнинг амал қилишини қайта тиклаши мумкин.

**16-модда.** Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиш

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг аризаси асосида руйхатга олиш маркази томонидан бекор қилиниши мумкин.

Руйхатга олиш маркази, электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг розилигидан қатъи назар, қуйидаги ҳолларда электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиши шарт, агар:

мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган бўлса;

электрон рақамли имзо калитининг сертификати берилишига асос бўлган ҳужжатнинг амал қилиши тугатилганлиги аниқ маълум бўлса;

электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси ушбу Қонун 10-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган уз мажбуриятларини бажармаган ҳоллар аниқланган булса.

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати тугаган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг уни қайта тиклаш ҳақида аризаси булмаган тақдирда ҳам электрон рақамли имзо калитининг сертификати бекор қилиниши керак.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиш электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг аризаси олинган ёки ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида баён қилинган ҳолатлар юзага келган кунда рўйхатга олиш маркази томонидан амалга оширилади.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги ёзув рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрига киритилиб, бу ҳақда электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси хабардор қилинади.

**17-модда.** Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини рўйхатга олиш марказида сақлаш тартиби

Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификатини рўйхатга олиш марказида сақлаш тартиби ҳамда муддати рўйхатга олиш маркази ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси ўртасидаги шартнома билан белгиланади.

Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг бекор қилинган сертификати рўйхатга олиш марказида камида уч йил сақланади.

Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификатини сақлаш муддати тугаганидан кейин, у рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестридан чиқарилади ва архивда сақлаш режимига ўтказилади.

Қоғоз ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланади.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати йўқолган тақдирда, рўйхатга олиш маркази электрон рақамли имзо калити сертификатининг дубликатини бериши мумкин.

**18-модда.** Рўйхатга олиш марказини тугатиш

Рўйхатга олиш маркази қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилиши мумкин.

Рўйхатга олиш маркази тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир ой мобайнида бу ҳақда махсус ваколатли органга, шунингдек мазкур рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрига киритилган электрон рақамли имзо ёпиқ калитларининг барча эгаларига хабар қилиши шарт.

Руйхатга олиш маркази тугатилган тақдирда, мазкур руйхатга олиш маркази томонидан берилган электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатлари электрон рақамли имзо ёпиқ калитлари эгаларининг розилиги билан бошқа руйхатга олиш марказларига топширилиши мумкин.

Бошқа руйхатга олиш марказларига топширилмаган электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатлари бекор қилинади ва махсус ваколатли органга сақлаш учун топширилиб, бу ҳақда электрон рақамли имзолар очиқ калитларининг фойдаланувчилари хабардор қилинади.

**19-модда.** Чет давлатларнинг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларидан фойдаланиш

Чет давлатларнинг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларидан фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**20-модда.** Мухр урнида ишлатиш

Мухр билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатга айлантирилган қоғоз ҳужжатнинг мазмуни қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ руйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан ёки электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши мумкин.

**21-модда.** Низоларни ҳал этиш

Электрон рақамли имздан фойдаланиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**22-модда.** Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И.Каримов**

Ўзбекистон Республикаси «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» 2004 йил 29 апрелдаги 611-II-сон Қонуни

**1-модда.** Ушбу қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда.** Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон ҳужжат айланиши туғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда.** Электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги давлат сиёсати

Электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги давлат сиёсати электрон ҳужжат айланиши кенг қўлланилишини таъминлашга, электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, электрон ҳужжатдан фойдаланиш стандартлари, нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқишга қаратилган.

**4-модда.** Электрон ҳужжат айланиши

Электрон ҳужжат айланиши электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндисидан иборат бўлади.

Электрон ҳужжат айланишидан битимлар тузиш (шу жумладан шартномалар тузиш), ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни ~~амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотни узатишда~~ фойдаланиш мумкин.

**5-модда.** Электрон ҳужжат

Электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир.

Электрон ҳужжат техника воситаларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилади, ишлов берилади ва сақланади.

Электрон ҳужжат электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг мазкур ҳужжатни идрок этиш имкониятини инобатта олган ҳолда яратилиши керак.

**6-модда.** Электрон ҳужжатнинг реквизитлари

Электрон ҳужжатнинг мажбурий реквизитлари қуйидагилардан иборат:

электрон рақамли имзо;

электрон ҳужжатни жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки электрон ҳужжатни жўнатувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

электрон ҳужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили;  
ҳужжат яратилган сана.

Қонун ҳужжатларида ёки электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг келишуви билан электрон ҳужжатнинг бошқа реквизи́тлари ҳам белгиланиши мумкин.

**7-модда.** Электрон ҳужжатнинг юридик кучи

Электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

**8-модда.** Электрон ҳужжатнинг асл нусхаси

Электрон ҳужжатнинг бир хил ҳар қайси айнан нусхаси, башарти у белгиланган тартибда ҳақиқий деб тасдиқланган бўлса, асл нусхадир.

**9-модда.** Электрон ҳужжатнинг қоғоз нусхаси

Электрон ҳужжатнинг қоғоз нусхаси булиши мумкин.

Электрон ҳужжатнинг қоғоз нусхаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва сақланади.

**10-модда.** Электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари

Электрон ҳужжатни жунатувчи ва электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи электрон ҳужжат айланишининг иштирокчиларидир.

Электрон ҳужжат айланишида ахборот воситачилари ҳам иштирок этишлари мумкин.

**11-модда.** Электрон ҳужжатни жунатувчи

Электрон ҳужжат реквизи́тларида номи курсатилган ҳамда электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчига электрон ҳужжатни жунатаётган юридик ёки жисмоний шахс электрон ҳужжатни жунатувчидир.

**12-модда.** Электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи

Электрон ҳужжатни жунатувчи томонидан электрон ҳужжат қайси юридик ёки жисмоний шахсга йуланган бўлса, шу шахс электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчидир.

**13-модда.** Ахборот воситачиси

Электрон ҳужжат айланиши билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс ахборот воситачисидир.

Ахборот воситачиси, агар электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари билан тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, электрон ҳужжатлар мазмунини ёки улардан фойдаланиш тартибини узгартиришга ҳақли эмас.

**14-модда.** Электрон ҳужжатни жунатиш

Электрон ҳужжат, агар у бевосита электрон ҳужжатни жунатувчи ёки унинг ахборот воситачиси томонидан жунатилган бўлса, жунатилган деб ҳисобланади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, электрон ҳужжатни жунатувчи томонидан унинг бекор қилиниши мумкин бўлмаган жунатилиш вақти электрон ҳужжатни жунатиш вақти деб ҳисобланади.

**15-модда.** Электрон ҳужжатни қабул қилиб олиш

Агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса:

электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи томонидан қўрсатилган ахборот тизими орқали электрон манзили буйича электрон ҳужжат келиб тушган вақт электрон ҳужжат қабул қилиб олинган вақт деб ҳисобланади;

электрон ҳужжат, агар электрон ҳужжатнинг қабул қилиб олингани таъминлаган ахборот тизими ҳатто бошқа ерда жойлашган бўлса ҳам, электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи турган жойда қабул қилиб олинган деб ҳисобланади.

**16-модда.** Электрон ҳужжатларни сақлаш

Электрон ҳужжатлар электрон ҳужжат айланиши иштирокчилари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланиши керак.

Электрон ҳужжатларни сақлаш чоғида улардан эркин фойдаланиш ва уларнинг қоғоз нусхаларини тақдим этиш имконияти таъминланиши лозим.

Электрон ҳужжатни сақлаш муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунга ўхшаш мақсадга мўлжалланган қоғоз ҳужжат учун белгиланган муддатдан кам бўлмаслиги керак.

**17-модда.** Электрон ҳужжат айланишида электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш

Электрон ҳужжат айланишида электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш электрон ҳужжат айланишининг иштирокчиларига ёки бошқа юридик ва жисмоний шахсларга зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**18-модда.** Низоларни ҳал этиш

Электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**19-модда.** Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И.Каримов

**1-модда.** Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда.** Электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда.** Электрон тижорат

Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар курсатишга доир тадбиркорлик фаолияти электрон тижоратдир.

**4-модда.** Электрон тижорат иштирокчилари

Электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек тегишли товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) харидорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар электрон тижорат иштирокчиларидир.

Электрон тижоратда ахборот воситачилари ҳам иштирок этишлари мумкин. Электрон ҳужжат айланиши билан боғлиқ хизматлар курсатувчи юридик ва жисмоний шахслар ахборот воситачиларидир.

**5-модда.** Электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати

Электрон тижорат иштирокчилари ушбу Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида, шунингдек тузган шартномаларида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни бажарадилар.

Электрон тижоратда иштирок этиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, унинг иштирокчиларига нисбатан ахборот тизимларидан фойдаланмасдан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан қўшимча талаблар ёки чеклашлар белгиланиши учун асос бўла олмайди.

**6-модда.** Электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс тўғрисидаги ахборот

Электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс товарлар (ишлар, хизматлар) харидорига:

юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатишган ҳолдаги тулик номини ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини;

почта ва электрон манзилини ҳамда узининг давлат руйхатидан утказилганлиги тўғрисида маълумотларни;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда лицензияси борлиги тўғрисидаги маълумотларни уз ичига олган ахборотни тақдим этиши ёхуд унинг бундай ахборотдан фойдаланиш эркинлигини таъминлаши шарт.

Қонун ҳужжатларида электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс тўғрисидаги ахборотга нисбатан бошқа талаблар ҳам белгиланиши мумкин.

**7-модда.** Ахборот воситачиларининг хизматлари

Ахборот воситачиларининг хизматлари шартнома асосида кўрсатилади.

Ахборот воситачилари, агар электрон тижорат иштирокчилари билан тузилган шартномаларнинг шартларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, электрон ҳужжатларнинг мазмунини ёки улардан фойдаланиш тартибини узгартиришга ҳақли эмас.

**8-модда.** Электрон тижоратдаги шартнома шартлари

Электрон тижоратдаги шартнома шартлари қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Электрон тижоратдаги шартнома унга ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсида жойлаштирилган электрон ҳужжатга ҳавола қилиш йули билан киритиладиган алоҳида шартларни уз ичига олиши мумкин. Бу ҳолда электрон ҳужжатни жойлаштирган электрон тижорат иштирокчиси қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган муддат мобайнида ундан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаши, бу муддат утгандан кейин эса ушбу электрон ҳужжатнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сақланишини таъминлаши шарт.

**9-модда.** Электрон тижоратда шартнома тузиш

Электрон тижоратда шартнома қуйидагилар воситасида тузилиши мумкин:

электрон ҳужжатларни айирбошлаш;

электрон ҳужжат кўринишида бўлмаган, қабул қилиб олинган оферта (шартнома тузиш таклифи) қабул қилинганлиги тўғрисидаги электрон ҳужжатни жўнатиш;

электрон ҳужжат кўринишида бўлган, қабул қилиб олинган офертадаги шартнома шартларини бажариш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш.

Электрон тижоратда шартнома акцептни (таклиф қабул қилинишини) уз ичига олган электрон ҳужжат электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс томонидан қабул қилиб олинган пайтда ёхуд офертани уз ичига олган электрон ҳужжатда акцепт учун назарда тутилган

ҳаракатлар товарлар (ишлар, хизматлар) харидори томонидан амалга оширилган пайтда тузилган деб эътироф этилади.

Офертани уз ичига олган электрон ҳужжат олинганлигини оферта шартларига розиликни курсатмасдан тасдиқлаш, худди шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) харидорининг ҳаракатсизлиги, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акцепт ҳисобланмайди.

Агар қонун ҳужжатларида шартнома бўйича тарафнинг бошқа тарафга шартномани тузиш ёки ижро этиш билан боғлиқ ҳужжатни тақдим этиш мажбурияти назарда тутилган бўлса, курсатилган мажбуриятни бажариш шартномани тузиш усулидан қатъи назар амалга оширилади.

Электрон тижоратда шартнома, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, фақат электрон ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда тузилганлигига асосланиб ҳақиқий эмас деб топиллиши мумкин эмас.

**10-модда.** Электрон тижоратда офертага таклиф этиш

Электрон тижоратда офертага таклиф этиш, шу жумладан таклиф қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги реклама ёки бошқа маълумотлар махсус билимга эга бўлмаган қабул қилиб олувчига қабул қилиб олинган ахборотнинг электрон тижоратга тааллуқлилигини аниқ белгилаш ва оферта жўнатувчининг ҳуқуқий ҳолати, унинг товарлари (ишлари, хизматлари), бу товарларнинг (ишларнинг, хизматларининг) нархлари ва уларни олиш шартлари ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш имкониятини берадиган шаклда тақдим этилиши керак.

**11-модда.** Электрон тижоратда офертага қўйиладиган талаблар

Электрон тижоратда шартнома тузиш мақсадида йўлланадиган оферта, шу жумладан номуайян шахслар доирасига йўлланадиган оферта:

электрон ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда шартнома тузиш тартибини;

шартнома шартларини келишиб олиш чоғида узгартишлар киритиш имконияти ва тартибини;

акцептни электрон ҳужжат воситасида юбориш ва чақириб олиш тартибини;

ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсида жойлаштирилган электрон ҳужжатга ҳавола қилиш йули билан шартномага киритиладиган шартларга тааллуқли қайдларни уз ичига олган бўлиши керак.

**12-модда.** Электрон ҳужжатлардан битим тузилганлигининг далили сифатида фойдаланиш

Электрон ҳужжатлардан битим тузилганлигининг далили сифатида фойдаланиш мумкин.

**13-модда.** Низоларни ҳал этиш

Электрон тижорат соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**14-модда.** Электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И.Каримов**

## ИШЛАТИЛГАН ТЕРМИНЛАР ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

### А

Автоматлаштирилган ахборот технологияси	Маълумотларни узатиш, туплаш, сақлаш ва қайта ишлаш учун ҳисоблаш техникаси ва алоқа тизимлари усуллари ва воситалари қўлланиладиган ахборот технологияси.
Автоматлаштирилган тизим	Инсон фаолияти жараёнини автоматлаштиришга қаратилган дастурий ва аппаратли воситалар тизими. Автоматик тизимдан фарқли улароқ. Автоматлаштирилган тизим ҳар доим инсон иштирокида фаолият курсатади ва инсон унинг асосий бугинидир.
Автоматлаштирилган тизимда ахборотга ишлов бериш	Автоматлаштирилган тизим воситаларидан фойдаланиб ахборот устида бажариладиган амаллар (йиғиш, жамғариш, сақлаш, ўзгартириш, инъикос этиш, чиқариш ва шу кабилар) мажмуаси.
Автоматлаштирилган иш жойи (АИЖ)	1. Техник ва дастурий воситаларнинг шахсий мажмуаси. У мутахассис касбий меҳнатини автоматлаштиришга қаратилган ва унга керакли ҳужжат ва маълумотларни тайёрлаш, таҳрир қилиш, излаш ва (экран ёки қоғозга) чиқаришни таъминлайди. АИЖ шахсий компьютердаги алоҳида автоматлаштирилган тизим шаклида амалга оширилган ёки автоматлаштирилган тизим атамаси бўлиши мумкин. 2. Фойдаланувчининг мулоқат (интерактив) ҳолатида ишлаши учун мос маҳаллий ҳисоблаш тармоғи боғламаси.
АКТ ёрдамида тараққиёт	Ахборот-коммуникация технологияларидан оммавий фойдаланишга асосланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш.
Алгоритм	1. Вазифани бажаришга қарагилган аниқ белгиланган қодаларнинг тартибланган чекли туплами. 2. Дастлабки маълумотларни охирги натижага ўтказувчи ҳисоблаш жараёни орқали масала ечимини аниқ курсатувчи амаллар мазмуни ва кетма-кетлиги. Алгоритм тавсифномаларига қўйиладигилар

киради:

- берилган дастлабки маълумотлар билан натижанинг бир турлилиги;
- жараёни инсон ёки ҳисоблаш машинаси томонидан бажарилиши мумкин бўлган айрим амалларнинг чекли сонига бўлиш мумкинлиги;
- куп синфга оид масалаларга мос куп дастлабки маълумотлар учун натижа олиш мумкинлиги.

Ҳисоблаш машинасига алгоритм дастур шаклида берилади. Битта масалани ечишнинг бир неча алгоритми мавжуд бўлиши мумкин. Улар орасида энг самаралисини, бажарилиши учун энг кам амаллар, машина вақти, хотира ва ҳ.к.ни талаб қилувчи алгоритмни танлаш лозим. Самарали алгоритмлар мавжуд бўлиши шартлари ва уларни қуриш (ишлаб чиқиш)ни урганиш алгоритмлар назарияси асосини ташкил этади.

Алгоритм атамаси урта асрларда яшаб ижод этган буюк ўзбек математиги Ал-Хоразмий номидан келиб чиққан. У ўзи кашф этган унли санок тизимида ИХ асрнинг 825 йилидаёқ турт арифметика амалларини бажариш қоидаларини берган. Арифметика амалларини бажариш жараёни эса алхоразм деб аталган. Бу атама 1747 йилдан бошлаб алгорисмус, 1950 йилга келиб алгорифм деб ҳам аталди. Компютерлар пайдо бўлиши билан алгоритм атамаси ҳозирги маъноси билан ахборот технологиялари соҳасида энг асосий атамалардан бири бўлиб қолди. Ҳисоблаш тизими таркибига кирувчи унинг фаолият курсатиш учун зарур бўлган жами аппарат воситалари. Аппарат таъминотига компютер, ташқи қурилмалар, алоқа тармоқлари ва ҳ.к. киради. Улар техник нуқтаи назардан тизимнинг самарали ишини, унинг фойдаланувчига маълум хизмат турларини курсатишни таъминлайди. Ушбу атама ҳисоблаш тизимининг дастурий таъминот бўлмаган қисmini билдиради. Ахборот соҳасида амалга ошириладиган

## Аппарат таъминоти

## Ахборот хавфсизлиги

Ахборот  
технологиясининг  
хавфсизлиги  
Ахборотлаштиришнинг  
меъёрий-ҳуқуқий асоси

Ахборотлаштиришнинг  
техникавий-  
технологиявий асоси

Ахборот эгаси

Ахборот ресурсларининг  
эгаси

Ахборот жамиятида  
яшашга тайёрлик

Аҳолини

ахборот хавфсизлиги субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари; ахборот ресурслари; ахборот инфратузилмаси.

Ахборотни қайта ишлаш технологик жараёнининг муҳофазаланганлиги.

Ахборотлаштириш жараёнларини тартибга солувчи қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи.

Истиқболли ахборот-телекоммуникация технологиялари, ҳисоблаш ва телекоммуникация техникаси воситаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш соҳаларининг ва шу соҳага хизмат курсатувчи илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари ва корхоналари мажмуи, ҳамда шу соҳанинг мутахассис ходимлари.

1. Қонун ва/ёки ахборот эгаси томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборотга эга булган ва ундан фойдаланаётган ҳамда фойдаланиш ваколатларини амалга ошираётган субъект.

2. Ахборот узатишни ва тарқатишни, яратилган ахборотни истеъмолчига элтиб беришни таъминлайдиган алоҳида ҳуқуқларни қулга киритган шахс ёки шахслар.

3. Ахборот ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари орасидаги воситачи. Қонун билан ёки ахборот ресурсларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборот ресурсларига эгаллик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки jisмоний шахс. (қонун)

Қуйидаги муҳим курсаткичлар билан баҳоланадиган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси: ахборот-коммуникация инфратузилмасининг ривожланиши, электрон иқтисод, масофавий таълим, ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) давлат бошқарувида фойдаланиш ва АКТ соҳасида давлат сиёсати.

Аҳолини ахборотлаштиришга тайёрлаш

**ахборотлаштиришга  
тайёрлаш**

деганда, қуйидагилар назарда тутилади:

- аҳолининг ахборотга булган эҳтиёжлари ва қизиқишларини шакллантириш ва ривожлантириш. Бунда ахборотга талабни ба бозорни урганиш ҳамда ахборот хизматлари рекламаси назарда тутилади;
- информатика буйича мутахассислар тайёрлаш;
- ахборот техникаси, тизимлари ва инфратузилмасига хизмат курсатиш буйича мутахассислар тайёрлаш;
- ахборотлаштириш жараёнида талаб қисқараётган мутахассисларни қайта тайёрлаш;
- ахборот тизимлари ва техникаси фойдаланувчилари орасидан ҳақиқий ва мумкин булганларига таълим бериш;
- мамлакатда ахборотлаштиришни утказишга қаратилган ижтимоий фикрни шакллантириш.

**Ақлий мулк**

1. Ақлий фаолият натижаларига алоҳида ҳуқуқлар.

2. Ижодий фаолият ва хусусийлаш воситалари натижаларига булган жами алоҳида ҳуқуқларни ифода этувчи жамловчи тушунча. Ақлий мулк адабий, бадиий ва илмий асарлар, артистларнинг ижрочилик фаолияти, овоз ёзиш, радио ва телевизион дастурлар, ихтиро, саноат маҳсулотлари, савдо белгилари, фирма номлари ва ҳ.к.ларга тегишли ҳуқуқларни ҳам қамраб олади. Ақлий мулк тушунчаси биринчи бор 1967 йилда Халқаро ақлий мулк ташкилотини таъсис этувчи Конвенсия билан киритилган.

**Ахборотлаштириш**

1. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга булган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни. (қонун)

2. Ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланишга асосланган ишлаб

чиқариш ва билим ва ахборотни тарқатишни жадаллаштириш жараёни.

3. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида ахборот ва билимлардан фойдаланиш самаралилигини ошириш, фуқаролар, ташкилотлар ва давлатнинг ахборот эhtiёжларини қондириш ва ахборот жамиятига утиш учун шароитлар яратиш мақсадида АКТдан кенг қуламли фойдаланиш жараёни.

4. Давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот ресурсларига ишлов бериш ва фойдаланувчига ҳужжатлаштирилган ахборотни тақдим этишни амалга оширувчи ахборот тизим ва тармоқлари асосида шахслар, предметлар, далиллар, воқеалар, ходисалар ва жараёнлар туғрисидаги маълумотларни олиш эhtiёжларини қондиришнинг ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни.

#### Ахборот технологияси

1. Ахборотни туплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар. (қонун)

2. Маълумотларни туплаш, уларга ишлов бериш, сақлаш, узатиш ва улардан фойдаланиш жараёнида ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш йуллари, усуллари ва услублари.

3. Ҳужжатлаштирилган ахборот, жумладан дастурли воситаларга ишлов беришнинг жами услублари, йуллари, усуллари ва воситалари ҳамда улардан фойдаланишнинг белгиланган тартиби.

4. Инсон фаолиятининг турли соҳаларида ахборот маҳсулотини ишлаб чиқаришда ахборот жараёнларини амалга оширишнинг жами усуллари.

5. Инсонлар томонидан ахборотни йиғиш, сақлаш, ишлов бериш ва тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар ва ишлаб чиқариш жараёнлари.

Кенг маънода ахборот технологияси мисоли сифатида идора чутидан фойдаланиш ва китобларни босишни кўрсатиш мумкин. Тор маънода «ахборот технологияси» атамаси ахборотга ишлов бериш учун ушбу ахборотдан фойдаланувчи жараёнларнинг сермеҳнатлигини камайтириш ва уларнинг ишончилигини ва тезкорлигини ошириш мақсадида замонавий электрон техникасидан фойдаланиш билан боғлиқ.

1. Замонавий цивилизация тараққиёти босқичи. У жамият ҳаётида ахборот ва билимлар роли усиши, ахборот коммуникатси, ахборот маҳсулоти ва хизматларининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) даги улуши ортиши, инсонларнинг самарали ахборий алоқада узаро ишлашини таъминловчи глобал ахборот маконининг яратилиши, уларнинг жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланиши ҳамда ахборот маҳсулотлари ва хизматларига булган ижтимоий ҳамда шахсий эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш даражаси билан тавсифланади.

2. Билимлар асосий ишлаб чиқариш маҳсулоти булган жамият. Ахборот жамиятининг фарқли хусусиятлари: керакли ахборотдан жамиятнинг барча аъзолари учун эркин фойдаланиши осонлиги, жамиятнинг уз фаолияти учун зарур булган бутун ахборотни ишлаб чиқариш ҳамда жамиятнинг барча аъзоларини ушбу ахборотдан эркин фойдаланиш воситалари билан таъминлаш қобилияти.

3. Ахборотни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш энг асосий фаолият тури булган, ахборот эса энг аҳамиятли ресурс сифатида тан олинган жамият. Бу янги жамиятда ахборот ва телекоммуникация технологиялари ва техникаси асосий технологиялар ва техника ҳисобланади, ахборот муҳити эса ижтимоий ва экологик муҳитлар билан бирга инсоннинг янги яшаш муҳитига айланади.

1. Хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва элтиб бериш билан боғлиқ бўлган объектлар, ҳаракатлар ва қоидалар, шунингдек барча технологиялар ҳамда санаб утилган жараёнларни бирлашган равишда таъминловчи соҳалар мажмуаси. АКТ тушунчасига микроэлектроника, компьютер ва дастурий таъминот, телекоммуникациялар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш, Интернетдан эркин фойдаланишни таъминлаш, Интернетнинг ахборот ресурсларини таъминлаш, шунингдек санаб утилган соҳалар билан боғлиқ бўлган турли хил ҳодисалар ва бу фаолият соҳаларини тартибга солувчи қоидалар (расмийлари каби норасмийлари ҳам) киради.

2. Ахборотни яратиш, узатиш, бошқариш ва унга ишлов бериш билан боғлиқ бўлган технологиялар.

3. Ҳоҳлаган коммуникация қурилмаси ёки қуланмага нисбатан ишлатилувчи умумий атама, жумладан: радио, телевидение, уяли телефонлар, компьютерлар ва тармоқ ускуналари ва дастурий таъминот, йўлдош тизимлари ва ҳ.к., шунингдек турли хизматлар ва уларга тегишли дастурлар, масалан, видеоанжуман ва масофавий таълим. АКТ, шунингдек, торроқ маънода ҳам ишлатилади, масалан, АКТ таълимда, тиоинетда, кутубхонада ва ҳ.к.

Европа Комиссияси фикрича, АКТ муҳимлиги технологиянинг узида эмас, балки АКТнинг аҳоли орасида кўпроқ ахборот ва коммуникациясидан эркин фойдаланиш қобилиятидадир. Дунёнинг кўп мамлакатлари АКТ ривожланиши учун ташкилотлар яратган, чунки ривожланган мамлакатларнинг технология жиҳатидан камроқ ривожланган мамлакатларга нисбатан устунлиги технологиялар бор ва технологиялар йўқ ҳудудлар уртасидаги иқтисодий ажралишни кескинлаштириши мумкин. Жаҳон миқёсида БМТ рақамли

## АКТ давлат бошқарувида

табақаланишга қарши восита сифатида «АКТ ривожланиш учун» дастурини фаол равишда олга сурмоқда.

Барча ҳам «ички», ҳам «ташқи» алоқалар ва жараёнлар мажмуаси тегишли ахборот-коммуникация технологиялари билан қувватланиб ва таъминланиб турадиган ҳукумат. Коммуникация тармоқлари (шу жумладан Интернет) орқали ахборотга ишлов бериш, уни узатиш ва тарқатишни электрон воситалари асосида давлат бошқарувини ташкил қилишни, давлат ҳокимияти органларини барча бугинлари томонидан фуқароларнинг барча тоифаларига электрон воситалар билан хизматлар курсатиш, уша воситалар ёрдамида фуқароларга давлат органларининг фаолияти ҳақида ахборот бериш. «Электрон ҳукумат» тўшунчаси 1990

йилларнинг бошида пайдо булган, лекин амалиётга сунгги йилардан бошлаб татбиқ қилина бошлади. Электрон ҳукуматни ишлаб чиқиш билан биринчи галда АҚШ ва Англия, ҳамда Италия, Норвегия, Цингапур, Австралия ва айрим бошқа давлатлар (Франция, Германия, Катар, БАА ва ҳ.к.) шуғулландилар. Электрон ҳукуматнинг уч асосий ривожланиши тизими ажратилади:

- ҳукумат– аҳоли (G2C);
- ҳукумат – бизнес (G2B);
- ҳукумат – ҳукумат (G2G).

Ўзбекистонда ҳам электрон ҳукумат барпо қилиш ишлари бошлаб юборилган. Жаҳон тажрибасига мавжуд амалиётга кура, у икки узаро боғланган, лекин функционал жиҳатдан мустақил қисмлардан, Ҳукумат Интранетидан ва ташқи инфратузилмадан таркиб топган. Ҳукумат Интранети ахборот тизимининг ички инфратузилмасини қамраб олади, у давлат тузилмалари томонидан давлат корпоратив вазибаларини амалга оширишдаги узаро муносабатларда фойдаланилади. Ташқи инфратузилма, давлатни фуқаролар (G2C) ва ташкилотлар (G2B) билан узаро ишлашни таъминлайдиган оммавий ахборот

инфратузилмасини қамраб олади.

## Б

### Билимлар базаси (ББ)

1. Аниқ бир предмет соҳаси бўйича далиллар ва қоидалар шаклида расмийлаштирилган билимлар туплами.

2. Инсон томонидан аниқ предмет соҳаси бўйича йиғилган билимларни компютерда ифодалаш учун мулжалланган семантик (маъноли) модел.

3. Бирор бир предмет соҳасига оид тушунча, қоида ва далилларнинг тизимлашган мажмуини сақлаш учун битта файл ёки махсус таъкил қилинган файллар туплами. Билимлар базаси (ББ) сунъий тафаккур (интеллект) масаларини ечишда кенг қулланилади. Интеллектуал ва эксперт тизимларда ББнинг икки муҳим синфи ишлатилади. Статик ББ масалани ечиш давомида узгармайдиган муайян соҳанинг узига хос хусусиятларини ифодаловчи маълумотларни уз ичига олади. Динамик ББ муайян масалани ечиш учун аҳамиятга эга бўлиб, уни ечиш жараёнида узгариб борадиган (масалан, тажрибавий гадкиқотларни утказиш даврида) маълумотларни сақлаш учун хизмат қилади. Уар бир ББ маълумотлар, қоидалар ва мантикий ҳулоса чиқариш механизмлари тупламини уз ичига олади.

Унинг фаолиятини билимлар базасининг бошқариш тизими аниқлаб беради.

### Маълумотлар базаси (МБ)

1. Электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида қидириб топилиши ва қайта ишланиши мумкин бўлган тарзда тартибга солинган маълумотлар туплами (масалан: мақолалар, ҳисоб-китоб).

2. Аниқ қоидалар асосида таъкил қилинган ва амалий дастурларга боғлиқ бўлмаган маълумотлар туплами. Бу қоидалар маълумотларни таърифлаш, сақлаш ва жойини узгаришга оид умумий томоийилларни назарда тутати.

Маълумотлар базаси (МБ) етарлича тула, турри ташкил қилинган, ҳозирги кунга дони́мо мос келувчи ва фойдаланиши учун қулаи бўлиши лозим. Бу маълумотлар бир-бирига зид бўлмаслиги зарур. Маълумотларни таҳрирлаш, тулатиши ва йуқотиб ташлаш, ҳамда уларни қидириб топиши ва саралаш МБни бошқариши тизими (МББТ) ёрламида амалга оширилади. МБлари шахсий ва жамоавий фойдаланишга мулжалланган бўлади. Жамоа фойдаланадиган йирик МБларни кузатиб боришнинг маълумотлар базасининг бошқарувчиси амалга оширади. Битта компютерда жолашган маҳаллий базалар ва бир-бири билан боғланган бир нечта компютерда тақсимланган базалар фарқланади.

#### Бош саҳифа

Асосий саҳифа. Инглиз тилидан турри таржима қилинганлиги билан қатъий назар, оу муайян инсоннинг уй (шахсий) саҳифаси эмас, балки веб-сайтнинг боилашти саҳифасидир. Одатда мурожаатлар анпан веб-сайтнинг бош саҳифасига қилинади, шунинг учун ушбу саҳифага таширф буюрувчилар сонш хоҳлаган бошқа саҳифага қараганда кунроқ. Бош саҳифа (веб-сайт юзи) бўйича фойдаланувчи қаерда эканлиги ва сайтнинг бошқа саҳифаларида нималарни куриши мумкинлиги ҳақида тасаввур олади (баъзан бош саҳифа биринчи ва ягона бўлади).

#### Виртуал банк

Ми́жозларга Интернет тармоғидан фойдаланиб хизмат курсатадиган банк. Ми́жозлар браузерлар ёки махсус дастурий таъминотдан фойдаланиб чинакам банкда бажариладиган амалларнинг куниши бажаришлари ва ахборот олишлари мумкин.

#### Маълумотлар банки

1. Маълумотлар мажмуи. Бу маълумотлар берилган мавзуга тегишли бўлиб фойдаланувчи билан узаро таъсир қила олишнинг таъминлайдиган тарзда ташкил қилинган.

2. Маълумотларни марказлаштирилган ҳолда сақлаш ва жамоа бўлиб фойдаланишнинг автоматлаштирилган тизими. Унинг

## Банк тармоғи

таркибига маълумотлар базаси ёки уларнинг мажмуи, маълумотлар базаси справочниги, МББТ, ҳамда суровлар ва амалий дастурлар кутубхонаси киради.

Банкга ёки банклар гуруҳига хизмат курсатувчи ахборот тизими. Банк тармоғи виртуал тармоқ ёки жисмоний тармоқ бўлади. Биринчи ҳолда у, қўпмақсадли тармоқнинг мантқий ажратилган қисми (бегона шаслар учун берк) ресурсларининг бир қисмидан яқкахоқим сифатда фойдаланади. Иккинчи ҳолда, ахборот тизимининг барча жиҳозлари ва дастурий таъминоти фақат банк тизимларини ишлаши учун мўлжалланган бўлади.

Банк тармоғининг асосий вазифалари бўлиб, банклар, уларнинг таркибий қисмлари ва бўлимлари орасида молиявий электрон ҳужжатларни узатиш; ҳисобларни бажаришда транзакцияларни қувватлаш; молиявий МБ дан эркин фойдаланишнинг таъминлаш; узоқликдаги банкоматларнинг ишини қувватлаш; банкларнинг маҳаллий тармоқларини бирлаштириш; молия ахборот тизимларидан эркин фойдаланиш; маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

## Бизнес учун бизнес

1. Ахборот маконда иқтисодий фаоллият соҳаси. Бу соҳа қўшимча қишмақши шакллантириш занжирда иштирок этувчи ташкилотлар билан самарали ва узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодий муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган.

2. Бизнес олиб боришнинг электрон модели. Унда корхоналар уртасидаги оралик шартномалар электрон кўринишда амалга оширилади.

B2B секторига турли фирмалар уртасидаги барча савдо муносабатлари, таъминотни, сотувни ташкил қилиш, шартномаларни ва режаларни келиштириш киради. B2B тизимлари сифатида қуйидагиларни тушунилади:

- Proument Systems – маҳсулот

истеъмолчиларини ишлаб чиқарувчилар билан, харидорларни сотувчилар билан алоқа тизимлари.

- Supply Chain Management – асосий ишлаб чиқариш учун корхонани узлуксиз равишда таъминот тугрисида ва контрагентлар логистикаси тугрисидаги ахборот билан таъминловчи тизим.

## Истеъмолчи учун бизнес

1. Ахборот маконида иқтисодий фаолият соҳаси. Бу соҳа якуний фойдаланувчи талабларини қондиришга ва узоқ муддатга муҳалланган иқтисодий муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган.

2. Бизнес олиб боришнинг электрон модели. Унда якуний маҳсулот истеъмолчиси билан ишлаб чиқарувчи орасида келишувлар электрон кўринишда бажарилади. B2 секторига, Интернет орқали бевосита истеъмолчилар ва бошқалар билан савдо қилувчи электрон дуконлар, ташкилотлар киради.

## Электрон бизнес

